

ISBN: 978-93-94673-93-6

ISSUES OF LEGAL SOCIALIZATION OF THE INDIVIDUAL IN MODERN CIVIL SOCIETY



Authored by
A. N. Makhmudova



Published by
Novateur Publication
466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УЎК 1:34

МАХМУДОВА АЗИЗА НУГМАНОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХСНИ ХУҚУҚИЙ
ИЖТИМОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Индия – 2022

А.Н.Махмудова **Замонавий фуқаролик жамиятида шахсни ҳуқуқий ижтимоийлашуви масалалари. Монография//** - С.: Самарқанд давлат тиббиёт университети 2021.- 133 б.

Такризчилар:

ХАЛИМБЕТОВ ЮСУП МАШАРИПОВИЧ
Самарқанд давлат тиббиёт университети
Фалсафа фанлари номзоди, доцент

НЕГМАТОВА ШАХЗОДА ШУХРАТОВНА
Самарқанд давлат университети
Фалсафа фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ, ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	6
1.1. Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасининг фалсафий ва методологик таҳлили	9
1.2. Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг тарихий ва фалсафий илдизлари	27
II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВОСИТАЛАРИ	37
2.1. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик.....	38
2.2. Ҳуқуқий ижтимоийлашув ва шахс девиант ҳуқуқи: ўзаро алоқадорлик .	66
2.3 Ҳуқуқий тарбия – шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг асосий воситаси сифатида	78
III БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ НАЗОРАТ	89
3.1. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувда ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими.....	96
3.2. Ҳуқуқий-меъёрий тизим фуқаролик жамиятида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнини назорат қилишнинг асоси сифатида	117
ХУЛОСА	118
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	123

КИРИШ

Бугунги даврда Янги Ўзбекистон “Инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев белилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Шу муносабати билан, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида кейинги беш йиликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси қабул қилди.

Тараққиёт стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб бериладиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир.

Шуни айтиш жоизки, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида замонавий жамиятнинг ривожини социомаданий хилма-хиллик ва қарама-қаршилиқлар билан таърифланади. Бу, бир томондан, индивидуаллик, фуқаролик эркинликлар ва иқтисодий тенгсизликга, бошқа томондан эса, жамоа бўлиб яшаш, ижтимоий тенглик ва адолатга интилиш мавжуд. Бугунги кунда жамиятдаги янгиланишларга кўмаклашиш жамият ҳуқуқий ҳолатини танқиди ҳамда ижтимоий сустлик ва трансформацион ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларга бефарқлик билан ажралади. Шу боис ҳам, замонавий фуқаролик жамиятида ҳозиргача шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, айниқса, унинг ҳуқуқий-ахлоқий қадриятлари тизими, моделлари ва уларнинг шаклланиши каби масалалари мунозарали бўлиб келмоқда.

Жаҳон илм-фанидаги назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммоси ҳақида фақат эклектик тадқиқотлар (психологик, конфликтологик, социологик, юридик, педагогик ва ҳ.к.) доирасида билимлар мавжуд бўлган. Бугунги кунда эса илмий жамоатчилик томонидан ҳуқуқий

ижтимоийлашувнинг миллий моделлари, ижтимоийлашув ҳодисасининг табиати, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг субстанционал, бирламчи моҳиятининг яхлит тасаввурини шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Айниқса, илмий билишда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг пассив шакллари, инсон фақат объект сифатида намоён бўлган таҳлили устуворлиги кўзга ташланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисасининг назарий ва амалий жиҳатларини сабаб ва оқибат, имконият ва воқеълик сингари фалсафий категориялар асосида илмий тадқиқ этиш ҳозирги замон илм-фанида муҳим концептуал аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш омили бўлган жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. “Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат”¹. Бу вазифаларни амалга оширишда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, умуман, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг яхлит баҳосини шакллантириш билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг концептуал асослари, шакллантириш механизмлари, мезонлари ва тамойилларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумидаги нутқи. 2.11.2018. <http://uza.uz/posts/57924>

1 БОБ. ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ, ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ



Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан кейин бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган мустақил ҳуқуқий давлат, демократияга асосланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Давлатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни шакллантириш жамият ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришни белгилаб кўяди. Ушбу жараённинг муҳим жиҳатларидан бири – бу шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви бўлиб, унда индивид, шаклланган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар, қадрият ва меъёрларга мослашади. Ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосининг ижтимоий-фалсафий тадқиқи замонавий жамиятни мураккаблиги билан бевосита алоқадор бўлиб, у эса унинг ҳуқуқий нормалари шаклланишидаги салбий тенденциялар билан боғлиқ¹.

Шуни айтиш жоиз-ки, замонавий жамиятнинг ривожини социомаданий хилма-хиллик ва қарама-қаршиликлар билан таърифланади. Бир томондан, индивидуаллик, фуқаролик эркинликлари ва иқтисодий тенгсизликга, бошқа

¹ Попандопуло О.А. Правовая социализация личности в современном российском обществе: социально-философский анализ. Диссертация кандидата философских наук, Волгоград, 2015. https://krdu.mvd.ru/upload/site119/document_file/O3zawMeErX.pdf


томондан эса, жамоа бўлиб яшаш, этатизм, ижтимоий тенглик ва эгалитар адолатга интилиш мавжуд. Жамиятдаги янгиланишларга кўмаклашиш жамият ҳуқуқий ҳолатининг танқиди ҳамда ижтимоий сустлик ва тарнсформацион ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларга бефарқлик билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳозиргача ҳуқуқий ахлоқнинг қадриятлари ва стандартлари тизими, моделлари ва уларнинг шаклланиши каби масалалар мунозарали бўлиб келмоқда.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисасининг ижтимоий-фалсафий тадқиқ этилиш эҳтиёжи жамиятда ижтимоийлашув жараёнини бошқарадиган самарали институтларни шакллантиришдаги қарама-қаршилиқларни мавжудлигидан келиб чиқади. Мамлакатимиз фуқаролари ўзида бир қатор камчиликларни мужассам этган ҳуқуқий тизимга мослашишга мажбурдирлар. Шу сабабли “Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” иккинчи йўналишининг асосий мақсади мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш масаласини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш зарурати пайдо бўлган эди. Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари тамойили асосида кейинги беш йиликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий маърифий асосларини яратиш беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида эса, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш қаратилган.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосини тадқиқ этиш аҳамияти ушбу ҳодиса ҳақида тўлиқ илмий қараш мавжуд бўлмаганидан ҳам келиб чиқади. Ҳозирги кунда республикамиз олимлари мазкур муаммони тизимли ижтимоий-фалсафий таҳлил этишни бошлаганлар. Чунки олдинроқ у ҳақида фақат эклектик тадқиқотлар (психологик, конфликтологик, социологик, юридик, педагогик ва бошқалар) доирасида билимлар мавжуд бўлган. Бундан ташқари, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувини субстанционал, бирламчи моҳиятининг яхлит тасаввурни шакллантиришни давом эттириш зарур. Илмий билишда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг пассив шакллари, инсон фақат объект сифатида намоён бўлган таҳлилининг устуворлиги кўзга ташланмоқда.

Монография биринчи бобида ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчаси ва хусусиятлари, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг назарий ва методологик асослари, ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасининг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини, ушбу босқичларнинг ўзига хос хусусиятларининг фалсафий таҳлилин амалга оширишга ҳаракат қилинади.

1.1. *Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасининг фалсафий ва методологик таҳлили*



Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг муҳим ва устувор вазифаси сифатида эътибор қаратилиб келинган ва бугунги кунда яна кучайтиришга ҳаракат қилинаётган шахс ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи мамлакатимиз ўз олдида қўйган юксак марраларни эгаллашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, юртимизда амалга оширилиши режалаштирилаётган ислохотларнинг бажарилишида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, қонунларга ҳурмат руҳининг шаклланганлик даражаси ва қонун ижрочилик қобилиятининг қай даражада ривожланганлиги билан узвий алоқадорликда амалга ошади. “Бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик ортиб, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – «*Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун*» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат... Бунинг учун эса, жамият аъзоларини, хусусан ёш авлодни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан, қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб

хисоблаймиз”¹. Фуқароларнинг ҳуқуқ соҳасидаги билими ва ҳуқуқий маданияти масалалари ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисаси орқали таҳлил қилинадиган жараёндир.

“*Ҳуқуқий ижтимоийлашув* бу – инсон томонидан ҳуқуқий билимлар тизимини ўзлаштириш жараёнидир. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида инсон ўзи томонидан ўзлаштирилган ҳуқуқий билим, кадриятлар ва меъёрлар воситасида муваффақиятли тарзда ҳуқуқий ҳаётга мослашиб, унинг тўлақонли аъсосига айланиб боради. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шахснинг ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар доирасида ўзининг оптимал ўрнини топиб бориши осонлашади. Ҳуқуқий ижтимоийлашиш натижасида инсон маданий ва ҳуқуқий меросни ўзлаштириб боради ва ушбу ўзлаштириш унинг ижтимоий ҳуқуқий манфаатларига тўла мос келиши билан бир қаторда, шахснинг ижтимоий муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланишига ёрдам беради². Маълум ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантириш орқали шахс жамиятнинг бошқа аъзолари билан ижтимоий муносабатларни назорат қилиш ва тартибга солиш, ўз фаолиятининг тартибланишга, самарадорлик, фойдалилик ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш даражасини оширади, ўзининг ижтимоий-ҳуқуқий мавқеини ўстиради, мустаҳкамлайди, ўзига белгилаб берилган ижтимоий вазифаларни муваффақият билан бажариб боради. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви даражаси жамиятда қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларнинг нечоғли амал қилинишини, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик руҳининг шаклланиши ва ривожланишини, жамиятда жиноятчилик ва ғайри қонуний ҳолатларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. Мамлакатимиз тараққиётининг яқин беш йилликдаги истиқболли вазифаларини белгилаб берган “Тараққиёт стратегияси”нинг

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.89.

² Махмудова А.Н. Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасининг фалсафий ва методологик таҳлили. Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. Материалы научно-практического семинара «Конституция Республики Узбекистан: Наука, образование и воспитание молодёжи». 3 декабря 2019 года. Том 2.- Б.213-216.

иккинчи устувор йўналиши ҳам айнан ушбу масалага қаратилган бўлиб, бу вазифаларни ҳал қилишда давлат органлари, таълим муассасалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда салбий иллатлар: терроризм, диний фундаментализм ва экстремизмнинг хавфини олдини олиш мақсадида тушунтириш, тарғибот ташвиқот, тадбирларини ўтказиш, радио ва теледастурлар ташкил этиш, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш ва жадаллаштириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, жамият аъзоларини, айниқса, ёш-авлодни бузғунчи ғоялар таъсирларидан асраш мақсадида таълим муассасаларида, турли соҳадаги муассаса ва ташкилотларда ҳамда маҳаллаларда турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу каби тадбирлар, тарғибот-ташвиқотлар ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини кучайтириш ва янги сифатий босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ушбу ҳолат илмий тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайдиган яна бир жиҳат эканлигини айтиб ўтмоқ жоиз.

Шахс ижтимоийлашуви масаласи ҳар доим ижтимоий фанларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу ҳодиса, бир томондан, ижтимоий назариялар, таълимотлар ривожидида муҳим рол ўйнаса, иккинчи томондан, таълим ва тарбия жараёнини тўғри ташкиллаштиришнинг асосларидан бири ҳисобланади. Ижтимоийлашув тушунчаси фалсафий, психологик ва социологик адабиётларда индивиднинг ижтимоий шаклланиб бориш жараёни сифатида, шахс ижтимоий моҳиятининг шаклланиб, ривожланиб бориши сифатида таҳлил қилинади.

“Шахс ижтимоийлашуви – мураккаб ижтимоий психологик жараён бўлиб, ўз ичига индивиднинг маданийлашиб бориши, тизимли тарзда таълим ва тарбияга қамраб олиниши умуман, жамият аъзолари билан доимий равишда ижтимоий алоқанинг йўлга қўйилиши, индивидда дунёқараш, шахсий нуқтаи назар, ижтимоий жараёнларда ўз позициясининг мавжуд бўлиши, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириб бориш каби мураккаб жараёнлар билан биргаликда кечади. Шахснинг ижтимоийлашуви

индивидуал ва ижтимоий тажрибанинг ошиб бориши билан боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади”¹.

Ижтимоийлашувнинг муҳим шаклларида бири бу – ҳуқуқий ижтимоийлашувдир. “Ҳуқуқий ижтимоийлашув – индивидуал, сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг шаклланиб, ривожланиб бориши ва ҳуқуқий маданиятга айланиши билан узвий алоқадорликда ва мутаносибликда кечади”².

Инсоният тарихига назар соладиган бўлсак, инсон ижтимоийлашувининг тарихий-ижтимоий характерланиши, инсоннинг инстинктив меҳнатдан ижтимоий меҳнат фаолиятига ўтиш билан боғлиқ ҳолда кечганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шу билан бирга, ижтимоийлашув индивидларнинг ўзаро мулоқотга киришиши, уларнинг ўз шахсиятини намоён қилиш учун турли ижтимоий гуруҳларга бирлашиши натижасида содир бўлган. Ижтимоийлашиш жараёнида индивид ҳам объект, ҳам субъект сифатида иштирок этади. Бунда индивидуал ва ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши ҳал қилувчи омилга айланади. Яъни, ижтимоийлашув жараёнида аждодлар, катта авлод ижтимоийлашув жараёнидаги шахс учун ижтимоий тажрибанинг узатувчиси, ижтимоийлашув жараёнидаги шахс эса ижтимоий тажрибани қабул қилувчисига айланади. Бошқача қилиб айтганда, таълим ва тарбия жараёни, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида узвийлик, тизимлилик ва алоқадорликни таъминлаб беради. Кишилар билан мулоқотга киришиш, овга ўз тўдаси билан бирга чиқиш жараёнида овни тўғри ташкиллаштириш сир-асрорларини ўрганиш ёки ерга тўғри ишлов бериш қоидаларини ўзлаштириб бориш, оилавий муносабатларни ташкил этишда олдинги авлод тажрибасининг ўзлаштирилиши, ижтимоийлашув жараёнида шахсий ва ижтимоий тажрибанинг роли катта эканлигининг асоси бўла олади. Шу билан бирга,

¹ Қаранг: Makhmudova A.N. The role of Social control in the legal socialization of the individual. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal, India*. ISSN: 2249-7137, Vol. 10, Issue 5, May 2020, Impact Factor: SJIF 2020=7,13; DOI:10.5958/2249-7137.2020.00274.8 P. 712-721.

² Жинко А.Н. Правовая социализация личности в контексте правового воспитания и юридического образования. Ростов на Дону, 2012. - С.212.

ижтимоийлашиш жараёнида ушбу жараённинг иштрокчиси сифатида шахснинг ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини билиши ниҳоятда муҳимдир. Чунки у ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялашни келтириб чиқаради.

Ўз-ўзини англаш субъектнинг ўзини ва ўз имкониятларини англаши, ўзининг ташқи олам билан алоқадорлик жиҳатлари ва бу алоқадорлик тизимида тутган ўрни ҳақидаги билимга эга бўлишни билдиради. Ўз-ўзини англаши ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини, мотивларини, ҳиссиёт ва фикрларини, англаб етиш орқали хатти-ҳаракатини тартибга солишдир. Ўз-ўзини англаши, жамиятда кишининг ўз ўрнига ва мавқеига бўлган муносабати унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ниҳоятда муҳимдир. Ўз-ўзини англаган шахс жамият ҳуқуқий муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлишга интилади ва қонун нормаларига ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Ўз-ўзини бошқариш – ўз эмоциялари, фикрлари ва хатти-ҳаракатини бошқара олиш қобилиятидир. Ўз-ўзини бошқариш шахснинг онгли равишда ўз ҳаракатини ташқи таъсирларсиз ўзи томонидан бошқаришидир. Бунда шахснинг мустақил қарор қабул қилиши, ўз олдига турли мақсадларни белгилаб олиб, шу мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятини ўзи бошқариши каби жиҳатлар кўзга ташланади. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шахснинг ўз-ўзини бошқариши, шахснинг ҳуқуқий меъёрлардан доимий хабардор бўлиб, ушбу меъёрлар доирасида фаолиятини амалга оширишни ўз назоратига олиш кўникмаси ҳисобланади.

“Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шахс ҳуқуқий маданиятининг юксалишини таъминловчи яна бир омил бу – ўз-ўзини танқид қилишдир. Ўз-ўзини танқид қилиш, шахснинг ўз хатти-ҳаракатидан қоникмаслик, ўз фаолиятидаги хато ва камчиликларни кўра олиш ва ушбу камчиликларга салбий танқидий муносабатда бўла олиши, муносабатда бўлишини ифодалайди. Ўз-ўзини танқид қилиш қобилияти ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида ниҳоятда самарали механизм ҳисобланади”¹.

¹ Махмудова А.Н. Проблемы правовой социализации личности в современном гражданском обществе Журнал “НамДУ Илмий ахборотномаси” 2019, 3-Сон (ноябрь). - С.145. <http://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/>

Ўз-ўзини баҳолаш кишининг ўз хатти-ҳаракатида ютуқ ва камчиликларига нисбатан тўғри, холисона муносабатни шакллантириш қобилиятидир. Ўз-ўзини баҳолаш шахсда ўз вазифа ва қарорларининг тўғри бўлишида, ўз фаолиятида ўзишига, ўз хатти-ҳаракатига адекват муносабат билдиришида ниҳоятда муҳимдир. Ўз-ўзини баҳолаш қобилияти тўғри шаклланган шахс амалий фаолиятида ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириб боришга ҳаракат қилади.

Ўз-ўзини тарбиялашда энг муҳим жиҳат – билимларнинг такомиллаштириб ва янгиланиб боришидир. Ушбу жиҳат ижтимоийлашувнинг, хусусан, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг энг муҳим омилларидан биридир. Чунки ижтимоийлашув жараёнининг сифати қабул қилинаётган билимларнинг сифатига боғлиқдир.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятда бир қатор вазифаларни бажаради. Ушбу ҳодисанинг энг муҳим вазифаси, ҳуқуқий кадриятларнинг, билимларнинг реал хатти-ҳаракатга айланиши билан боғлиқ. Зеро, ҳар қандай билим реалликка айлантирилганда, амалиётда қўллангандагина натижа бериши, маълум бир кадрият мақомини олиши мумкин. Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг намоён бўлиш шаклларида бири бу – фуқаровийликдир. Фуқаровийлик бир тарафдан шахснинг жамиятнинг бошқа аъзоларидан тўлиқ алоҳида характерга эга эканлигини, яъни олий даражада мустақиллигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, алоҳида индивиднинг жамият ҳаётидаги у ёки бу даражада фаолиятини, иштирокини (ҳамкорлигини) кўрсатадиган бирдамликни назарда тутаяди.

Қуйидагилар фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар қаторига киради:

- фуқароларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниши ва бу ҳуқуқларни кундалик амалий фаолиятда қўллай олиши кўникмаси мавудлиги;
- жамиятнинг бошқа аъзоларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ва қўллаб-қувватлаши;

- ҳар бир фуқаронинг ўзининг ҳар қандай хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги;

- фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги шахсий-фуқаровий масъулиятини англаши;

- фуқароларнинг қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги;

- фуқароларнинг ижтимоий воқеликка нисбатан юксак маънавий-ахлоқий мезонлар асосида объектив ва танқидий ёндашиши;

- шахснинг ҳар бир фуқаро, шунингдек, ҳокимият ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилиятининг шаклланганлиги;

- фуқаронинг муайян жамият ва давлатга тегишлилиги, ҳуқуқий, маданий ва тил маконига мансубликни ифодаладигин фуқаровий ўз-ўзини англаши ва б.

Қуйидагилар фуқаровийликнинг (тугал) мукамал эканлигини кўрсатувчи мезонлар ҳисобланади:

1. Фуқарода фуқаровий позиция тўла шаклланмаган ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш истаги мавжуд бўлмаса, бу фуқаровийликнинг энг қуйи даражаси ҳисобланади;




2. Фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга мойиллиги мавжуд бўлса, бу ҳуқуқларни таъминлашда ўз билим ва қобилиятини қўллаш олишга тайёр бўлса, буни фуқаровийликнинг ўрта даражаси деб баҳолаш мумкин;

3. Фуқарода фуқаровий хусусиятлар тўла шаклланган ҳамда унинг фуқаролик позициясида фаол ҳаракат қилиши, у ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш учун амалий ҳаракатга киришган бўлса, уни фуқаровийлик сифатининг юқори даражаси сифатида талқин этиш мумкин.

Фуқаровийликнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини қуйидагича баҳолаш мумкин: **фуқаровийлик** – бу жамият аъзоларини муайян мақсад учун бирлаштириш ва шу мақсадни амалга ошириш учун йўналтиришни ифода этади. Шунингдек, фуқаровийлик шахснинг жамиятда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан фаол муносабатда бўлишини,

фуқаролик жамиятини ривожлантиришни таъминлайди. Бундан кўринадикки, фуқаровийликнинг шаклланиши, бир томондан, давлат, жамиятнинг шахсга берган имкониятига (фуқароликни бериш) боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, фуқаровийликнинг ўзи ҳам жамиятнинг ташкил этилиши ва ривожланиши учун муайян даражада ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаронинг жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок қилиши, унинг фаолиятининг салбий ёки ижобий, тўғри ёки нотўғри бўлиши ижтимоий назорат асосида амалга оширилади. Ижтимоий назорат тизимига кирувчи меъёрлар шахс фаолиятини қуйидаги учта соҳада назорат қилиб, тартибга солиб боради:

-  шахснинг бошқаларга нисбатан муносабати жараёнида;
-  шахснинг бутун бир жамиятга нисбатан муносабати жараёнида;
-  шахснинг ўз-ўзига муносабати жараёнида.

Жамиятни инсонпарварлаштириш, унда демократия элементларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, шахснинг хусусий мулк ва ҳокимиятдан, бошқарувдан бегоналашувини бартараф этиш, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг энг ишончли қуролидир. Жамиятда инсонпарварлик элементлари қанчалик юқори даражада бўлса, ушбу жамиятда яшаётган кишилар ўзларининг ҳаётлари маълум бир кадр-қимматга ва аҳамиятга эгаллигини, ушбу жамият унинг барча интилишларида қўллаб-қувватлашига ишончи бўлса, унда жамиятда ўрнатилган турли меъёрлар, жумладан, қонунларга ҳурмати ва ишончи баланд бўлади ва ҳуқуқий ижтимоийлашуви шу даражада юксак кўринишда намоён бўлади. Бундан ташқари, собиқ Иттифок даврида авж олган хусусий мулк ва ҳокимиятдан бегоналашиш ҳолатлари кишиларда ўз хатти-ҳаракатида ички мотив ва ҳаракат стимулининг йўқолишига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, рақобат ва интилиш каби ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган омилларнинг йўқолишига олиб келди.

Шахснинг қонунларга итоаткорлик ва қонун ижрочилик ҳуқуқий ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шаклланиб боради. Шахснинг ҳуқуқий

ижтимоийлашуви қонун билан қўриқланадиган ва ҳимояланадиган норматив кадриятлар тизимига шахснинг қўшилиб бориш жараёнидир. Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг юқори босқичи ҳуқуқий нормаларнинг шахс кадриятлар тизимидан мустақкам ўрин эгаллашидир. Шахс кадриятлар тизими бу – инсоннинг қандай кадриятлар асосида яшаши, ўз ҳаётида нималарни ҳал қилувчи мезон деб қабул қилиши ниҳоят даражада муҳим ҳисобланади. “Воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган ушбу тушунча, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсаларни ва ҳодисаларни ифодалайди”¹. Кадриятларнинг мазмун-моҳияти ва камровига кўра турли хил турга ажратилади: шахсий кадриятлар, инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умрининг маъноси, одоби, ички олами гўзаллиги билан боғлиқ кадриятлар саналади.

Кадриятлар ўзгариб бориш хусусиятига эга. Ёшига, дунёқарашига, моддий аҳволига, жамиятда тутган мавқеяга қараб, инсоннинг шахсий кадриятлари ўзгариб туради. Кадриятларнинг ўзгаришига, ижтимоий тараққиёт ва вазият ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, уруш пайтида тинчликнинг, тутқунликда озодликнинг, мусофирчиликда Ватаннинг ва яқин инсонларнинг, камбағалликда бойликнинг, хасталикда соғлиқнинг қадрини ошиб боради. Инсон маънавий олами бойлигида, унинг қандай кадриятлар, асосида яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эгадир, чунки ушбу кадриятлар кўпинча, инсон ҳаётида йўналтирувчи, ҳаракатлантирувчилик вазифасини бажаради. Демак, инсон ўз ҳаётининг кадриятларини тўғри белгилаб оломи зарур. Кадриятларни тўғри белгилаб олишни проф. Б.О.Тураев оқилона кадрият мўлжаллари тушунчаси билан шундай ифодалайди: “Кишининг кадрият мўлжаллари оқилона йўналтирилгандагина, у жамият манфаатларига мос, жамиятнинг эҳтиёжларини қондира оладиган кучга эга бўлади, акс ҳолда, жамият тараққиётига тўсик бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан

¹ Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. -T., 2013. - B. 409.

каралганда, оқилона кадрият мўлжалларини шакллантириш – жамият тараққиёти учун муҳим рол ўйнайди”¹. Ўз ҳаётий кадриятларини тўғри белгилаб олган инсонгина, маънавий олами кенг, фақат ўз манфаати йўлида ҳаракатланмай, ўзгалар учун ҳам нимадир қилишни, эзгу ном қолдиришни кадрият деб билиб, олий мақсадлар билан яшайди. Шахс кадриятлари тизимнинг муҳим элементларидан бири бу ҳуқуқий кадриятлардир. “Ҳуқуқий кадриятлар бу – конкрет ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар ва механизмлар тизимидир”². Бунга кишиларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий демократик принциплар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтлар ва механизмлар, ҳуқуқий муносабатлар киради.

Шахс ҳуқуқий ижтимоий жараёндаги муаммолар, шахснинг ҳуқуқий ноижтимоийлашуви ёки ҳуқуқий негативизм ҳисобланади. “Ҳуқуқий негативизм бу – ҳуқуқни универсал ижтимоий норматив кадрият эканлигини инкор этиш, ҳуқуқий нормалар жамиятни бошқаришнинг ягона ва энг тўғри шакли эканлигига (унинг кучига шубҳа билан қараш, шубҳаланиш, ҳуқуқдан бошқа тўғрироқ усуллар борлигига ишонишдир”³. Ҳуқуқий негативизм куйидагиларда намоён бўлади:

- ✚ Ҳуқуқий кадрият ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаслик;
- ✚ Ҳуқуқий кадриятларга нисбатан ишончсизлик;
- ✚ Ҳуқуқий кадриятларни тўғри ёки етарлича баҳолай олмаслик;
- ✚ Қонун талабларига ҳурматсиз муносабатда бўлиш;
- ✚ Қонун талабларига енгил, маъсулиятсиз муносабатда бўлиш;
- ✚ Ҳуқуқ нормаларини фаол инкор қилиш, уларни қабул қилмаслик

ёки ҳуқуқий нигилизм.

“**Ҳуқуқий нигилизм** бу – ҳуқуқни ижтимоий институт сифатида инкор этиш, ҳуқуқий нормаларни кишилар ўртасидаги муносабатларни бошқариш

¹ Каримов Б.Р., Тураев.Б.О Оқи лона кадрият мулжаллари . -Т.,1994.- Б.5.

² Falsafa Qomusiy lug'at. – Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2010. – В. 348.

³ Қаранг: Философский словарь. Под редакцией Фролова. И.Т. - Москва: Политиздат, 1980. - С. 228.

ва тартибга солишдаги ролини тан олмаслик, қонунларнинг кучига ишонмаслик ва уларни инкор этишдир”¹.

Ҳуқуқий нигилизм икки хил кўринишда намоён бўлади:

✚ онгли ҳуқуқбузарлик;

✚ онгли жиноий хатти-ҳаракат.

Онгли ҳуқуқбузарлик ва онгли жиноий хатти-ҳаракат бир-биридан фарқ қилади. “*Онгли ҳуқуқбузарлик* бу – ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат бўлиб, ўрнатилган ҳуқуқий нормаларга зид ҳаракат содир этишни ифодалайди”². *Онгли жиноий хатти-ҳаракат* бу – жиноят қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишдир.

“Ҳуқуқий ижтимоийлашув шахснинг ахлоқий шаклланиши ва ахлоқий қадриятлар тизими билан узвий боғлиқ. Ҳуқуқ ва ахлоқ жамиятда кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солишнинг ва жамиятни бошқаришнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки шаклидир. Ҳуқуқий нормаларнинг бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи орқали амалга оширилса, ахлоқ нормаларининг бажарилиши ижтимоий механизмлар, жамият, оила, маҳалла, жамоатчилик назорати орқали амалга оширилади”³.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида унинг ахлоқий қадриятлар тизимининг қай даражада шаклланганлиги ниҳоятда муҳимдир. Чунки, ахлоқий етук шахс ўз хатти-ҳаракатини ўз ихтиёри билан қонунларга мос келишини назорат қилади. Бу, ўз-ўзини назорат қилиш, ёки ички назорат бўлиб, аксарият ҳолатларда ташқи назоратдан кўра анча кучлироқ ва таъсирчанроқ бўлиши мумкин. Ахлоқий талаблар тарбия, миллий характер, менталитет, жамоатчилик назорати каби кўпгина омиллар таъсирида шаклланади ва хулқ-атворда намоён бўлади. У тарихий тажрибанинг оммавий тафаккурдаги инъикосидир. Ахлоқий нормаларнинг бажарилиши жамият томонидан назорат қилинар экан, маълум хатти-ҳаракатнинг

¹ Философский словарь. Под редакцией Фролова И.Т. - Москва: Политиздат, 1980. - С. 231.

² Новейший философский словарь. - Минск: НПРС, 1999. - С. 601.

³ А.Н.Махмудова Фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви. “Science and Education” илмий журналнинг “Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истикболлари” мавзусидаги 2-сонли онлайн конференцияси. Тошкент 31.05.2020, - Б. 221.

жамоатчилик томонидан маъқулланиши ёки эътирозга учраши, маънавий характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий оламига йўналтирилган бўлади. Ўзининг ички кучли назоратига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни муваффақиятли ва самарали кечади. Жиноятчиларнинг жиноят содир этгунга қадар олиб борган турмуш тарзи ўрганилиб таҳлил қилинганда, улар доимий тарзда ахлоққа зид хатти-харакатларни амалга оширганликлари маълум бўлади. Ҳуқуқбузарликлар, одатда, ижтимоий мослашуви билан муаммолари бўлган кишилар хатти-харакатида кўпроқ намоён бўлади.

Шахснинг ижтимоий мослашуви билан боғлиқ муаммолар, шахс дезадаптациясининг илдизлари ўсмирлик, ҳаттоки, болалик даври билан боғлиқдир. Ижтимоийлашув жараёнида мувозанат бузилган шахс одатда одам учун ечиш қийин бўлган, мураккаб ижтимоий вазиятларга нисбатан шахснинг жавоби сифатида вужудга келади. мураккаб ижтимоий вазиятда бола ёки ўсмир осонгина бирон-бир ноижтимоий субмаданият таъсирига тушади ва ўзининг ноижтимоий ҳаётини стратегиясини шакллантиради. Инсонда эркинлик, ўз-ўзини эркин намоён қилиш имконияти ошмоқда. “Инсоннинг қадриятли муносабати ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини баҳолаши, инсоннинг ўзи каби ўзгарувчандир”, “Замонавий инсонда ўз-ўзини, ўз қадриятларини қайта баҳолаш натижасида ўз хатти-харакати учун жавобгарлик, масъулият ҳисси камайиб бормоқда”¹. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кун инсонини глобал миқёсда ҳаётини принципларига назар соладиган бўлсак, унинг ҳаёти ўз шахсий муаммолари, ўз манфаатлари атрофида айланади, “менинг ҳаётим”, “менинг эҳтиёжларим”, “менинг манфаатим”. “Кишининг ижтимоий фаоллиги унинг руҳий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқса, у инсонни юқори даражага кўтаради, аксинча, моддий ва ҳуқуқий эҳтиёжларга ва манфаатларга бўйсунган ижтимоий фаоллик инсонни рационал ҳайвонга айлантиради, бундай ҳолатда, ахлоқий, маънавий ва биосоциал

¹ Лосев О.А. Культурологические парадигмы личности в XXI веке. – М.: Философия и общество. 2008- С. 42.

мўлжалларида ўзгариш, бузилиш ҳолатлари келиб чиқади”¹. Масалан, бутун дунёда ўсмирлар орасида тобора авж олиб бораётган турли субмаданиятлар, готлик, эмолик, панклик, сатанистлик ноижтимоий хулқ-атвор кўринишлари сифатида намоён бўлмоқда. Ўзларини готлар деб атайдиган субмаданият вакиллари бутунги кунда АҚШ ва Европада энг кенг тарқалган, сирли ва ўзига хос оқимлардан бири ҳисобланади. “Гот” сўзи қўпол, варвар деган маъноларни билдиради. Ушбу ном қадимги гот қабилалари номидан олинган бўлиб, Қадимги Рим маданиятини барбод қилишга ҳаракат қилган ёввойи ва маданиятсиз халқларни ифодалайди”.² Ушбу оқим XX асрнинг 80-йилларида Англияда вужудга келган. Унинг аъзолари рухий-маънавий борлигида бузилиш ҳолатлари, хаос, тартибсизлик ҳукм сурадиган турли ёшдаги, айниқса, 20-45 ёшлардаги кишилардан ташкил топган. Ушбу оқим вакиллари қоронғулик ва қора ранг билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни ўз мавжудлик моҳиятларини кўрсатиб бера олади деб ҳисоблайдилар. Улар қоронғулик ва зулматга интилишади, ташқи дунёга нисбатан ёпиқликлари билан ажралиб туришади. “Гот”лар “ҳар бир яшаётган кун – охириги кун” шиори билан яшашади. Умидсизлик ва уларни ўраб турган ташқи оламдан норозилик уларнинг асосий хусусиятлари ва характерли жиҳатлари ҳисобланади. Бундай кишилар ўз ички оламига ғарқ бўлган бўлиб, ташқи оламдан, жамиятдан ёпиқ тизимга айланган. Синергетиканинг асосчиларидан бири Хакен таъкидлаганидек, “тизим ёпиқ бўлса, у ташқи оламдан узилиб қолади ва унда хаос ҳукмрон бўла бошлайди. Бундай тизим ичидан ўз-ўзини емира бошлайди”.³ Улар ўз ташқи кўринишлари билан ҳам бошқалардан ажралиб туришади. “Қабристон эстетикаси” деб номланган ўз кийиниш ва юриш-туриш тарзларига эга бўлган ушбу кишилар, қоп-қора кийим ва пардоз ранглари, металлдан ишланган қўпол тақинчоқлар, кўпроқ бош суяклари тарзда ишланган туморларни тақиб юришади. Ушбу оқим вакиллари, сиёсий

¹ Лосев О.А. Культурологические парадигмы личности в XXI веке. – М.: Философия и общество. 2008- С. 44.

² Новейший философский словарь - Минск.: 1999 - С. 47.

³ Хакен Г. Синергетика. М.: Наука, 1986. - С. 67

дунёқарашига кўра анархистдир, яъни, ҳеч қандай сиёсий бошқарувни тан олмайдилар. Диний ва илмий дунёқарашига кўра, атеист ва агностиклардир. Яъни, ҳеч бир динга эътиқод қилмайдилар, дунёнинг яратилиши ҳақида ўз позициялари мавжуд. “Дунё ва тириклик энтропиядан келиб чиққан ва яна унга қайтади”.¹ “Гот”ларнинг ҳаётини тадқиқ қилган голланд социологи Агнес Яспернинг фикрича, “Гот”лар “кичик дунёси” (яъни, ички олами) “катта дунё” (жамият) билан мос келмаган кишилардир”.² Шу сабабдан ҳам, готлар, ташқи оламдан узилган бўлиб, ўз оламларига ғарқ бўлишади ва ўз оламларига ҳеч қимни яқинлаштиришмайди. Готларда жамиятдан ва уларни ўраб турган кишилардан нафратланиш кучли бўлиб, шу сабабдан улар, кўпинча, атрофдагиларга агрессив муносабат билдиришади. Ғарб жамиятида готлар томонидан кўплаб қотилликлар уюштирилаётганлиги ушбу оқимга нисбатан давлат ва жамият томонидан салбий муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Готлар – индивидуалистлардир. Улар ёлғизликни хуш кўришади. Уларнинг ўз мусиқалари (рок мусиқа), ўз адабиётлари, ўз маданиятлари мавжуд ва юқоридагиларнинг барчаси зулматни, готларнинг ички оламини ифодалайди.

Европа ва АҚШда кенг тарқалган яна бир субмаданият оқим бу – эмолардир. “*Эмо* сўзи – инглизча *эмоционал* сўзидан олинган бўлиб, ҳиссиёт, деган маънони билдиради”³. Ушбу оқим, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда пайдо бўлган. Унинг вакиллари готларга баъзи жиҳатлари билан ўхшаш бўлсалар-да, улардан ажралиб турувчи томонлари мавжуд. Эмолар ўз ички ҳиссиётларини, ички оламини ва руҳий ҳолатини ташқи кўриниши билан мутаносиб тарзда ифодаловчи оқим бўлиб, ўз-ўзини намоён қилишнинг ўзига хос усулларида фойдаланишади. Кўпинча, эмоларнинг руҳий ҳолатларида тушкунлик кайфияти, депрессия ҳолати устувор бўлади. Агар готларда жамиятдан, ташқи оламдан норозилик кайфияти устунлик

¹ Аддиванкин А.И. Готы и эмо. - М. 2012.- С. 31.

² Agnes Yaspers. Subkulture Gots and Emos.- P. 58.

³ Аддиванкин А.И. Готы и эмо. - М. 2012.- С. 23.

қилса, эомоларда ўз-ўзидан қоникмаслик, ўз ҳаётидан норозилик кайфияти кучлироқ бўлади. Эомолар ўз-ўзидан норозилик, жамиятдаги баъзи тартиботлардан норозиликларини турли усуллар орқали намоён қилишади. Кўпинча, ушбу норозиликларни намоён қилишнинг усули сифатида ўз жонига қасд қилишни танлашади. Эомолар ҳиссиётга берилувчи, романтизмни ўз ҳаётларининг мазмуни деб ҳисоблашади ва ҳаттоки, ўлимни ҳам романтик жараёнга айлантиришади.

Эомолар учун ҳаёт ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ҳодисадир. Жонига қасд қилиш улар учун оддий ҳолат ҳисобланади. Эмолик, асосан, Европа ва АҚШ ёшлари ва ўсмирлари орасида кенг тарқалган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда ўсмирлар орасида ушбу сектага кириш ҳолатлари кучайиб бормоқда ва ушбу ҳолат катта авлод вакилларини таҳликага солмоқда. Чунки, улар ёшлар орасида депрессия ва тушкунликни, ўз жонига қасд қилишни тарғиб қилишмоқда. Европада, ҳаттоки, эмоликни таъқиқловчи қонунлар ҳам қабул қилинмоқда. Масалан, 2008 йил 2-июнда Россия Давлат Думаси эмоликни ёшларнинг руҳий-маънавий, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган иллат сифатида депутатлар томонидан уни таъқиқлаш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Готлар ва эомоларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида ҳам улкан муаммолар юзага келмоқда. Чунки барча готлар, эомолар қонунга, давлатга ишончсизлик, ҳурматсизлик кайфиятидаги кишилардир. Шунингдек, уларда диний ва ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳам ишончсизлик ва ҳурматсизлик кайфияти кучлидир. Ҳеч бир гот оила қурмайди. Улар сиёсий позицияда анархист, диний позицияда атеистдирлар. Демак, ахлоқий ижтимоийлашуви билан муаммолари бўлган шахсда ҳуқуқий ижтимоийлашуви билан ҳам улкан муаммоларга эга бўлади. Жиноий хатти-ҳаракатни содир этувчи шахс, аксарият ҳолларда ўзининг паст ижтимоий мавқеёга эгалиги билан муроСага келган, ўзининг ушбу ҳолатини тан олган, ушбу ҳолатга қарши курашдан воз кечган, ҳатто, ўзининг “ёмон одам”лигини қабул қилган ва бунда ҳеч қандай муаммо кўрмайдиган кишилар томонидан содир этилади.

Буюк рус ёзувчиси Ф.Достоевский “Жамиятга қарши чиққан жиноятчида ана шу жамиятга нисбатан кучли нафрат, ўзининг хатти-харакатининг тўғрилигига кучли ишонч бўлади. У ўзининг ҳолатига ўзини эмас, жамиятни айбдор деб билади”¹. Антисоциал шахснинг хулқ-атвори ва хатти-харакати унинг маълум бир жараёндаги фойдалилик ва фойдасизлик ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқади. Унинг фойда ҳақидаги тасаввури мақсадга эришиш йўлида қўллаётган воситаларини танқидий қайта кўриб чиқиш қобилиятини пасайтиради. Яъни, фойда олиш мақсади йўлида ҳар қандай восита ўринлидир деб ҳисоблайди. Ана шу ўринда ахлоқий ижтимоийлашув билан боғлиқ муаммолар ҳуқуқий ижтимоийлашувдаги тўсиқларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини кўришимиз мумкин. Чунки ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни комплекс, тизимли жараёндир. Умумий ижтимоийлашув, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг асоси ҳисобланади. Шахснинг ижтимоийлашув жараёнидаги тўсиқлар, муаммолар, унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳам ўз аксини топади. Ушбу жараён, айниқса, релевантлашув билан муаммолари бўлган шахсларда яққол намоён бўлади.

Жамиятда ўз ўрнини топиш, ҳурмат қозониш ва ўзлигини, ўз имкониятларини, ўз-ўзини намоён этиш билан боғлиқ муаммоларга учраган, камситиш ва таҳқирланишга учраган кишиларда ҳам ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнидан узилишлар содир бўлади, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни тўлиқ шаклланмайди. Демак, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни фақат ҳуқуқий ахлоқий жараёнлар йиғиндиси бўлиб қолмай, рухий борлиқ билан ҳам боғлиқ ҳолда кечади. Ижтимоий муҳит талабларига ўзининг мос эмаслигини доимий равишда англаб борган шахснинг онг остида ана шу талабларга нисбатан норозилик тўпланиб боради. Ўзининг ички олами билан тафовутлари бўлган жамиятга ва меъёрларга нисбатан душманлик ва қарама-қаршилиқни намоён қилиш ҳисси ортади. Алкоголизм, ўғрилиқ, босқинчилик, фоҳишалик ана шу хоҳишнинг

¹ Опульская Л.Д., Коган Г.Ф. и др. Примечания//Достоевский Ф.М.. Полное собрание в 30 томах –Л.: Наука. Ленинградское отделение, 1973. – Т.7. - С.299-412.

юзага чиқиш кўринишлари ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳуқуқий ноижтимоийлашган шахсда ўзига хос ҳимоя мотивацияси пайдо бўлади. “Ҳамма шундай яшаяпти”, “бошқачасига яшаб қололмайсан”, “тепадагилар ҳам ўғирляпти-ку”, қабилдаги ўз-ўзини юпатиш ва ўз-ўзини оқлаш, ҳимоялаш ҳолати шаклланади. Демак, шахсинг муваффақиятли тарзда ҳуқуқий ижтимоийлашиши учун биринчи навбатда субстанционал, базавий ахлоқий қадриятлар тизимини ўзлаштирган, ўз қадриятлар тизимига айлантирган бўлиши лозим¹.

Ўсмирлик даврида шаклланиб боришда давом этаётган ҳуқуқий ижтимоийлашув ўзиги хос жиҳатларга эга. Бунда ўсмир катталар дунёсига мослашишга ва ўзининг шу оламга мансуб бўлиб бораётганлигини англаш ва намоён қилиш билан боғлиқ жараёнлар билан биргаликда кечади. Бир томондан, бу ўсмирнинг мустақил бўла бошлаганлигини ҳис қилиш, иккинчи томондан, ҳамёшлари даврасида ўз ўрнини топиш, уларнинг эътирофига эришиш, ижтимоий мавқега интилиш каби ҳиссиётлар билан бирга кечади. Г.Г.Шиханцов² ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига тўсқинлик қиладиган қуйидаги ҳолатларни келтириб ўтади: 1. Оилавий муносабатлардаги муаммолар; 2. Мактабдаги муваффақиятсизликлар; 3. Ҳамёшлари орасида ижтимоийлашуви билан боғлиқ муаммолари бўлган ўсмирларнинг мавжуд бўлиши. Оила аъзоларининг ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлари ва хатти-ҳаракатлари ўсмирга кучли таъсир ўтказади. Улардаги қонунга ва ҳуқуқ нормаларига итоаткорлик ва ҳурмат муносабатининг мавжудлиги ёки ушбу нормаларга нисбатан ҳурматсизлик ва менсимаслик муносабатида бўлишлари ўсмирнинг қадриятлар тизимини шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. В.Н.Гуляхин³ эса, мактаб ва таълим жараёни ҳуқуқий ижтимоийлашувда ниҳоятда муҳимлигини, девиатив хулқ-атвор шаклланишининг асосий сабаби эканлигини таъкидлаб ўтади.

¹ Махмудова А.Н. Правовая социализация молодежи как фактор развития гражданского общества. Science and Education” илмий журналнинг “Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истикболлари” мавзусидаги 1-сонли онлайн конференцияси. –Т., 27.04.2020.- С.478-480.

² Шиханцов Г.Г. Юридическая психология. - М., 1998, 1 глава – С. 48.

³ Гуляхин В.Н. Правовая социализация человека - М.: Юстицинформ, 2014.- С.167.

Девиатив хулқ-атвор бу – (лот. *deviatio* оғиш) шахснинг жамиятда қабул қилинган ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда умуммажбурий меъёрлардан оғишни ифодалайди.

Педагогик хатолар, айниқса, таълимнинг илк босқичида йўл қўйилган камчиликлар болани, кейинчалик ўсмирнинг тенгдошлари даврасида ҳурмати йўқотиши, ўсмирнинг ушбу даврада ўз ўрнини топа олмаслиги, бу эса, ўз навбатида, боланинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳам акс этиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Боланинг оила ва мактаб билан муносабатидаги позитивлик, яқинлик, илиқлик каби эмоционал ҳолатларнинг йўқолиши, антисоциал гуруҳлар, тенгдошлар даврасига интилишига сабаб бўлади. Бу эса, унинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига, ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига, ҳуқуқий ахлоқий қадриятлар тизимининг шаклланиши ва ривожланишида катта тўсқинликларни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисасига қарама-қарши ҳодиса делинквентлик ҳисобланади. *Делинквентлик* лотин тилида (*delistum*), қилмиш, инглиз тилида (*delinquency*) ҳуқуқбузарлик, қонунга зид ҳаракат, деб таржима қилинади. Делинквентлик ҳодисаси шахснинг ноижтимоий, ижтимоий, ҳуқуқий ва қонуний нормаларга, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатини ёки ҳаракатсизликни, қонунбузарлик фаолиятини ифодалайди. Делинквентлик ҳодисаси алоҳида шахс ёки бутун жамиятдаги тартиботга салбий таъсир кўрсатади¹.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига кучли таъсир этувчи ижтимоий ҳодиса, референтлик ҳодисасидир. *Референтлик* лотин тилидан олинган бўлиб, (*reference*) ҳабар берувчи деган маънони билдиради. Референтлик жамиятда бошқа кишилар учун намуна бўладиган хатти-ҳаракатни ифодалайди. Референт кишиларнинг фикри, фаолияти, турмуш тарзи, атрофдаги кишилар учун ўрнак, андоза бўлиб хизмат қилади. Референт кишиларнинг жамиятда кўп бўлиши, уларга эргашувчи, ўз хатти-ҳаракатида

¹ Махмудова А.Н. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ҳуқуқий тарбиянинг шаклланиши Наманган давлат университетининг ахборотномаси. - Наманган, 2020. 5- сон. – Б.88.

уларга тақлид қилувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Жамиятда референтликнинг кучли бўлиши, ҳуқуқий ижтимоийлашишнинг тарғиботида муҳим рол ўйнайди. Ҳуқуқий референтлик жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юксалишида ниҳоятда муҳимдир.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув ходисаси мураккаб тизим бўлган жамият ва унинг ижтимоий сиёсий тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожини, унда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини, шу жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга муносабати қисқа қилиб айтганда, ушбу элементларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирадиган ходиса, ҳуқуқий ижтимоийлашув ходисасига боғлиқ. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши ва қонунларга итоаткорлик даражаси жамиятдаги тартиботнинг ва тараққиётнинг бош мезонларидан биридир.

1.2. Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг тарихий ва фалсафий илдизлари

Минг йиллардирки, инсон ўзидан олдин яшаган аجدодларнинг ижтимоий меросини ўзлаштириш орқали ўз ҳаёт тарзини, тафаккур тарзини шакллантириб, ўз навбатида, ўзидан кейинги авлодларга мерос қилиб узатади. Лекин неча авлод вакилларининг асрлар давомида шакллантириб, ривожлантириб келган қадриятларини йўққа чиқариш учун бир авлоднинг ўзи етарлидир. Бир авлод аждодлар томонидан яратилган меросни, қадриятларни инкор этса, қабул этмаса, ушбу ворисийлик занжири узилади. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни ҳам жамиятда мавжуд ижтимоий ҳуқуқ нормаларини, хулқ-атвор меъёрларини ва ҳуқуқий қадриятлар тизимини ўзлаштириш ва авлодларга узатиш тарзида мавжуд бўлиб келган.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув атамаси гарчи XIX асрда пайдо бўлган бўлса-да, ижтимоийлашув муаммоси ижтимоий ходиса сифатида жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг зарурий атрибути ҳисобланади. Инсоният тарихининг турли даврларида мутафаккирлар ушбу масалага ўз

этиборларини қаратишган. Ушбу параграфимизда ҳуқуқий ижтимоийлашув масаласи турли тарихий даврларда файласуф мутаффакирлар ижодида қандай талқин қилинганлиги, ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисаси турли даврларда қандай шаклланганлиги ва жамият тараққиётига қандай таъсир ўтказганлигининг фалсафий таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

Таълим-тарбия масалаларини фалсафий таҳлил қилган барча мутафаккирларда ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммоси у ёки бу даражада муҳокама қилинган. Фарбда антик фалсафа анъаналарида таълим тизимининг муаммоси сифатида ижтимоийлашув масаласини юнон файласуфлари тадқиқ қилишган бўлишса, Шарқда “Авесто”, ҳиндларнинг ведаларида, хитой манбаларида шахснинг ижтимоийлашуви, ижтимоий муносабатларда ўрнатилган турли меъёрларга амал қилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Хусусан, “Авесто”да жамиятда кишиларнинг ўрнатилган меъёрларга амал қилиши қатъий назорат қилинган. “Авесто” бугунги кунда ҳам ёшлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. “Авесто”да жиноятлар тури олти гуруҳга бўлиб таснифланган: *биринчи гуруҳ* – динга қарши, *иккинчи гуруҳ* – шахсга қарши, *учинчи гуруҳ* – жониворларга қарши, *тўртинчи гуруҳ* – мулкка оид, *бешинчи гуруҳ* – табиатга қарши ва энг муҳими, *олтинчи гуруҳ* – маънавиятга қарши жиноятлар фарқланган. Буни билиш ўқувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. “Авесто”да ҳар қандай ахлоқсизлик ва ғайритабиий хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланади. Гомосексуализм, фоҳишабозлик, турмуш ўртоғига хиёнат қаттиқ қораланган. Бесоқолбозлик энг оғир ва энг жирканч жиноятлардан бири саналиб, қатл жазоси кўзда тутилган ягона маънавий жиноятдир. “Авесто”да фоҳиша билан яшаш маънавий жиноят экани алоҳида уқтирилади. Бу каби жиноятлар сирасига нафақат оилани бузадиган ва оила қоидаларини заифлаштирадиган, балки бола туғилиши, ёш авлод тарбияси, насл поклигига салбий таъсир кўрсатадиган турмуш ўртоғига хиёнат ҳам киритилади. Бегона аёл билан яшаш, никоҳсиз фарзанд кўриш қатъий таъқиб остига олинганки, ушбу қарашлар бугунги кунда ҳам муҳим тарбиявий

аҳамиятга эга. Бу каби жиноятлар қамчи ёки таёқ билан 800 зарба бериб жазоланган. “Эру хотиннинг бир-бирига хиёвати қаттиқ лаънатланган. Бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун «харом» деб ҳисобланган”¹.

“Авесто”нинг бугунги маънавий–ахлоқий ва тарбиявий талабларга ҳамоҳанг бўлган энг муҳим тамойилларидан бири – берган сўзнинг уддасидан чиқиш, аҳдга содиқлик, савдо–сотикда келишувнинг ва бошқа турдаги шартномаларга қатъийлиги, қарзни олган кишининг қарзини келишилган вақтда қайтариши, алдов ва бировнинг ҳақиға хиёнатдан холи бўлиш, иймонлилик белгилари сифатида баҳоланган. Шунингдек, “Авесто”да одамларда иймон-эътиқодини шакллантиришга, танани озода ва покиза тутишга, онгни ҳар қандай ғараз ният ва мақсаддан фориғ қилишни, номаъқул сўзлардан тийилишга, ножўя амаллардан воз кечишга даъват этадиган, кишилар ҳаётида дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ахлоқий қоидалар, ўғитлар ниҳоятда кўп.

Инсон ҳаёти, унинг жамиятдаги ўрни ва фаолиятининг аҳамияти шу муросасиз кураш якуни билан белгиланади. Шу боис инсонлар ўзларининг маънавий сифатлари билан эзгулик тарафдори эканини кўрсатиши ва бу билан эзгулик руҳлари ёвуз кучларга қарши курашда кўмаклашишлари керак, акс ҳолда, ахлоқи паст, нопок инсон осонгина ёвузлик тўрига илинади, дейилади. Ёлғон тарафдорларига эса абадий қийноқ ҳозирланган. Шу сабабли инсон ҳаётда бирор-бир мақсадни белгилар экан, ўз зиммасига маълум мажбуриятларни олиб, уларнинг бажарилиши учун масъулият ҳис этмоғи лозим, деган ғоя илгари сурилади. Зардушт таълимотига кўра, кўп болали, оиласини ўз меҳнати билан боққан, ўз уйида абадий алангани доимо тутиб турган киши бенуқсондир. Шундай қилиб, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида яшаган қадимги халқлар маънавий қарашларининг шаклланиши «Биз» (яхшилар) ва «Улар» (ёвузлар) тушунчаларини

¹ Авесто. – Т.: Шарқ, 2001. - Б. 226.

ижтимоий–руҳий қарама-қарши қўйиш асосида вужудга келган. Яхши кишилар зардуштийликнинг маънавий–ахлоқий қоидаларига мувофиқ яхши сифатларга эга, ёвуз кишилар эзгуликдан маҳрум. Зардуштийлик ҳамиша дунё ишларига: уй қуриш, хотин ва бола–чақа орттириш, олов билан таъминлаш, қишлоқхўжалик экинларини етиштиришга, ўз кучи ва вақтини сарфлаган, оила қуришга, фаол муносабатга чорлаган. Ахурамаздага мурожаат қилар экан, Зардушт айтади: “Сен, биз учун чорва, фаровонлик манбаини яратдинг”¹. Қачон ва қаерда она-ер ўзини бахтли ҳис қилади, деган саволга Ахурамазда шундай жавоб беради: “Қаерда эътиқодли инсон уй курса, унда олов бўлса, чорва, хотин, болалар ва подалар бўлса, ўша ерда фаровонлик ва яхшилик бўлади”². Инсон моддий бойликлар яратувчиси бўлгани учунгина эмас, балки меҳнат– маънавийлик асоси, меҳнат–езгулик манбаи бўлгани учун ҳам меҳнат қилишга ундалган. Зардуштийлик таълимоти нуқтаи назаридан яхши инсон бўлиши учун «энг аввало» меҳнат қилиши, ўз қўли билан неъматлар яратиши лозим. Дангасалик бошқа барча иллатлар онаси сифатида баҳоланиши ҳам тасодифий эмас. Шу сабабли зардуштийлик таълимоти ўз тарафдорларига чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишни буюради, буни жасорат деб баҳолайди. Демак, деҳқон меҳнати, Зардушт таълимотига кўра, асосий саховат намоён бўлиши, қонунга итоатнинг бош шакли – Ахурамазда тимсолида мукамал ёритилган. “Авесто”га кўра, инсон олий мавжудот сифатида меҳнат қилиш, моддий бойликлар яратиш қобилиятига эга ва ёвузликни енга олади. Меҳнат – одамдаги инсонийлик кўрсаткичи, меҳнат – унинг маънавий хулқини баҳолаш ўлчови, мезони саналади. Зардуштийликнинг шахс маънавий сифатларини тарғиб қилувчи характерли хусусияти шундаки, инсонга хос кўплаб тушунчалар улуғланади. Эзгу фикр Ахурамаздан, ёвуз фикр Ахримандан бўлгани каби Ахо Мано, Анхра Маню атрофидаги асосий

¹ Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001.- Б.143.

² Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001.- Б.143.

демонлар орасида биринчи ўринни эгаллаган алоҳида мавжудот сифатида фикр юритилади.

Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Бундан ташқари, “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она кексалар маслаҳатига қулоқ солинган ва уларга равшан андиша билан қаралган. Яхши билан ёмонни ажратишга диққат қилинган. Зардуштийликда кўпхотинлилик қатъий маън этилган. Айни пайтда. ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб, 25 дарра калтакланиш билан жазоланган, йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб, атайлаб уйланмай юрса, уни бадном қилиш мақсадида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур қилинган.

Ушбу ҳолатлар буюк аجدодларимиз турмуш тарзи ва қадриятлар тизимида ҳуқуқий ижтимоийлашув элементлари, жамият олдида ўз масъулиятини ҳис қилиш, ўрнатилган нормаларга амал қилиш, итоаткорлик қабиларнинг қанчалик ривожланганлигини асослаб беради.

Қадимги Ҳиндистон ҳудудида дунё илм-фани цивилизацияси учун жуда ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, Ҳиндистонда кастачилик асосида шаклланган ва қатъий амал қилинадиган ижтимоий тартибот ҳуқуқий ижтимоийлашув масаласида турли зиддиятларни, адолатсизликларни вужудга келтирган эди. Жамиятда ҳукм сурган қатъий табақаланиш, қуйи каста вакилларига нисбатан адолатсизликларни, эксплуатацияни меъёрий ҳолат сифатида қабул қилинишига олиб келган. Қуйи табақа вакиллари ўзларини юқори каста вакиллари олдида ожиз, ҳимоясиз ҳис қилишган. Жамиятда ўзига хос ҳуқуқий нигилизм ҳукмрон бўлган.

Қадимги Юнон фалсафасида ижтимоийлашув, хусусан, ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳақида гап кетар экан, асосан, Сукрот, Афлотун, Арасту,

Эпикур таълимотларида ижтимоий сиёсий масалалар таҳлил этилганини кўриб ўтишимиз мумкин. Антик файласуфлар ижтимоийлашув жараёнини онтологик, гносеологик ва назарий муаммо сифатида таҳлил қилишмаган бўлишса-да, шахснинг шаклланиш ва ижтимоийлашув жараёнида иштирок эта бошлаши ва жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши масалаларини таълим ва тарбия жараёнининг махсули сифатида кўриб чиқишганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Сиёсат, поэзия, фалсафа сингари фанларнинг ўқитилиши жараёнида интеллектуал ривожланган ва юқори ижтимоий мавқега эга бўлган шахсни шакллантириш масалалари асосий вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу жараёнда педагог асосий рол ўйнаши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ижтимоийлашув антик файласуфлар томонидан “инсоннинг ички мавжудлик моҳиятини юзага чиқишидир¹”, деб эътироф этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юнон фалсафасида ижтимоийлашув масаласи ахлоқшунослик доирасида кўриб чиқилган. Хусусан, Сукрот, Платон, Аристотель, ўзларининг ахлоқий қарашларида ижтимоийлашув муаммосини таҳлил қилиб ўтишган.

Инсон антропологик табиатининг очилиши антик фалсафада Сукрот номи билан боғлиқ. У инсоннинг қалбини, ички моҳиятини ёритишга интилади.

Сукрот ўзининг ижтимоий қарашларида ахлоқ ва ҳуқуқ категориялари хусусида тўхталиб, уларни бўлинмас, яхлитликни, бутунликни ташкил этишини таъкидлайди. Унинг фикрича, “Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир”², деб таъкидлайди. Сукрот фикрича, фуқароларнинг қай даражада тарбияланганлиги улар томонидан ҳукмронликнинг яхши ёки ёмон деб баҳоланишини белгилайди.

Аристотель ахлоқшунослик илмини руҳшунослик ва сиёсатшунослик фанлари учун олтин ўрталик (меъёрий ўлчов) вазифасини бажарувчи фалсафий фан деб кўрсатади ҳамда уни “*Этика*” деб атайди. Ахлоқий

¹ Жакбаров М. Комил инсон ғоясининг тарихий-фалсафий негизлари.-Тошкент. 2011. - Б. 160.

² Философия. Часть первая. История философии. - Москва: Юрист, 1999.- С. 347.

қарашларини бир қатор асарларида “Никомахнинг ахлоқ китоби”, “Евдемнинг ахлоқ китоби” ҳамда “Катта ахлоқ китоби”да баён қилади. У ихтиёр эркинлиги хусусида биринчи бўлиб фикр билдириб, бу феномен ахлоқнинг асосини ташкил қилади деб баҳолайди.

Аристотель инсонни мантиқий ва ижтимоий мавжудод деб ҳисоблайди. “У жамиятда оқилона фаолият юритиш учун мавжуддир. Инсоннинг олий намунаси файласуфдир. Донишмандликни, билишни, яратувчиликни севувчи инсон, инсоннинг идеал (шахс сифатида ахлоқий иллатлардан холи бўлган, ахлоқий фазилатларни ўзида тўлиқ шакллантирган, *таъкид бизники – М.А*) намунасидир. У логос асосида яшайди”¹, деб таъкидлайди. У, *адолат – инсонга хос фазилатлардан муҳими деб, кўрсатади. “Фазилат, - дейди Арасту, - маълум маънода ўрталикдир, зеро, доимо ўрталikka интилади”*². Шунингдек, у ўз қарашларида мардлик тушунчасини ҳам изоҳлайди. Мардлик бу – жасорат билан қўрқоқлик феноменлари орасидаги олтин ўрталик, деб кўрсатади.

Эпикур фалсафанинг ижтимоий аҳамиятини, ахлоқий моҳиятини: “Инсоннинг бирор-бир изтиробига даво тополмайдиган файласуфнинг сўзлари маъносиздир. Бадандан касалликни кува олмайдиган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмагани каби, руҳни (қалбни) даволай олмайдиган фалсафадан ҳам фойда йўқ”³, деган фикр орқали изоҳлайди. Эпикур ҳам инсоннинг танлов ихтиёри хусусида фикр билдиради. Лаззат ва изтироб масаласи унинг эзгулик тўғрисидаги қарашларининг асосини ташкил қилади. Унинг фикрича, лаззат ва изтироб – руҳий хотиржамликка боғлиқ. У лаззат тўғрисида “Заррин тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшакда хотиржам ётганинг афзал!”⁴, деб ёзади.

Шунингдек, Эпикур фалсафий-ахлоқий категориялардан ҳисобланган адолат ва донишмандликни изоҳлаб, мутлоқлик ва нисбийлик адолат

¹ Қаранг: Философия. Часть первая. История философии. - Москва.: Юрист, 1999.- С. 347.

² Горбачев. В.Г. История философии.- Брянск, 1998. - С. 263.

³ Горбачев. В.Г. История философии. - Брянск, 1998. - С. 263.

⁴ Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. История философии.- М.: Владос, 2000.- С. 583.

феноменига хос белгилар эканини таъкидлаб, “Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ходиса; лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда адолат барча учун бир хилда бўлмай қолади”¹. Тенглик ва адолат меъзонлари ҳар қандай давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий барқарорлигининг асосий омили ҳисобланади. Ушбу тамойил мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддада белгиланган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир»², - дейилган тамойил мустаҳкамлаб қўйилган.

Ижтимоий индивид, шахс тушунчалари Ғарбий Европада янги давр маданияти маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси билан биргаликда бу даврда шахснинг ижтимоийлашуви масаласини ҳам изоҳлашга интилишлар бошланди. “Фаннинг мустақил ижтимоий институтга айланиши инсонни трансцендентал жиҳатларини ўрганишдан имманент моҳиятини ўрганишга имкон яратди”³. “Инсоннинг трансцендентал жиҳатдан ўрганиш шу пайтгача фанда мавжуд бўлган, инсоннинг моҳиятини асосан ташқи жиҳатдан тадқиқ этишни, чегарадан четга чиқишни назарда тутди”⁴.

“Имманент – (лот. *immanens* ичкарида жойлашган) нарса ва ходисаларнинг ички моҳиятини, ички хоссаларини четга чиқмаган ҳолда ўрганишни, нарса ва ходисаларнинг ўз-ўзига яширинган жиҳатларини тадқиқ этишдир”⁵.

Янги даврга келиб, инсонни мустақил, ўз ҳаётини ўзи ташкиллаштириш қобилиятига эга бўлган шахс сифатида талқин қилиш унсурлари пайдо бўла бошлади. Инсоннинг ижтимоий мавқеини ошиши,

¹ Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. История философии.- М.: Владос, 2000. - С. 584.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.9.

³ Философия. Часть первая. История философии.М.: Юрист, 1999. С. 65

⁴ Новейший философский словарь. Минск, 1999. С. 247

⁵ Новейший философский словарь.- Минск, 1999. - С. 213.

инсоннинг ижтимоийлашиш масалаларига ҳам қизиқишни орттирди. Шу даврга келиб инсон ҳам ўзини, ўз-ўзининг эгаси сифатида ҳис қила бошлади. Лейбниц, Жан Жак Руссо, Т.Гоббс, Р.Декарт, Ш.Монтескье каби жамиятшунос файласуфларнинг асарларида ушбу масала чуқур таҳлил қилинди.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув масаласи илмий-назарий муаммо сифатида XX-асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўрганила бошланди. Муаммонинг илмий методологик генезиси сиёсатшунослик фани негизида шаклланди, чунки ушбу масаланинг шаклланиши сиёсий ижтимоийлашув муаммоларини ўрганиш асосида пайдо бўлди. Д.Л.Гапп, Э.Конн, С.Вайт сингари олимлар ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида индивиднинг шаклланиш ва ривожланиш эволюциясини ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши билан узвий алоқадорликдаги жараён эканлигини эътироф эта бошлашди. Бундан ташқари, шахс ҳуқуқий хатти-ҳаракати, ҳуқуққа муносабати масалалари Р.Эйкерс ва Р.Бердже сингари криминологларнинг илмий тадқиқотларида чуқур таҳлил қилинди. Ушбу тадқиқотлар доирасида ҳуқуқий ижтимоийлашув, илмий-назарий, ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида кенг илмий жамоатчилик диққатини торта бошлади. Чунки ушбу муаммо шахс сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий фаолиятида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши аниқлана бошланди. 80-йилларга келиб, ҳуқуқий ижтимоийлашув масаласида қиёсий таҳлил методи авж ола бошлади. Яъни, олимлар Ғарб олами (АҚШ ва Ғарбий Европа) ва Собик Иттифоқ ҳуқуқий ижтимоийлашувини солиштириш орқали тадқиқ қила бошлашди. Чунки ростдан ҳам бу икки кутбада ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни икки ҳил мазмун касб этар эди. У ҳуқуқшунослик, социология, психология, сиёсатшунослик, конфликтология, маданиятшунослик ва ахлоқшунослик соҳаларининг комплекс муаммоси сифатида ўрганила бошланди.

Бу давр ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосининг ўзига хос яна бир жиҳати, болалар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқий ижтимоийлашув масалалари

кенг тадқиқ этила бошлади. Тадқиқотчилар эрта бошланадиган ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг болалар ижтимоий-психологик ривожланишидаги аҳамиятини очиб беришга ва бу орқали ушбу муаммонинг нечоғли долзарб эканлигини асослашга ҳаракат қила бошлашди. Америкалик олим Д.Тапп ўзининг “Ҳуқуқий ижтимоийлашув географияси” асарида ҳуқуқий ижтимоийлашув эволюциясини биринчилардан бўлиб очиб берди. XX-асрнинг 90-йилларига келиб, ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосига оид тадқиқотлар соҳасида дифференциаллашув, яъни тармоқлашув содир бўлди. Бунинг асосий сабаби, ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосининг мураккаб, тизимли муаммо эканлиги ва турли фан соҳалари ўз нуқтаи назаридан туриб ушбу муаммонинг ечимини таклиф қилишга интилишлари билан боғлиқдир. XX-асрнинг охирига келиб дунёнинг сиёсий ва ҳуқуқий манзараси ўзгарди. Инсон ҳуқуқлари соҳасининг янада либераллашуви содир бўлди. Бу эса, ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммосини янада долзарблашувига сабаб бўлди. Тадқиқотчилар ўз эътиборини ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган турли жиҳатларини ўрганишга қаратишди. Бу даврда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг миллий моделлари, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг трансформацияси, ҳуқуқий маданиятнинг қадриятлар тизими шаклланишида диний, ахлоқий маданиятнинг таъсири, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг психологик жиҳатлари каби масалалар кенг тадқиқ қилинди. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти шаклланишида ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг роли, фуқаролик жамияти институтларининг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсири каби масалалар ҳам ушбу соҳага оид тадқиқотлар доирасида муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда ҳам ҳуқуқий ижтимоийлашув муаммоси кўп тармоқли мураккаб фалсафий муаммо сифатида янада долзарблашди.

II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВОСИТАЛАРИ



Жамият ҳуқуқий тузилмасининг шаклланиши ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланганлик даражасини белгилашда ҳуқуқий ижтимоийлашув ниҳоятда муҳимдир. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг механизмларини чуқур ўрганиш, таркибий элементларининг шаклланганлик даражасини тўғри баҳолай олиш, ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисасини янада самаралироқ тадқиқ этиш имкониятини беради. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг энг муҳим таркибий элементлари сифатида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни олиб қарашимиз мумкин.

Монографиямизнинг иккинчи бобида замонавий фуқаролик жамиятини шакллантиришда шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг моҳияти ва воситаларини фалсафий таҳлил қиламиз. Бунда ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўртасидаги диалектик алоқадорлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш муаммолари ва уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув тизимида тутган ўрни масалаларини, шу билан бирга, шахс девиант хулқ-атворининг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига таъсири ва аҳамияти масалаларини тадқиқ қилинган.

2.1 Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик

Фуқаролик жамиятида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг мазмуни, асосий воситалари масаласини таҳлил қилишда фуқаролик жамияти тушунчасининг асосий таърифлари ва турлича талқинларининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Фуқаролик жамияти тушунчаси ижтимоий гуманитар фанларнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ижтимоий фалсафий жиҳатдан жамиятдаги сиёсийлашмаган ҳолда маънавий ва иқтисодий муносабатларнинг яхлит мажмуасини ифодалайди. Ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида кўпгина социолог олимлар “фуқаролик жамияти” тушунчасига ўз муносабатларини билдирган. Хусусан, “Фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими болиб, у шахс ҳамда жамоатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади”¹. Фуқаролик жамияти – шахсларнинг оддий, шунчаки йиғиндиси эмас, балки кишилар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий жиҳатдан ўзаро ҳамкорликнинг яхлит кўринишидир. Мазкур ҳамкорлик ташкилий-институциявий характер касб этиб, бу ҳамкорлик ижтимоий ҳаракатлар, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан алоқасида кўринади.

Фуқаролик жамияти атамаси келиб чиқишининг тарихий иддизлари Аристотелнинг «*полис*» ғоясига бориб тақалади. Бунда фуқаролик жамияти ва сиёсий давлат ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи икки атама сифатида талқин қилинган эди. Қадимги юнон мутафаккирлари талқинида «*сиёсам*» тушунчаси жамият ҳаётининг барча муҳим соҳаларини, жумладан, оила, дин, таълим, маданият ва бошқаларни қамраб олган. Улар тор маънодаги бошқарув билан боғлаш функциялари, масалан, қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш, уруш, дипломатия кабиларни ўз ичига олган. Қадимги

¹ Жалилов А. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув кўланма.-Т., 2016.

Юнонистонда жамият аъзоси бўлиш жамиятнинг фуқароси - бўлишни, бинобарин, унинг қонунларига мувофиқ ва бошқа фуқароларга зарар етказмасдан ҳаракат қилиш мажбуриятини англаган. Бундай ёндашув XVIII асргача ўзгармаган ҳолда сақланиб келди. Янги даврнинг машҳур мутафаккирлари Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, «*фуқаролик жамияти*» ва «*давлат*» тушунчаларидан бир маънони билдирувчи синоним тушунчалар сифатида фойдаландилар. Ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви, капиталистик буржуа муносабатларининг шаклланиб, ривожлана бориши натижасида аста-секин фуқаролик жамияти билан давлат ўртасида чегараланиш юз бера бошланди.

Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутиши ушбу ҳодисанинг энг муҳим белгиси ҳисобланади. Том маънодаги фуқаролик жамияти дейилганда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳада ҳамма учун маъқул бўлган мутаносибликка эришган, доимий равишда олдинга қараб ҳаракат қилиши таъминланган жамиятни ҳисоблаш мумкин. Фуқаролик жамияти бу - шахслар иттифоқи бўлиб, уларсиз фуқаролик жамияти ҳеч қандай маънога эга эмас. Фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражаси уни ташкил этувчи ижтимоий ҳаёт шакллариغا, фуқаролик жамияти институтларининг такомиллашганлик даражасига, кишиларнинг ўз хоҳиш-иродасига кўра интилишлари, маънавий мезонлари билан таъсир кўрсатувчи шахсий сифатларига боғлиқ. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши индивидуал эркинлик ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти хусусий мулк эгаларининг жамияти бўлиб, бундай жамиятда уларнинг мулкдорларнинг барчаси ижтимоий мақоми, диний ва сиёсий қарашлари, ирқий мансублигидан қатъий назар, ҳуқуқий жиҳатдан қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилади. Фуқаролик жамиятининг

аъзолари қонунда кўзда тутилган барча воситалар ёрдамида ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Чинакам фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг зарурий шарти иқтисодий ва сиёсий ҳокимият ҳамда мулк билан ҳокимият ўртасида муносабатларнинг тартибга солинганлигидадир. Юксак даражада ривожланган фуқаролик жамияти давлат барқарорлигининг асосини ташкил этади.

Юксак даражада ривожланган фуқаролик жамиятининг куйидаги асосий белгилари мавжуд:

“шахс эркинлигининг асосий шарти - одамлар тасарруфида хусусий мулкнинг мавжудлиги;

жамиятда унинг турли гуруҳлари ва табақаларининг турлича ва кўпдан-кўп манфаатларини акс эттирувчи ҳар хил ижтимоий тузилмалар, ривожланган ва тармоқланган демократиянинг мавжудлиги;

жамият аъзоларининг интеллектуал, психологик ривожининг юқори даражада бўлиши, уларнинг мустақил ва эркинлиги, аҳоли қонуний ҳуқуқларининг таъминланиши”¹.

Фуқаролик жамиятининг кучайиб бориши натижасида шу нарса аён бўладики, фуқароларининг кундалик меҳнат, тadbиркорлик, ижодий ва бошқа фаолиятлари билан доимий шуғулланиш давлатнинг вазифаси эмас. Унинг асосий вазифаси — давлатнинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини белгилаш, ривожланиш суръатларини назорат қилиш, ташқи сиёсатни амалга ошириш, давлат ва жамиятни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқ ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини демократлаштириш, чегараларнинг хавфсизлигини ва ички тартибни таъминлаш, мамлакат ва халқ хавфсизлигини таъминлашдан иборат экан. Шу билан бирга, фуқаролар ва давлат бир-бири билан ҳуқуқлар ва мажбуриятлари орқали ўзаро боғланган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари фақатгина суднинг қарори билангина

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба.-Т.: Янги аср авлоди, 2006. - Б.265.

чекланиши мумкин. Айни пайтда, фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланганларида, уларнинг бу ҳаракатлари бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, давлат ва жамиятнинг манфаатларига зид бўлмаслиги лозим. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, таниқли олим А.Жалилов фуқаролик жамиятининг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатиб ўтади:

- “ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги;
- давлат ва унинг органларининг фаолияти қонун билан боғлиқлиги;
- инсон эркинлигининг, ҳуқуқлари ва манфаатларининг дахлсизлиги;
- шахс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва кузатишнинг самарали шакллари мавжудлиги”¹.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги илк тасаввурлар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, дастлаб Аристотель қарашларида учрайди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод қилган мутафаккирлар, Шарқ ренессансининг буюк намоёндалари Абу Наср Фороби ва Абу Али ибн Сино қарашларида ҳам фуқаролик жамият ҳақидаги қарашларнинг айрим элементларини учратиш мумкин. Хусусан, Абу Наср Форобий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодлиқка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”², деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш масаласини демократик қадриятлар даражасига кўтаради. Абу Али ибн Сино эса, “Ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик – инсоннинг ижтимоий фаоллиги сабабили юзага келади”, деб таъкидлайди. Ҳар икки мутафаккир қарашларида идеал давлат куриш,

¹ Жалилов А. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. - Т., 2016.

² Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий нашриёти. 1993.- Б. 190.

жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий равнақи билан боғлиқ. Уларнинг фикрича, “маънавий ахлоқий қадриятларнинг юксак қадрланиши нафақат ҳар томонлама фаровонликни, балки жамиятда адолат ва барқарорликни ҳам таъминлайди”¹.

Фуқаролик жамияти бугунги талқинда, албатта, Ғарб ижтимоий муносабатларида вужудга келган феномендир. Фуқаролик жамияти концепциясини биринчилардан бўлиб Эммануил Кант (1724–1804 й.) ўзининг “Бутун жаҳон фуқароликда умумий тарих ғояси” асарида ишлаб чиқди. У ҳуқуқий, фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритиб, унинг юксалиши бошқарувнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ, дейди. Чунки, айнан шундай жамиятда унинг фуқароларига буюк эркинлик берилади. Унинг фикрича эркинлик аниқ белгилаб берилиши ва уни бошқа кишилар эркинлиги билан мутаносиб бўлмоғи лозим, деб таъкидлайди.

Гегель эса фуқаролик жамияти ҳодисасини таърифлар, бунда хусусий мулкнинг бирламчи характер касб этади, деб, кўрсатади. Яъни, “аввало, хусусий мулкчиликка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, ижтимоий қатламлар, оила, ахлоқ, бурч, маданият, таълим, қонунлар фуқаролик жамиятини ташкил этади”². Давлат ва жамият муносабатлари хусусида, Гегель жамият эмас, балки давлат – тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи сиёсий куч эканини таъкидлайди. Давлатнинг жамиятга (фуқаролик жамиятига) нисбатан бирламчи эканлиги, Унинг фикрига кўра, бутун оламнинг тараққиёти асосида “дунёвий рух”, “мутлақ ғоя”нинг мавжудлиги билан изоҳланади. “Фуқаролик жамияти рух-ғояга нисбатан “бегона” бўлган бир пайтда, айнан давлат умумжаҳон миқёсида ўз-ўзича ривожланишда бўлган ғояни ўзида намоён этган ҳолда, инсон шахсиятининг, сиёсий, моддий ва руҳий ибтидоларнинг энг қудратли ифодачиси сифатида майдонга чиқади”³.

¹ Киргизбаев М. Гражданское общество: генезис, формирование и развитие. - Т., 2010. - С. 178.

² Киргизбаев М. Гражданское общество: генезис, формирование и развитие. - Т., 2010. - С. 242.

³ Киргизбаев М. Гражданское общество: генезис, формирование и развитие. - Т., 2010. - С. 243.

Фергюссоннинг “Фуқаролик жамиятининг тарихий тажрибаси” асарида шу даврда мавжуд жамиятга, яъни муносабатлар асосини тижорий муносабат ташкил этган жамиятга ахлоқий жиҳатдан танқидий муносабат билдирган. Фергюссон ўзининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашларида инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти масалаларини юқори баҳолаган. У Ш.Монтескьенинг инсон жамият ичида туғилади ва шу жамият ичида қолади, деган фикрини қувватлайди. У инсондаги худбинлик характерини танқид қилади, ўта худбин инсоннинг ижтимоий фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас, деган фикрга келади. Шу нуқтаи назардан, Фергюссон шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви муаммосини актуаллаштирган олимлардан бири сифатида қаралиши мумкин.

Шу ўринда бевосита фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланган шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви, ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим таркибий элементлари ҳисобланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият феноменларини алоҳида фалсафий тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

Шахсда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шаклланишида ҳуқуқий ижтимоийлашув ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. “Шахс ўзининг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ролини англаб етиши ва (жамиятда кузатилаётган ўзгаришларни, - *таъкид бизники, М.А.*) тўғри баҳолай олиши унинг ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар онтологияси ва ўзига хос қонуниятлари ҳақида билим ва тасаввурга эга эканлиги билан паралел равишда шаклланиб, ривожланиб боради”¹. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви умумий ижтимоийлашув жараёнинг таркибий элементи сифатида намоён бўлади. Яъни, жамиятда ўрнатилган қоидалар, меъёрлар, қадриятлар тизимини ўзлаштириб бориш жараёнида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳам содир бўлади. У индивиднинг шахс сифатида шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этиш билан биргаликда, шахснинг

¹ Қаранг: Апресян Р.Г. Правила социологического метода. – Москва: Наука, 2007. - С.128.

фуқаролик позициясини, жамиятда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга нисбатан муносабатини шаклланишида ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Эмиль Дюркгейм (1858-1917) буюк француз социологи ижтимоийлашув муаммосини жамоавий тафаккур тарзининг шаклланиши билан боғлаб изоҳлайди. “Авлоддан авлодга ворисийлик занжири орқали ўтадиган ижтимоий билим ва тажриба ижтимоийлашув жараёнига катта таъсир ўтказади. Жамият ижтимоий онги ва ижтимоий маданияти даражаси жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ижтимоий онги ва маданиятини қандай йўналишда ривожланишида ўз таъсирига эгадир”¹, деб ҳисоблайди. Макс Вебер (1864-1920) немис файласуфи ва социологи эса, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини жамиятда ижтимоий мажбурлов ва ижтимоий рағбатлантириш орқали шакллантириладиган ижтимоий фаолият маҳсули сифатида талқин қилади. Томас Парсонс (1902 йилда АҚШда туғилган) ижтимоийлашув жараёнини индивиднинг жамиятга функционал мослашуви жараёни сифатида таҳлил қилганлигига гувоҳ бўламиз. Замонавий ижтимоий фалсафада ҳуқуқий ижтимоийлашувни шахс индивидуал ижтимоий позицияси ва жамиятда ўрнатилган ижтимоий нормалар ўртасидаги алоқадорлик натижасида вужудга келадиган яхлитлик сифатида тушуниш мавжуд.

Тафаккур инсоннинг юқори даражали қобилияти бўлиб, нафақат инсон ҳатти ҳаракати ва фаолиятини, балки, бутун бир ҳаётини бошқаришда фаол иштрок этади. Тафаккур айна мавжудликни, макон ва вақт нуқтаи назаридан инсондан ажралиб турган воқеа ҳодисаларни, келажакни, тасаввур қилиш имкониятини беради. Инсонни бошқа қитъалар, асрларга бошлайди. Шу билан бирга, тафаккур инсоннинг ички оламини, ҳаётини мақсадларини акс эттиради. Тафаккур, инсонга ўз ҳатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш, хатолари ва ютуқларидан тўғри хулоса чиқариш қобилиятини беради. Ҳиндларнинг илк фалсафий системаси бўлган ведаларда, инсонда: физик ибтидо, эфирли

¹ Жуманиязов Б.О. Построение гражданского общества в Узбекистане. Актуальные вопросы общественных наук. –Новосибирск, 2016.

ибтидо астрал ибтидо ва ментал ибтидолар мавжудлиги таъкидланади. Ментал ибтидо – инсоннинг бошқарувчиси, эркин иродасини шакллантирувчиси сифатида таъкидланади. Бунунг учун инсон иродасини асир олувчи хоҳиш-истакларни ақлга, тафаккурга буйсундириши лозимлиги, акс ҳолда истаклар инсон иродаси устидан ҳокимликни қўлга олиши муқаррарлиги айиб ўтилган. Упанишадаларда “Инсон, нималар ҳақида ўйлаётганига қараб шаклланади”, дейилган. “Инсон тафаккур тарзи унинг ички олами шаклланишининг муҳим ҳаракатлантирувчисидир¹”. “Ички ҳақиқат билан йўғрилган, ҳар қандай таъмадан ҳоли бўлган фикрлар инсон маънавий оламини тозалайди ва инсонни ўз олий “Мен”и билан бирлашишига сабаб бўлади”². Фикрларимизни, тафаккуримизни тозалаб ва ривожлантириб борар эканмиз, биз уни атрофдагилар учун эзгу кучга айлантдириб борамиз. Бугунги кунда инсоният ўз келажагининг муҳим, бурилиш палласини бошдан кечирмоқда. Инсоният келажагини пессимистик башорат қилиш, тобора авж олиб бормоқда. Инсоният келажагини шубҳа остига қўяётган глобал экологик муаммолар, демографик инқирозлар, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар, терроризм, маънавий-ахлоқий таназзул хусусидаги қарашлар, ҳам илмий ҳамжамият ҳам оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланиб қолди. Бундай вазият жамиятда, инсонлар орасида тушкунлик, келажакка нисбатан ишончсизлик, умидсизликнинг, пессимистик кайфиятнинг кучайиб бориши табиийдир. Инсон ўзини ўраб олган муаммолар қуршовида ожиз, ҳимоясиз сеза бошлайди. Лекин инсон ҳар қандай вазиятда ҳам инсонлигича қолади. У ҳар қандай вазиятда муаммонинг ечимини топа олиш, зиддиятларни бартараф этиш қобилиятига эгадир. Унинг ана шундай қобилияти, онгли мавжудот эканлиги, тафаккур соҳиби бўлганлиги билан боғлиқдир. Инсоният тарихига назар соладиган бўлсак, жамиятдаги пайдо бўлган ижтимоий, сиёсий, маънавий инқирозларнинг ечимини топиши, инсон тафаккур тарзининг

¹ Кадырова З. Повышение социальной активности и толерантности молодежи как важный фактор духовно-нравственной основы гражданского общества в Узбекистане. //Фалсафа ва ҳуқуқ журнали, 2006. - Б.63.

² Кондратов Е.В. Моделирование концепции человека в системно эволюционной теории. - М., 2005. - С.46.

Ўзгариши билан боғлиқдир. Яъни, инсон жамиятдаги мавжуд ҳолатнинг ўзгариши, унинг тафаккур тарзини ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Демакки, тафаккур инсониятнинг ягона ҳалоскори, барча муаммоларининг ечими, калитидир.

”Биз инсонлар табиатдаги энг такомиллашган мавжудот эканлигимиздан, атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларни англай олишимиз, мушоҳада қилишимиз, бошқаларга ҳам бу ҳақда хабар бера олишимиз, фарзандларимизни тарбиялай олишимиз, билганларимизни бошқаларга ҳам ўргата олишимиз, дунёда мустақил фаолият юрита олишимиз, меҳнат қилишимиз, ўзимизни ва ўзгаларни қадрлай олишимиз, ўз фикрига эга бўлиб, бу фикрни бошқаларга ҳам узата олишимиз, табиатда илгари бўлмаган нарсаларни кашф қилиб, ижодий фаолият олиб бориш ва турли соҳаларда санъаткор бўлиш каби имкониятларга эга мавжудот эканлигимиз учун ҳам тақдирдан миннатдор бўлишимиз лозим.”¹ Дарҳақиқат, инсоннинг олий мавжудот эканлигини белгилаб берувчи асосий жиҳат бу – тафаккурдир. Тафаккур воситасида инсон борлиқни ўзлаштиради, ўзгартиради. Тафаккур воситасида инсон борлиққа фаол таъсир ўтказади, борлиқнинг актив бўлагига айланади. Инсон тафаккур соҳиби экан, у борлиқ эволюциясининг бир элементи сифатидан, эволюциянинг ҳаракатлантирувчиси сифатига кўтарилади. Жамиятни бошқариб, тартибга солиб турган қонун-қоидалар ҳам, инсон тафаккури маҳсулидир.

“Фалсафа тарихи бу инсон тафаккури тараққиёти тарихидир. Аслида, инсон тафаккури азалдан фалсафий таҳлил ва умумлаштиришга эҳтиёж сезган ва инсон тафаккури тараққиёти фалсафий фикрлар тараққиёти билан биргаликда ривожланган. Шу нуқтаи назардан, фалсафий фикрлар инсоннинг ўзлигини англаш давридан, яъни жуда қадим замонлардан бошланган”.³ Тафаккур фаолиятсиз, инсон мавжудлиги ўзининг инсонлик сифатини йўқотади. Чунки, инсонни бошқа тирик мавжудотларда ажратиб турувчи

¹ Тураев Б.О. Борлиқ моҳияти, шакллари, хусусияти.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.- Б.101.

³ Тўраев Б.О. Фалсафа тарихининг қисқача баёни //Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. 2-сон- Б.13.

жихати – бу унинг тафаккуридир. Шу сабабдан ҳам, тафаккурни, инсон маънавий борлигининг асосий атрибутив жихати, ажралмас қисми, сифатида баҳолаймиз.

Тафаккур – онгнинг фаолият кўрсатиш жараёни. Инсон фикр юритувчи, фикрини узатувчи, фикрини сақлай олувчи, фикри билан оламни ўзгартира олувчи мавжудотдир. Бунда унга онгга эгаллиги асқотади. Онг инсон миясининг фаолиятидир. Онг имконият бўлса, тафаккур шу имкониятнинг воқеликка айланиши, онгнинг фаолиятидир. Тафаккур фикрлаш жараёнидир, яъни у онгнинг намоён бўлиши, онгнинг фаолият кўрсатиши. Онг моҳият бўлса, тафаккур эса ходисадир. Мавжуд тажрибадаги билимлар онгнинг инсондан ташқарида мустақил равишда мавжуд бўла олишини тасдиқламайди. Онг инсон миясининг фикрлаш жараёнида намоён бўлувчи маънавий ходисадир. Онг инсон билан биргаликда шаклланади, такомиллашади, ривожланади. Онг фикрни ҳосил қилади. Онг воқеликнинг маънавий кўриниши. У фикрнинг вужудга келишидаги маънавий асос. Демак, онгга эга бўлмаган мавжудот фикрлай олмайди. “Онг модда эмас, нарса ҳам эмас. У маънавий ҳодиса, ҳаракатнинг бир шакли. Онг – инсоннинг ўзгариб бораётган дунёга мослашувига ёрдам берувчи энг кучли қуролидир”¹.

Онг – объектив воқеликни инъикос эттиришнинг фақат инсонгагина хос бўлган олий шакли, инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига фаол муносабати усули. Онг – воқеликнинг инсон онгида мақсадга мувофиқ, фаол, мазмунли инъикос этишидир. Бундай муносабат усули кишиларнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёт мобайнида эгаллаб келган тарихий тажрибаси мобайнида такомиллашиб келган. Онг – инсон мияси фаолиятининг маҳсули. Онг – инсоннинг руҳий ҳолати. Инсон мияси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти мобайнида такомиллашиб борган. Инсон тирикчилигини таъминлаш учун меҳнат қилишга, онгли фаолият юритишга мажбур бўлган.

¹ Тураев Б.О. Борлиқ моҳияти, шакллари, хусусияти.-Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. - Б.101.

Демакки, онг ва тафаккур инсоннинг ижтимоийлашувининг асосий омилларидан биридир. Онгнинг муҳим элементлари хотира, ўзликни англаш, меҳнат фаолияти, баҳолаш, рефлексия. Яъни, инсон тафаккурининг синергетик хоссаларидан бири шундаки, тафаккур инсонга ўз хатти-харакатини кузатиш, назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини рефлексив таҳлил қилиш, ўз-ўзини ташкиллаштириш имкониятини беради. Инсон воқеликда учратган объектларни ва уларнинг хусусиятларини эслаб қолади. Бунинг учун унда хотира бўлиши лозим. Инсон ўзини ташқи оламга қарама-қарши қўяди ва ўзининг манфаатларига мос келувчи мақсад сари интилади. Бунда инсон ўзини ўзи англаши ва ўзининг имониятларини тўғри чамалай олиши зарур. Бунда инсон ўзини ўзи тўғри англай билиши муҳим. Инсон ўзининг онгли фаолияти билан ўзига ва ўзиникиларга фойда келтирувчи машғулоти билан шуғулланади. Бу мақсадга мувофиқ ва фойда келтирувчи машғулоти – меҳнатдир. Инсон меҳнат жараёнида ўзини такомиллаштириб боради ва ўзининг фаолиятига, бошқаларнинг фаолиятига баҳо беради. Атрофдаги ўзи учун ва бошқалар учун керакли буюмларни, уларнинг кадр-қимматига мос равишда, баҳолайди. Шу асосда яхши ва ёмонни фарқлайди.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни кўплаб моддий ва номоддий омилларнинг бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши натижасида социомаданий муҳитга мослашиш жараёни билан биргаликда кечади. Ушбу жараён жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг ривожланиш тенденцияларини ҳам белгилаб беради. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг даражасини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бири бу ҳуқуқий онгдир. Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шакллари билан бири бўлиб, ўзида ҳуқуқий қарашлар, назариялар, ғоялар, тасаввурларнинг яхлит тизимини ифода қилади. Кишиларнинг мавжуд борлиқни қабул қилиши ва англашининг турли шакллари мавжуд – бу ижтимоий онгдир. Ижтимоий онг шакллари билан бири – ҳуқуқий онгдир. Ҳуқуқий онг – кишилар томонидан ҳуқуқий ҳодисаларнинг субъектив қабул қилинишидир. Ушбу ҳодиса

кишиларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тизим ҳақидаги билим ва тасавурларининг умумий йиғиндисидан ташкил топади. Шахс ҳуқуқий тафаккури замонавий жамиятда ҳуқуқ нормаларининг аҳамиятини объектив тўғри баҳолай олиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади. “Ҳуқуқий онг - ижтимоий онг шакли, жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни (нормаларнинг мазмунинини тушуниши, моҳиятини англаши, *таъкид бизники – М.А.*) тушуниши, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасавурида ўз аксини топади”¹. Алоҳида шахс, гуруҳ ва жамиятнинг ҳуқуқий онги ажратиб кўрсатилади. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топган. Ҳуқуқий мафкура — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий мафкура қисмида аксини топган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Ҳуқуқий мафкура — шахснинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, одамнинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир қилади. Ҳуқуқий психология — ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан англашдир. Одам ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, ҳуқуқий муносабатларни нафақат ақл билан, балки сезги билан ҳам тушуниб етади.

“*Ҳуқуқий онг* – ижтимоий онгнинг шундай шаклики бунда кишининг ҳуқуқий макон ва замонда мавжуд бўлиш қобилияти намоён бўлади. Шахснинг ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши, ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун жавобгарликни хис этиши, бунинг натижасида ҳуқуқий ва сиёсий тизимнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлган ижтимоий ва

¹ Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. - T., 2013. - B.83.

сийсий вазифалар ҳал этилади”¹. Глобаллашув натижасида ҳуқуқий нормалар трансформациясида ҳуқуқий қадриятлар тизими ўзгариб боради, бу жараёнда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни умумлаштириб турувчи ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисасини чуқурроқ тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Фалсафий адабиётларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тафаккур, уларнинг онтологик ва гносеологик масалалари анъанавий тарзда ижтимоий тафаккур муаммолари доирасида кўриб чиқилади. Социология эса ҳуқуқий тафаккур кишиларнинг ёки турли ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий муносабатлар жараёнида ҳуқуққа ва қонунларга муносабатини ифодалашнинг назарий шакли сифатида таърифланади. Илмий тадқиқотнинг мустақил тармоғи сифатида ҳуқуқий онг муаммоси XX аср бошларида кўриб чиқила бошланди. Юридик энциклопедияларда “Ҳуқуқий онг – кишиларнинг ва ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ҳуқуқ нормаларига нисбатан муносабатлари, қарашлари ва баҳоларининг умумий йиғиндисидир”² деб таъриф берилган. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, машҳур рус тадқиқотчиси Т. Синьюкова ҳуқуқий онгга қуйидагича таъриф беради: “Ҳуқуқий тафаккур мустақил бир бутун ҳодиса бўлиб, у орқали ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқнинг мавжудлик моҳияти, ҳуқуқнинг борлиғи, унинг генезиси, ҳуқуқий бошқарувнинг бошқарув тизимида тутган ўрни, жиноятчилик ва унинг асосий сабаблари каби мураккаб, илмий-фалсафий муаммоларни тадқиқ этиш имкониятига эга бўлади”³. Ҳуқуқий тафаккурда энг муҳим жиҳатлардан бири, кишилар томонидан табиий, фундаментал ҳуқуқ меъёрларининг қадриятли жиҳатларини англаб етиш, ушбу меъёрларнинг мавжуд ҳуқуқ тизимида қай даражада ўз ифодасини топганлиги, уларнинг умумжаҳон инсон ҳуқуқлари эътироф этган талабларга мос келишини англаб етишда намоён бўлади. “Ҳуқуқий онг ҳуқуқ меъёрларини, ҳуқуқий қадриятларни англаб етиш билан

¹ Қаранг: Vafaeva D Nongovernmental noncommercial organizations - the basis for the formation of civil society in Uzbekistan *Sociosfera* 2011. No. 4, p.99

² А.Барихин. Большая юридическая энциклопедия. – Москва: Луч. 2009. - С. 352.

³ Т.Синьюкова. Основные аспекты правовой социализации. - М.: Наука, 2004.- С.94.

кифояланмай, ижтимоий тараққиёт (барқарорлигини таъминлашган хизмат қиладиган, *таъкид бизники – М.А.*) тақозо этадиган янгидан янги ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд ҳолатларини чуқур ўрганиб, келажагини башорат қилиш каби муҳим илмий вазифаларни ҳам амалга оширади”¹.

Ҳуқуқий онг даражаси жамият аъзоларининг ҳуқуқий маълумотларига ҳам боғлиқдир. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Ҳуқуқий маданиятнинг даражасига қараб, ҳуқуқий онг 3 турга ажратилади: оддий, илмий ва касбий.

Оддий ҳуқуқий онг, одатда, ўз-ўзидан вужудга келади ва одамнинг шахсий тажрибаси, ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган ҳаётининг вазиятлар ҳақидаги тушунчаси билан белгиланади. Бунга одамнинг ишга жойлашувидаги ёки олий ўқув юртига кириш қоидалари, ё бўлмаса йўл қоидасини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳақидаги билимлар мисол бўла олади. Ҳуқуқий онг борлиқ ҳақидаги оддий тушунчалар чегарасида қолиб кетмайди, доимо ривожлана бориб, назарий, илмий тушунчага айланади. Илмий ҳуқуқий онг ижтимоий ҳуқуқий ҳақиқатни у, ё бу даражада тўғри акс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади. Касбий ҳуқуқий онг эса юридик олий ўқув юртларида ўқиш натижасида шаклланади, сўнгра, ҳуқуқий амалиёт жараёнида сайқалланади. Ҳуқуқий фанлар вакиллари, ҳуқуқшунос амалиётчилар унинг субъектлари ҳисобланади. Ҳуқуқий онг жамият ҳаётининг ижтимоий сиёсий шароитлари, унинг маданий ҳуқуқий демократик ёки авторитар анъаналари билан белгиланади.

“Адолат, эркинлик, демократик принциплар, кишиларнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари, шу билан биргаликда давлат ва жамият олдида мажбуриятлари ҳақидаги билимлар умумлашмаси – ҳуқуқий онг

¹ Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Тошкент. 2009. – Б. 85.

ҳисобланади”¹. Жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг қонуний ёки ноқонуний, адолатли ёки адолатсиз эканлигини тўғри баҳолай олиш қобилияти, кишиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий тафаккури маҳсулидир. Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тафаккур ходисаларининг бир-биридан фарқи хусусида сўз юритишга тўғри келади. Ҳуқуқий онг бу – жамиятда мавжуд ҳуқуқий нормалар тизими ҳақидаги билим ва тасаввурларни қабул қилиб олиш қобилияти бўлса, қабул қилинган информацияни инсон ўз билимлари тизимида таҳлил қилиб, ўзлаштириши маҳсулидир. Яъни, ҳуқуқий онг бу – жараён, ҳуқуқий тафаккур бу ушбу жараённинг маҳсулидир. Тафаккурнинг бошқа шакллари сингари ҳуқуқий тафаккур ҳам инсонни ўраб турган борлиқнинг бир қисмини, ҳуқуқий қисмини ифодалайди. Ҳуқуқий тафаккур кишиларнинг мавжуд ҳуқуқий нормаларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабати сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий қарашлар ва ҳуқуқий қадриятлар тизими сифати мураккаб ходиса ҳисобланади.

“Ҳуқуқий онг бу, жамиятда кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларидир, чунки ҳуқуқий нормалар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Ҳуқуқий онг жамиятда ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидадан – фалсафа, сиёсат, дин, ахлоқдан фарқ қилади”².

Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқ билан узвий алоқаси мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро алоқаси қуйидагиларда намоён бўлади:

жамиятда ҳуқуқий онг қонун ва бошқа ҳуқуқ нормаларини қабул қилишда турли ғояларни ривожлантиришда, уларни қабул қилишда муҳим рол ўйнайди;

жамиятда ҳуқуқий онг барча фуқароларнинг, давлат органларини, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, адлия органлари ва мансабдор

¹ Бозорбоев Э.Ш. Правовое сознание.-Т.: Шарқ юлдузи, 2004.- Б.176.

²Махмудова А.Н. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик Фалсафа ва ҳаёт. - Тошкент, 2020. Махсус сон, - Б.77.

шахсларни ҳуқуқни ҳаётда тўғри қўллаш учун улар билан турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга;

жамиятда ҳуқуқий онг амалдаги давлатнинг ҳаракатда бўлган ҳуқуқнинг меъёрларини тартибга солишда, кодификация қилишда муҳим рол ўйнайди;

жамиятда ҳуқуқий онг бошқа ижтимоий онг шаклларида ҳуқуқ, мажбурият, бурч, ҳуқуқбузарлик ва унга қўлланиладиган жазо чоралари билан фарқ қилади”¹.

Ҳуқуқий онг давлатнинг ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, ҳуқуқий ташаббускорлик фаолиятини амалга оширишда, ҳуқуқий нормаларни турмушда қўллашда улар билан кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Чунки давлат миқёсидаги ҳар қандай қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар қабул қилишдан олдин ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ўрганилиб чиқилади. Шунинг учун ҳуқуқшунослар сиёсат ва амалиётни яхши билса, қабул қилинадиган ҳуқуқ меъёрлари шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқшунос олимларнинг фаол иштирокида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосини яратувчи кўпгина қонунлар, кодекслар қабул қилинди. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ тўғрисидаги кишиларнинг қарашларини ўргатар экан, у ўзининг тузилишига эгадир, яъни ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан иборат. Ҳуқуқий мафкура деганда, жамиятдаги турли синфларнинг, табақа миллат ва элатларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари тушунилади. Жамиятда қабул қилинадиган давлатнинг асосий қонуни Конституция ва бошқа қонунлар, ҳуқуқий нормалар жамиятдаги миллатлар ва элатлар манфаати нуқтаи назаридан қабул қилинади. Ҳуқуқий мафкура ҳар бир давлатда ҳуқуқдан ташқари, ҳуқуқшунослик фанларини ҳам ўз ичига олади. “Жамиятда ҳуқуқий онгни ривожлантиришда, ҳуқуқий нормаларни қабул қилишда ҳуқуқий мафкура

¹ Бозорбоев Э.Ш. Правовое сознание.- Т.: Шарқ юлдузи, 2004. - Б.176.

асосий, ҳал қилувчи рол ўйнайди. Чунки ҳуқуқий мафкура жамиятдаги ҳуқуқий асоснинг мавжудлигини, талабга жавоб беришини, ҳуқуқий нормаларнинг кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга катта ёрдам беради”¹.

Ҳуқуқий психология ҳуқуқий мафкурани таъминлаб турувчи муҳим омилдир. Чунки у ҳуқуқ тўғрисида алоҳида шахсларни ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий онгидан ташкил топган. “Ҳуқуқий психология деб жамиятдаги ҳар бир кишининг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари, билимлари тушунилади”².

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шакли сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. Интеллектуал;
2. Эмоционал (баҳолаш);
3. Хатти-ҳаракат (фаолият).

“Ҳуқуқий онгнинг интеллектуал таркибий элементи ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги қарашлар йиғиндисини ўз ичига олади. Турли ижтимоий омиллар таъсирида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ҳуқуқий онгнинг шаклланишида маълум узилишлар содир бўлиши мумкин. Яъни, ҳар учала элемент биргаликда ҳамоҳанг ривожланмай қолиши мумкин”³. Масалан, ҳуқуқий онги интеллектуал даражада шаклланган, қонунлардан хабардор, ҳуқуқий нормаларни яхши билади, лекин уларга тўғри баҳо бера олмайди, қонунларнинг кучига ёки бефарқ, ёки ишонмайди. Яъни, қонунларни билади, уларни бузиш жавобгарликка олиб келишидан хабардор, лекин бу унинг қонунбузарлик содир этишига тўсқинлик қила олмайди. Ҳуқуқий онгнинг иккинчи элементи ҳуқуқий баҳолашнинг тўғри шаклланганлиги ҳам баъзан кишининг қонунбузарлик содир этишига тўсқинлик қила олмайди. Масалан, ҳуқуқий нормаларни билади ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларининг

1Ратинов А. Юридическая психология. – М.: Юрист, 2001. - С.226.

2 Жабборов И, Жабборов С. Обычай, традиции и право. - Т.: Узбекистон, 2014. - Б.92.

³ Қаранг: Вафаева Д.Б. Влияние политического сознания на формирование и развитие гражданского общества. Российский журнал «Научный альманах». ISSN 2411-7609. 2020, N 4-2(66). - С.166-170.

фаолиятига нисбатан ишончи ҳам мавжуд, лекин турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этади. Демак, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни бу – ҳуқуқий тафаккурнинг барча элементлари биргаликда мавжуд бўлиш жараёни ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаради:

❖ **регулятив функция** – ҳуқуқий онг жамиятда ижтимоий муносабатларни бошқариш, назорат қилиш вазифасини бажаради. Ушбу вазифа ижтимоий жараёнларда ҳуқуқ нормаларига таянишни ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий тафаккурнинг даражасини назарда тутаяди;

❖ **баҳолаш функцияси** – бунда ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ тизимининг бошқа элементлари баҳолаш объекти ҳисобланади. Баҳолаш функцияси турли ҳуқуқий жараёнларга муносабатни ифодалайди. Ушбу вазифа орқали ҳуқуқ ва қонунчиликка нисбатан, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳагги-ҳаракатига муносабат ифодаланади;

❖ **билиш (гносеологик) функцияси** – ҳуқуқий билимларни тўплаш, ҳуқуқий реаллик ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришни назарда тутаяди;

❖ **башорат қилиш функцияси** – мавжуд ҳуқуқий тизимнинг келажагини башорат қилишни амалга оширади;

❖ **қонун ижодкорлиги функцияси** – ҳуқуқий онг жамиятнинг турли соҳаларини тартибга солувчи, ривожлантирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи янги нормаларни ишлаб чиқаради.

Ҳуқуқий онгнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

❖ **қундалик (эмпирик) ҳуқуқий онг** – ташқи муҳит таъсирида, оилада, тарбия жараёнида, бундан ташқари, ҳаётий тажриба натижасида орттириладиган ҳуқуқий билимлар йиғиндиси;

❖ **профессional ҳуқуқий онг** – махсус юридик таълим ва юридик фаолият натижасида шаклланади. Бу касб ва профессионал даражадаги ҳуқуқий онг шакли ҳисобланади;

❖ *илмий ҳуқуқий онг* – чуқур илмий-тадқиқот натижасида ҳуқуқий борлиқни англаш натижасида шаклланади.

Ҳуқуқий онг ҳодисасини илмий-назарий тадқиқот йўналиши сифатида таснифлаш жараёни XX асрнинг 70-йилларида рус олимлари томонидан амалга оширила бошланди. Замонавий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий онгнинг классификациясини амалга оширишда бир нечта ёндашувлар мавжуд. Хусусан, А.Ратинов¹ ҳуқуқий онг классификациясини амалга оширишнинг қуйидаги мезонларини ажратиб кўрсатади:

- ❖ ҳуқуқий онг субъекти (индивид, ижтимоий гуруҳ, жамият);
- ❖ ҳуқуқий онг объекти (ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқий муносабатлар);
- ❖ ҳуқуқий онгнинг намоён бўлиш усуллари (гносеологик ҳуқуқий онг – ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий қадриятлар ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлиш, психологик ҳуқуқий онг – эмоциялар ва баҳолаш шаклида);
- ❖ қай даража чуқур англаш ва ўзлаштирилганлигига кўра (кундалик ҳуқуқий онг - ҳар бир индивиднинг кундалик ҳаётида намоён бўлади, назарий ҳуқуқий онг – юқори даражада тизимлаштирилган ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқшунос мутахассислар фаолиятида намоён бўлади);
- ❖ қай даража кенг тарқалганлик бўйича (оммавий ҳуқуқий онг - ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик ҳуқуқий онгини ифодалайди, ихтисослашган ҳуқуқий онг – профессионал гуруҳларга хос бўлган ҳуқуқий онг, локал ҳуқуқий онг – алоҳида ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий онгини ифодалайди)”).

И.Вершок эса ҳуқуқий онгни соҳавий белгиларига кўра таснифлашни таклиф этади. Масалан: экологик ҳуқуқий онг, фуқаровий ҳуқуқий онг, жинсий ҳуқуқий онг.

Маълумки, давлатимиз фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш сари интиломда. Ушбу мақсаднинг

¹ А.Ратинов. Юридическая психология. Москва: Юрист.- 2001.- С.226.

амалга ошиши эса, ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбияси, ҳуқуқий маданияти нечоғли шаклланганлиги билан боғлиқ. Жамиятимизнинг барча жабҳаларида ижтимоий муносабатларни, ҳаётимизни тартибга солиб турувчи қонунларни билиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди. Ҳуқуқий маданиятнинг шахс маънавий камолотида ва жамият тараққиётидаги ўрни нечоғли муҳим эканлиги хусусида буюк ватандошимиз, шарқнинг улуғ донишманди Абу Али ибн Сино шундай дейди: “Дунёда ёвузлик ва адолатсизликнинг бу қадар кўплигининг сабаби – сизу биздадир. Билимсизлик ёки уқувсизлик туфайли ёвузлик билан курашишдан воз кечишимиз асносида ўзимиз ҳам ёвузликнинг кенг тарқалишига имкон яратиб берамиз”¹. Демак, жамиятда кишиларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, пировардида ҳуқуқий ижтимоийлашуви даражаси жамиятда қонун устуворлигини, адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

“Бугунги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади қилиб қўйилган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган, замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш учун мамлакатимизда барча соҳаларда мисли кўрилмаган даражада ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий ҳуқуқ тизимида сўнгги йилларда кўлами ва моҳияти нуқтаи назаридан ислоҳотларнинг янги даври бошланди”². Бугунги кунда жамият аъзоларини ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, уларнинг қонуний-ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга доир муносабатни шакллантириш давлат сиёсатининг асосий мезони, ислоҳотларнинг бош ғоясига айланди.

Давлат ва жамиятнинг равнақ топиши, ривожланганлик даражаси белгиловчи омиллар қуйидаги учта гуруҳда ўз ифодасини топган:

- *“биринчидан*, ривожланган жамият аъзоларининг, давлат фуқараларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксак бўлиши керак;

- *иккинчидан*, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси баланд бўлиши лозим;

¹ Абу Али ибн Сино. Донишнома. - Тошкент: 1980. - Б.74.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, – 2017.

- *учинчидан*, уларнинг ўша жамиятдаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси бор бўлишлиги талаб этилади”¹.

Глобал интеграциялашув даврида ҳуқуқий маданиятни шиклантириш масаласи ижтимоий-ҳуқуқий-фалсафий муаммо сифатида илмий жамоатчилик фикрини тортиб келаётган асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданиятни фақат инсон маданияти тизимининг таркибий элементи сифатида тадқиқ қилиш эмас, уни шаклантириш муаммоларини ўрганиш ҳам долзарб муаммога айланмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни шаклантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий жиҳатларини тадқиқ қилишга мамлакатимиз олимлари ҳам ҳаракат қилишмоқда ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шу сабабдан ҳам, ҳуқуқий маданият ҳодисасини турли ёндашувлар орқали тадқиқ қилиш, ҳуқуқий маданият шаклланиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар, унга турдош маданият шакллари билан алоқадорлиги масалаларини ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқшунослик, маданиятшунослик, фалсафа фанлари доирасида тизимли тадқиқ қилиш ниҳоятда самарали бўлиши мумкин. Чунки ушбу ҳодиса жамият ҳуқуқий тизимининг ички ҳаракатлантирувчи қонуниятини ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият шаклланишининг асоси сифатида ҳуқуқий онгн ҳодисасини юқорида таҳлил қилиб ўтдик. Зеро, ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг интеллектуал ташувчиси, назарий асоси ҳисобланади. Ҳуқуқий адабиётларда “ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий жараён субъектларининг ҳуқуқий муносабатга киришиш жараёнида намоён бўладиган ҳуқуқий билимлар, нормалар ва қадриятлари тизимининг умумлашмасидир”, деб таъриф берилади². Ҳуқуқий маданият – ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган мураккаб, комплекс ҳодиса бўлиб, ўз ичига ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тамоиллар, ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқий баҳолаш, ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий

¹Ратинов А. Юридическая психология. – Москва: Юрист, 2001.- С.24.

²Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. - T., 2013.- B.283.

фаолият кабиларни қамраб олади. Мазмунига кўра ҳуқуқий маданият ўз ичига инсониятнинг ҳуқуқ соҳасида эришган барча ютуқларини, инсониятнинг ушбу соҳада яратган барча билимларини, ҳуқуқий ходисаларни қамраб олади. Ҳуқуқнинг ўзи, ҳуқуқий фанлар, ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий амалиёт ҳуқуқий маданиятнинг таркибига киради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий маданият бу-ҳуқуқий мавжудлик, ҳуқуқий реалликдир. Ҳуқуқий маданиятни бундай талқин қилиш унинг эпистемиологик жиҳатдан мураккаблаштиради. Уни тадқиқ қилишда маълум мураккабликларни ва муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабдан, биз ҳуқуқий маданиятни тор маънода, жамиятда ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат, ҳуқуқий фаолият ва ҳуқуқий хулқ-атвор шаклида намоён бўлувчи ижтимоий муносабат шакли, инсон маданият тизимининг бир элементи сифатида тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳуқуқий онгнинг амалиётда намоён бўлиш шакли бу – ҳуқуқий маданиятдир. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги билимга, қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий меъёрларни бажариши, уларга амал қилмаганда ҳуқуқбузарликлар содир қилинса, тегишли жазо чоралари олишига айтилади.

“Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши зарур”¹. “Тўғриси айтиш керак, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда кўпчилигимизда фақат қонунларни билиш ёки улардан бохабарлик даражаси тушунилади. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунларга итоаткор бўлади, ҳамиша унга бўйсинади ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган

¹ Мирзиёев ШМ. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т.:“Ўзбекистон”, 2017.

қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмайди, аксинча, бошқаларни ҳам шунга даъват этади”¹.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо қилиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгида ҳуқуқий маданиятини шакллантиришни талаб қилади. Ҳуқуқий маданият – бу демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу сабабдан, республикамиз фуқароларида ҳуқуқий маданиятини оширишга давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида баҳоланмоқда. Жумладан, Олий Мажлиснинг IX сессияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисида дастур қабул қилди. Бу дастурда мамлакат миқёсда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий саводхонлик даражасини кўтариш, ҳуқуқий тарбия ишини яхшилаш, халқнинг билимларини ошириш (юримдик соҳада) каби вазифалар белгиланди. Бу борада Ўзбекистон республикасининг ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ҳуқуқий демократик давлат куришда, қонунчиликни мустаҳкамлашда ва турли ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш учун аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш муҳим рол ўйнади.

Ҳуқуқий маданиятнинг асосий мақсадларидан бири ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига фаол кириб бориш орқали кишиларнинг муқим шаклланган турмуш тарзи қоидаларига таъсир ўтказиш, кишилар, ижтимоий гуруҳлар ва жамият ҳаётида илғор ҳуқуқий нормаларнинг зарурат эканлигини англашларига замин яратишдир. Ҳуқуқий маданиятнинг фалсафий таҳлили бугунги кунда рус олими С.С.Алексеев томонидан чуқур таҳли қилинмоқда. Унинг фикрича “ҳуқуқий маданият аналитик фаолият ва маданият соҳасидир. У ҳуқуқнинг регулятив бошқарув жиҳатларининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши натижасида шаклланган ҳуқуқий бойлик бўлиб, жамиятда қонунчилик ва ҳуқуқ механизмларининг

¹Маматов Х. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. - Т.: Адолат, 2016.- Б.352.

такомиллашуви ва кишиларнинг турмуш тарзида акс этишини назарда тутувчи маънавий маданият соҳасидир”¹.

Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир кенг тарқалган талқини бу социологик талқин бўлиб, бугунги кунда М.Киргизбоев, томондан чуқур тадқиқ қилинмоқда. Унинг талқинига кўра, “ҳуқуқий маданият бир қатор маънавий қадриятларнинг умумлашмасидан ташкил топган бўлиб, шахсий индивидуал ва жамоавий ижтимоий контекстда намоён бўлиши мумкин. Яъни, ҳуқуқий маданият жамият тараққиётининг ўзига хос даражаси бўлиб, шахс ва жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифатини намоён қилади”². Социологик талқинга кўра “ҳуқуқий маданият жамият ҳуқуқий тараққиётининг ҳолати бўлиб, унинг асосини сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт ташкил этади”³. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий фаолиятнинг ривожланган даражасида намоён бўлиб, юридик механизмлар ва кишиларнинг ҳуқуқий онгини инъикос эттиради. У жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифатий ҳолатини ифодалайди.

Бундан ташқари, ҳуқуқий маданиятнинг институционал талқини ҳам кенг тарқалган бўлиб, бунда ҳуқуқий маданиятнинг барча жиҳат ва хусусиятлари тўлароқ қамраб олинган, деб ҳисоблаймиз. Унга кўра, ҳуқуқий маданият бу – жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий тузилмалари, ташкилотлари ва жамият аъзоларининг ҳуқуқий хулқ-атворлари ўртасидаги мувозанатни мувофиқлаштирувчи, улар ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам берувчи ижтимоий ҳодисадир. Яъни, ҳуқуқий маданиятнинг институционал талқини унинг унинг жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчилик жиҳатига асосий урғу беради. Бунда икки тушунча бир-биридан фарқланади. Яъни, “қонунийлик” ва “адолатлилик”. Ҳуқуқий муносабатларни бу тарзда талқин қилиш қадим юнон фалсафасида ҳам бор эди. Хусусан, буюк юнон файласуфи Сукротнинг “Нима қонуний бўлса, у адолатлидир”, - деган машҳур ибораси ханузгача социологлар ва

¹ Алексеев, С. С. Теория государства и права: учебник / С. С. Алексеев. – М.: Норма, 2004. - С. 283.

² Киргизбаев М. Фуқаролик жамияти: Назария ва хорижий тажриба.-Т.: Янги авлод. 2006.

³ Семитко, А.З.П. Правовая культура социалистического общества: сущность, противоречия и прогресс: монография / А.П. Семитко. – Свердловск: Изд-во Урал. ун-та, 1990. – С. 176.

хуқуқшуносларнинг баҳсларига сабаб бўлиб келмоқда. Юридик талқинга кўра, “ҳар қандай қонунийлик адолатдир ва сўзсиз бажарилиши лозим”¹, социологлар эса ҳуқуқий нормаларнинг адолатлилигини ижтимоий муносабатлар жараёнига таъсири билан белгилаш лозимлигини, қонун жамиятнинг барча аъзоларининг манфаатларини нечоғли ҳисобга олганлиги билан характерланишини эътироф этишади. Ҳуқуқий маданиятнинг институционал талқини бу икки ёндашувни мувофиқлаштиришни, муросага келтиришни назарда тутлади. Бугунги кунда бутун дунёда қонун устуворлигининг асосий мезонларидан бири ҳам айнан шу жиҳат билан боғлиқ. Яъни, қабул қилинаётган қонунлар ва барча қонуности ҳужжатлари инсон манфаатларини ифодалаши лозим. Жамиятнинг барча аъзоларининг умумий манфаатига мос келадиган қонунлар қабул қилинишини омбудсман назорат қилади.

“Ҳуқуқий маданият кишиларда юридик мажбуриятлар, қонуний ҳуқуқ ва имкониятлар, кишиларнинг мавжуд ҳуқуқ нормаларига нисбатан муносабатлари, у ёки бу хатти-ҳаракатнинг қонунларга мос келиши, жамият тартиботининг ҳуқуқий асослари ҳақидаги тасаввурлар, қарашлар, ғояларни уйғунлаштиришни назарда тутлади”². Ҳуқуқий маданият ўзаро боғлиқ бўлган, лекин шу билан бирга бир-биридан фарқланадиган икки тушунча ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий фаолиятни бирлашиш нуқтасидан шаклланадиган ижтимоий-маданий ҳодисадир. Ҳуқуқий маданият ҳодисасининг энг муҳим элементи бу – ҳуқуқий маданият субъектидир. Яъни юридик фанлар у ёки бу юридик жараённи, тушунчани таҳлил қилиш жараёнида, маълум ижтимоий гуруҳлар, жамият каби умумий тушунчалар билан иш кўради. Бу фаолият шахссиз фаолият дейилади. Яъни, таҳлил субъекти аниқ шахс эмас, мавҳум шахс ёки ижтимоий гуруҳлар. “Ҳуқуқий маданият ҳодиса ва жараён сифатида конкрет субъектив асосга, конкрет шахсга йўналтирилганлиги билан ажралиб

¹ Саидов А. Сравнительное правоведение. Учебник - М.: Норма, 2006.

² Киргизбаев М. Повышение политической культуры – приоритетные направления гражданского общества. Т.: Ижтимоий фикр, 2000.

туради”¹. Ҳатто, “одам”, “индивид”, каби тушунчалар юриспруденцияда деярли ишлатилмайди. Юриспруденция “шахс”, тушунчаси билан, одатда, иш кўради. Конкрет давлатлар маълум ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида асосан “фуқаро” тушунчасидан фойдаланса, умуминсоний ҳуқуқ нормалари. декларациялар давлат ва инсон ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ифодалашда “шахс” тушунчасидан фойдаланади. Ҳуқуқий маданиятнинг атрибути ва ўзига хос жиҳати унинг айнан конкрет шахсга ва индивидга таълуқли ҳодиса эканлиги билан ажралиб туради. Айнан конкрет жисмоний шахс ҳуқуқий маданиятнинг эгаси ва ташувчиси ҳисобланади.

Фалсафий-онтологик ёндашувга кўра ҳуқуқий маданият инсон борлигининг махсус шакли бўлиб, унинг ҳуқуқий маконда ва замонда ўзига хос намоён бўлишини ифодалайди. Бу ҳуқуқий макон инсон томонидан жамиятда тартиб ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир индивид ҳаёти ва фаолиятига қаратилган ўзига хос таъсир ва жамият борлигининг асосини ташкил этувчи элементларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг икки даражасини бир-биридан фарқлаш мумкин: ҳуқуқий маданиятнинг макро даражаси ва ҳуқуқий маданиятнинг микро даражаси. Ҳуқуқий маданиятнинг макро даражаси бу – тараққиётнинг маълум босқичида жамиятнинг, ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг умумий ҳуқуқий маданиятини ифодаласа, ҳуқуқий маданиятнинг микро даражаси – маълум шахс, конкрет ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий маданиятини ифодалайди. Бу икки даражадаги ҳуқуқий маданият ҳодисаси бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Микро даражадаги ҳуқуқий маданиятлар йиғиндисидан жамиятнинг макро даражадаги ҳуқуқий манзараси, ҳуқуқий маданияти шаклланса, ўз ўрнида макро даражадаги ҳуқуқий маданият микро даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига фаол таъсир ўтказади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши

¹ Маматов Х. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. -Т.: Адолат, 2016.- Б.352.

даражаси объектив омил сифатида индивидуал ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига таъсир ўтказди. Масалан, бола туғилиб ўсаётган, тарбияланаётган оила, таълим олаётган мактаби ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг ҳуқуққа, қонунларга ва қонун ижрочилигига бўлган муносабати таъсирида алоҳида индивиднинг ҳуқуқий маданияти шаклланиб боради. Аммо, шу билан бирга, жамият ҳуқуқий маданияти яъни, макро даражадаги ҳуқуқий маданият ва индивидуал, микро даражадаги ҳуқуқий маданият ўртасида тафовутлар ҳам бўлиши мумкин. Яъни, алоҳида шахсларнинг ҳуқуқ нормалари ҳақидаги тасаввурлари, ҳуқуқий қадриятлари тизими жамиятникидан фарқ қилиши мумкин. Жамият ва алоҳида шахсларнинг ушбу соҳадаги нуқтаи назарлари мос келмаслиги мумкин. Маданиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби ҳуқуқий маданиятда ҳам “контрмаданият” шаклидаги ҳуқуқий маданиятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9-январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳам аҳоли онгда соҳага тааллуқли анланган билим ва маданиятини амалий кўникмага айлантириш, ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишда амалий аҳамиятга эга. Унда “ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий равишда олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида ушбу масалани ҳал қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси сифатида қараб келиниб, бунда оила-маҳалла-фуқаролик жамияти принципи етарлича амал қилинмади. Бу эса, қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда”¹.

Таъқидлаш жоизки, “Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Т.:“Ўзбекистон”, 2017.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти”¹.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари 2016 йил августда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” Қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, қонуннинг “5-моддаси “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”, деб номланиб, ушбу моддада ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат, деб белгиланган: “ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш...”² кабилар.

“16-модда “Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари”. Адлия органлари: ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади; ёшларнинг ҳуқуқий онги

¹Маматов Х.. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма.- Т.: Адолат, 2016. - Б.352.

² Ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ЎРҚ. - Тошкент, 2016.

ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради”¹.

О.П.Саулякнинг² фикрича, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожлантирилиш масалалари билан фақат давлат ташкилотлари, давлат томонидан ташкил этилган институтлар эмас, жамият, нодавлат тузилмалар ҳам шуғулланиши лозим. Бу ҳуқуқий маданиятнинг шакллантиришда ва ривожлантиришда фаолият самарадолигини ошириши мумкин. “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш – қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир”³. Масалан, мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсак, нодавлат нотижорат тузилмалар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта рол ўйнамоқда. Бу борада Ёшлар агентлиги, Касаба уюшмалар, Хотин-қизлар кўмиталари, сиёсий партиялар каби етакчи ташкилотлар фаолиятини алоҳида эътироф этиб ўтиш мумкин. Хусусан, ёшларимиз ҳаётида ўзининг кучли ўрнига эга бўлиб бораётган Ёшлар агентлигининг фаолият дастурида: “баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнларида ҳал қилувчи куч ва таянч бўлишга қодир ёшларни шакллантириш, уларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий онгини юксалтириш”⁴, вазифаси белгилаб берилган. Бундан ташқари Хотин-қизлар кўмиталари бутун республика ва ҳудудларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва давлат жамият қурилишидаги иштрокини ошириш юзасидан кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

¹ Ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ЎРҚ. - Тошкент, 2016.

² Сауляк О.П. Законность и правопорядок: на пути к новым парадигмам / О. П. Сауляк. - Москва: Юрлитинформ, 2009. – С.220.

³ Қаранг: Маматов Х. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. -Т.: Адолат, 2016.- Б.352.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг низоми. – Тошкент, 2017.

2.2. Ҳуқуқий ижтимоийлашув ва шахс девиант ҳуқуқи: ўзаро алоқадорлик

Мамлакатимизда жадал суратлар билан ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш, қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлидаги чора таъдбирлар, албатта, салмоқли ва эътирофга муносиб. Давлат органларининг, таълим муассасаларининг устувор ва долзарб вазифаси ҳисобланган жамиятнинг турли итимоий қатламнинг ҳуқуқ соҳасида чуқур саводга эга бўлишлари, мукамал даражада ҳуқуқнинг мазмунини англаши ҳамда моҳиятини тушуниши, уни амалий жараёнда қўллай олишлари мақсадида тарғибот амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг 2017-2021 йиллардаги тараққиётининг устувор вазифаларини белгилаб берган “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам 2-устувор вазифа сифатида қонун устуворлигига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш вазифалари ўз ифодасини топган.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнини тизимли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлардан, давлат томонидан ўрнатилган қонун нормаларидан ва жамият томонидан асрлар давомида шакллантирилиб ва ривожлантирилиб келинаётган ахлоқий меъёрлардан фуқароларимизнинг оғиш ҳолатлари, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари кучлилигича қолмоқда. Ушбу параграфимизда ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига тўсқинлик қилаётган, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ўзига хос асосий муаммолардан бири бўлиб келаётган ижтимоий-ҳуқуқий муаммо, девиантлик, девиант хулқ атвор, социологик тадқиқотларда ижтимоий девиация деб номланган муаммони илмий-фалсафий таҳлилини амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Зеро, ушбу муаммо шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг асосий муаммоси сифатида бутун дунёда ниҳоятда долзарб муаммога айланди. Статистик муаммоларга қараганда бутун дунёда ҳуқуқбузарликнинг турли кўринишлари охириги 20 йилда жуда ҳам тезкор суратларда ошиб бормоқда. Тобора оммавий тус олиб бораётган ўғрилиқ,

талончилик, босқинчилик, гиёхвандлик, фохишабозлик, террорчилик, контрабанда, зўравонлик, одам савдоси, коррупция кабилар жамият таракқиётига ва барқарорлигига хавф туғдираётган асосий омилларга айланмоқда. Юзага келган вазиятда ёшларга ижтимоий тартиботнинг энг умумий қонуниятларини, ижтимоийлашувнинг хусусиятларини, ўз эркинлиги ва хатти-харакатини қабул қилинган ижтимоий меъёрларга мослаштиришнинг сабабларини аниқлаш, ниҳоятда муҳимдир. Кўпгина олимлар шахс ижтимоийлашувининг мавжуд усуллари ўз самарадорлигини йўқотганлигини таъкидлашмоқда. Замон шиддати олдида шахс ижтимоийлашуви учун масъул бўлган ижтимоий институтлар, оила, таълим тизими ожиз қолмоқда. Ушбу ҳолат ўрганилаётган муаммонинг долзарблигини янада оширади.

“*Deviato* – лотинча сўз бўлиб, оғиш, чекиниш, узоқлашиш, деган маъноларни билдиради. *Девияция* шахснинг умум эътироф этилган, кенг тарқалган, нисбатан барқарор ижтимоий меъёрлардан оғишидир”¹. Девиант хулқ-атворжамиятда ҳуқуқбузарликларни, жиноятчиликларни пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосларидан биридир. *Девиантлик* бу - қонуларни бузиш ва ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишдир. “Кишининг девиант ахлоқини жамиятда қабул қилинган меъёрларга зидлиги ва руҳий жараёнларининг мувозанатсизлиги, мослашувчан эмаслиги кўринишида, ёки унинг шахсий ахлоқи устидан ахлоқий ва эстетик назоратдан бўйин товлаш кўринишидаги ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилишида намоён бўлувчи алоҳида қилмишлар ёки қилмишлар тизими сифатида белгилаш мумкин”².

Бугунги кунда девиантлик ва девиант хулқ-атвор муаммоси кўпгина ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот муаммоси сифатида тадқиқ этилади. Социологияда девиантлик муаммосининг ижтимоий сабаблари ва жамиятга таъсири муаммолари ўрганилса, психологияда девиант хулқ-

¹ Ма’naviyat asosiy tushunchalar izohli lug’ati. - T., 2013. - B.53.

² И.М.Хакимова Девиант хулқ-атвор психологияси. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. 2014. - Б.5

атворни шаклланишига сабаб бўладиган рухий муаммолар ва уларнинг ечимлари таҳлил қилинади. Педагогик фанларда девиант хулқ-атворнинг таълим ва тарбия жараёни билан боғлиқ жиҳатлари очиқ берилади. Биз ушбу тадқиқотимизда фалсафий тадқиқотнинг хусусияти ва ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиб, ижтимоий фанларнинг барчасини ушбу соҳадаги тадқиқотларини умумлаштириб, муаммонинг энг умумий жиҳатларини очиқ беришга ҳаракат қиламиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, турли тадқиқотларда девиация муаммосига турлича ёндашувлар мавжуд. Социологик ёндашувга кўра девиантлик ҳодисаси ижтимоий ҳодиса бўлиб, мавжуд ижтимоий муҳитда кишиларнинг жисмоний ва ижтимоий мавжуд бўлишлари, ҳаётлари учун муқаррар хавф-хатарни келтириб чиқарувчи, барча мавжуд нормалардан чекинувчи ва инкор этувчи хулқ-атворни назарда тутди. Девиантлик ўзини ўраб турган ижтимоий маконда, жамоада мавжуд, умум қабул қилинган ахлоқ нормалари ва маданий қадриятларга зид ҳаракат қилишни, янгидан янги меъёрлар ва қадриятлар ишлаб чиқилишини, ўзлаштирилишини, жамият бу кишиларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини реализация қилиш макони эканлигини инкор қилувчи хулқ-атвор кўринишидир.

Тиббий-психологик ёндашувга кўра девиантлик кишилар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий фаолиятга киришиш жараёнида, ҳатти ҳаракатда нервно-психологик, рухий паталогия, касалликнинг ўзига хос бир кўринишидир. Бу рухий зўриқиш, рухий чекланганликнинг намоён бўлиш шакли ҳам бўлиши мумкин. Ижтимоий девиация социология томонидан ўрганилса, индивидуал девиация психология ва неврология фанлари доирасида ўрганилади. Хусусан, руҳшунос И.М.Хакимованинг фикрича, “Оғувчи хулқ, девиатив хулқ деб кишининг қилмишлари, фаолияти тури одатий, умумэтироф этилган меъёрлардан фарқ қиладиган, ёки у ўзи аъзоси бўлган жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмай, барқарор

равишда уларнинг ижтимоий меъёрлардан оғишида намоён бўладиган ахлоққа айтилади”¹.

Девиант хулқ-атвор эгасига жамият томонидан турли санкциялар, чекловлар амалга оширилади (изоляция, даволаш, хатти-ҳаракатида чеклаш, жазолаш). Девиант хулқ-атвор муаммосини тадқиқ қилиш социология фани пайдо бўлиши билан бошланган ва социологларнинг диққат марказида турган муаммолардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, девиант хулқ-атвор ҳақидаги қарашлар тарихи қадимги Ҳиндистон, Хитой, Рим, Юнон файласуфларининг ижтимоий сиёсий қарашларида, Марказий Осиё халқлари ҳаётида зардуштийлик таълимоти, хусусан Авестода, Ўрта асрлар фалсафаси ва Уйғониш даври файласуфларининг қарашларида ҳам мавжуд бўлган. Девиант хулқ-атворнинг мазмуни, мураккаблиги ва намоён бўлишига қараб, турлича таснифланганлигини кўришимиз мумкин. Хулқ-атворнинг қандай кўринишлари девиант хулқ-атвор ҳисобланади, меъерий хатти-ҳаракат девиант хатти-ҳаракатдан қандай фарқ қилади, нормал хатти-ҳаракат қаерда тугайди ва девиант ҳаракат бошланади, девиант хулқ-атвор конструктив характер касб этиши мумкинми ёки фақат деструктив таъсирга эгами, деган саволларнинг турлича талқин қилиниши, Э.Дюркгейм, Ф. Знанецкий, Р. Мертон, Т. Парсонс, П. Сорокин, У. Томас, Н. Смелзер, Р. Клауорд, Л. Оулин, Э. Сатерленд каби ғарб тадқиқотчилари, бундан ташқари, В.С. Афанасьев, А.А. Габиани, Я.И. Гилинский, И.Г. Зайнышев, Е.В. Змановская, К.Е. Игошев, О.Б. Качанова, Ю.А. Клайберг, А.И. Ковалева, И.С. Кон, В.С. Собкин, В.Т. Степанов, С.П. Татарова сингари рус тадқиқотчилари ижодида амалга оширилган. Француз социологи Эмиль Дюркгейм ўзининг машҳур “Суиқасд” асарида (1897) замонавий девиантологияни асослаб берди, десак хато бўлмайди. Ушбу асарида Дюркгейм аноми тушунчасини киритди. Аноми – жамиятдаги кризислар ва туб радикал ўзгаришлар пайтида адашиш,

¹ Хақимова И.М. Девиант хулқ-атвор психологияси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2014.- Б.5.

мўлжални йўқотиш ҳолатидир. Буни Дрюкгейм турли ижтимоий иқтисодий инқирозлар пайтида авж оладиган суиқасдлар мисолида тушунтириб беради. Эмиль Дюркгеймнинг издоши, америкалик тадқиқотчи Роберт Кинг Мертон 1938 йилда биринчилардан бўлиб инсон хулқ-атворининг классификациясини ишлаб чиқди. У ишлаб чиққан моделда индивиднинг ижтимоий муносабатларга мослашишининг 5 хил усули тақдим этилди. Ушбу усуллар индивидумнинг мақсадлари ва жамият мақсадларининг бири-бирига нечоғли мос келиши, ушбу мақсадга эришиш воситаларининг нечоғли уйғунлигига кўра фарқланишини кўришимиз мумкин.

1. Бўйсунуш усули. Жамият томонидан қабул қилинган мақсадларга интилиш воситаларини тан олиш ва уларга бўйсунуш. Яъни, фақат жамият томонидан тўғри деб қабул қилинган усул ва воситалар ёрдамида мақсадга интилиш.

2. Инновация усули. Жамият томонидан қабул қилинган ва тўғри деб эътироф этилган мақсадларни тан олиш, лекин уларга эришиш воситаларини тўлалигича қабул қилмаслик, ушбу воситаларга инновацион, янгича ёндашиш.

3. Ритуализм усули. Жамият қўйган мақсадларни реаллигига шубҳа билан қараш, уларга жамият тўғри деб белгилаган усуллар билан эришиш мумкинлигига ишонмаслик. Лекин, шу билан бирга, ўз хатти-ҳаракатини маълум қолибда назорат қилиш.

4. Ретретизм усули. жамиятдан узоқлашиш, жамият қабул қилган мақсадлар ва уларга эришишнинг жамият белгилаб берган усулларига қарши чиқиш.

5. Инқилоб усули. Янгича ижтимоий тартибот ўрнатишга ҳаракат қилиш, жамиятнинг мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш воситаларини қайтадан шакллантиришга уриниш.

Ижтимоий муносабатларга мослашишнинг ушбу таснифида 4 ва 5 усулларда ўз хатти-ҳаракатида жамият томонидан қабул қилинган меъёрлардан оғиш ҳолати яққол сезилмоқда. Яъни, девиант хулқ-атворнинг

белгилари жамиятдан узоқлашиш, жамият эътироф этган меъёрларни инкор этиш, янгича меъёрларни, ўз меъёрларини ишлаб чиқишга интилиш, кабилар намоён бўлмоқда. Бунинг хавфли томони шундан иборатки, жамият ва давлат томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар асрлар давомида инсониятнинг энг умумий манфаатларини уйғунлаштирган ҳолатда ишлаб чиқилган. Уларда индивидуал манфаатдан кўра ижтимоий манфаат устунлик қилади. Шахс томонидан ушбу меъёрларни қадрият эканлигини англамаслиги, қабул қилинмаслиги, унинг хатти-ҳаракатида жамият манфаатига зид келадиган фаолиятни юзага келтириши мумкин.

Ц.П.Короленко ва Т.А.Донскихлар девиант хулқ-атворнинг куйидаги таснифини таклиф қилишди:

“1. Ностандарт хулқ-атвор. Хулқ-атворнинг ижтимоий стереотиплари доирасидан чиқиш, лекин шу билан бирга жамият тараққиётига ижобий таъсир ўтказиш. Масалан, АҚШда XX аср бошларида барчага фуқаролик берилиши, ҳамманинг сиёсий ҳуқуқларини эътироф этилиши.

2. Деструктив хулқ-атвор. Ижтимоий меъёрларни бузишни, антисоциал хатти-ҳаракатни ифодалайди. Қонунларни, бошқа кишиларнинг қонуний ҳуқуқларини бузиш. Бу ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: 1. Ташқи деструктив девиация. Жамиятдаги тартиботни бузиш, кишиларга зиён етказиш билан намоён бўлади. 2. Ички деструктив девиация. Ўз-ўзини емириш билан намоён бўлади (ўз жонига қасд қилиш, фанатизм)”¹.

Девиант хулқ-атвор моҳиятига кўра салбий ҳодиса эмас, унинг турли кўринишлари жамият ҳаётига турлича таъсир кўрсатишини фарқлаб олишимиз лозим. Конструктив девиация хулқ-атвор эгалари туфайли жамиятда қаҳрамонлик, доҳийлик каби кишиларни ўз орқасидан эргаштириш ҳолатлари намоён бўлса, деструктив девиация туфайли жамиятда ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва тартибсизлик авж олади. Деструктив девиация социология ва психологияда “деликвентлик” деб юритилади.

¹ Короленко Ц.П., ДонскихТ.А. Обзор теоретических аспектов деструктивного поведения. - Красноярск: Наука, 2016. - С.247.

“*Deliquene*” лотинча сўз бўлиб, “жиноят”, “айбдорлик”, деган маънони билдиради. Делинквентлик ҳуқуққа зид, қонун билан қораланган ҳуқуқ атвори билдиради. Яъни, девиантлик белгиланган меъёрлардан оғиш, четга чиқишни билдирса, делинквентлик айнан қонунга зид, қонун билан таъқиқланган хатти-ҳаракатни ифодалайди. Девиант ҳуқуқ атвори салбий кўриниши делинквентликдир. Девиант ҳуқуқ-атвори салбий кўринишларига яъни делинквентликка: жиноятчилик, алкоғолизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, терроризм, кимор ўйинлари, экстремизм, вандализм, ўз жонига қасд қилиш қабилар киради. Девиант ҳуқуқ-атвори ижобий кўринишлари ҳам мавжудки, жамият ва давлат томонидан қабул қилинган меъёрларга қарши чиқсада, жамиятга фойдаси тегадиган хатти-ҳаракатдир. Масалан, қаҳрамонлик, ўз жонини фидо қилиш, ўта раҳм шавқатли бўлиш, алтруизм, (бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун кўйиш) генийлик. Қанчалик ғалати бўлмасин инсоният тарихиди ўчмас из қолдирган Гитлер ва Муссолини, Моцарт ва Бетховенлар ҳам девиант ҳуқуқ-атворэгалари ҳисобланишади.

Деструктив девиант ҳуқуқ-атвор қуйидаги белгиларга эга:

1. Расмий эътироф этилган ижтимоий меъёрлардан чекиниш;
2. Девиант ҳуқуқ-атвор жамият аъзоларида салбий муносабатга сабаб бўлади;
3. Девиант ҳуқуқ-атвор шахсининг ўзига ва жамиятга зиён етказади.
4. Девиант ҳуқуқ-атвор доимий ва такрорланувчи характерга эга;
5. Девиант ҳуқуқ-атвор ижтимоий дезадаптация билан ёнма-ён, биргаликда кечади;
6. Девиант ҳуқуқ-атвор индивидуал, жинсий ва ёш билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларга эга.
7. Девиант ҳуқуқ-атвор атамасини 6 ёшдан кичик болаларга нисбатан қўллаш мумкин эмас.

Девиант ҳуқуқ-атвор шаклланишининг бир нечта сабаблари ва таъсир этувчи омиллари мавжуд:

1. Биологик омил. Кишиларнинг биологик тузилишлари, ташқи кўринишларидаги ўзига хослик кўпинча хатти-ҳаракатида ҳам бошқалардан ажралиб туришга мойилликни келтириб чиқаради.

2. Психологик, рухий омил. Кишидаги туғма ва орттирилган психологик сифатлар ташқи таъсирлар натижасида унда девиант хулқ-атворни шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

3. Ижтимоий омил. Жамиятда мавжуд адолатсизликлар, ижтимоий зиддиятлар девиант хулқ-атворни келтириб чиқариши мумкин.

“Шахс ижтимоийлашувини тадқиқотчилар икки даврга бўлишади. Болалик давридан ўсмирлик даврига қадар давом этадиган даври – ижтимоийлашувнинг бирламчи даври ва энг муҳим даври ҳисобланади, чунки бу давр ижтимоийлашувнинг фундаментал (ижтимоийлашувнинг шаклланиш босқичи, *таъкид бизники* – М.А.) давридир. Иккиламчи ижтимоийлашув даври ўсмирликдан кейинги даврдан бошланиб, умрининг охиригача давом этади”¹.

Девиатив хулқ-атворнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири, у ижтимоийлашув хусусиятига эга. Яъни, ҳар бир жамиятда девиатив хулқ-атвор кишилар ўртасида тарқалиш, оммалашуви содир бўлади. Девиатив хулқ атворнинг у ёки бу шаклининг ижтимоийлашуви, оммалашувидаги самарадорлик ўсмирлар ва ёшлар орасида қанчалик кенг тарқалганлиги билан белгиланади. Шахс ижтимоийлашуви жараёнидаги энг муҳим ва хал қилувчи даврлардан бири бу ўсмирлик даври ҳисобланади. Бу даврда ўсмир катта ёшли кишилар сингари ўзида намоён бўладиган девиант хулқ-атворни маҳорат билан яшира олмайди, шу билан бирга, унинг хулқидаги оғиш жамият аъзолари томонидан кичик болалардаги сингари осон ва кечириш нуқтаи назаридан қабул қилинмайди. Чунки, ўсмирни жамият ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиши, бошқариши ва ўз хатти-ҳаракати учун жавобгар

¹ Қаранг: Makhmudova A.N. Influence of legal socialization on the process of designing legal culture and legal consciousness of personality in modern civil society *Academica An International Multidisciplinary Research Journal*, India. ISSN: 2249-7137, Vol. 10, Issue 5, May 2020, Impact Factor: SJIF 2020=7,13; DOI:10.5958/2249-7137.2020.00274.8. - pp.73

шахс сифатида қабул қилади. “Ўсмирларда девиант ахлоқнинг қуйидаги асосий муомала белгилари намоён бўлади:

- ҳис-ҳаяжонли портлашлар;
- катталар билан жанжаллар;
- катталарнинг қоидалари ва илтимосларини менсимаслик ёки бажаришдан бош тортиш;
- атрофдагиларни жўрттага безор қилиш;
- ўз хатоларида бошқа бировларни айблаш;
- жиззакиликнинг кескин даражаси;
- баджаҳллик, дарғазаблик, қасоскорлик, кек сақлаш;
- ҳақоратлар ва уятсиз сўзларни тез-тез ишлатиш”¹.

Машҳур америкалик социолог Нейл Смелзер (1930-2017) жамиятда ижтимоийлашув жараёнини ҳаракатланаётган нишонга отилган ўққа қиёслайди. Агар ўқ нишонга текса, ижтимоийлашув муваффақиятли амалга ошган бўлади ва бу шахс билан ижтимоий муносабатлар жараёнида “ҳар бир аъзо ўзига берилган ролни муваффақият билан бажариб беради, ижтимоий тартибот сақлаб қолинади. Лекин афсуски, ҳар доим ўқ нишонга аниқ етиб бормайди. Демакки ижтимоийлашувда муаммолар кўзга ташланади ва девиация ўзининг бирон бир кўринишида намоён бўлади”². Нейл Смелзер девиация кенг маъноли жараён сифатида, болаларда кўзга ташланадиган тўполончилик шўхликдан бошлаб, терроризмгача бўлган ҳодисаларни ўз ичига қамраб олади, деб ҳисоблайди. “Ижтимоийлашув ҳеч қачон 100% ли самародорликка эга бўлмайди. Баъзан у тўлиқ инқирозга учрайди, шунда кишида шизофрениядан тортиб, жамиятдаги ҳар қандай меъёрни тўлалик инкор қилишгача бўлган ҳолатлар кўзга ташланади”³. У девиациянинг уч хил даражасини бир-биридан фарқлаб кўрсатади: 1.Позитив девиация. (ўта фидоийлик, қахрамонлик, генийлик, алтруизм) 2. Негатив девиация.

¹ Хакимова И.М Девиант ҳуқ-атвор психологияси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2014. - Б.18.

² Смелзер Н. Социология Под ред.В.А.Ядова. – М.:Фейкс, 1994.- С. 688.

³ Смелзер Н. Социология. Под ред.В.А.Ядова. – М.:Фейкс, 1994.- С. 689.

(маъмурий ва интизомий, фуқаролик ҳуқуқбузарликлари) 3. Криминал хатти-ҳаракат (жиноий фаолият, терроризм, қотиллик, маньяклик...).

Я.И.Гилинский “Девиациянинг ягона ва аниқ бир сабаби йўқ, девиацияга қарши курашишнинг ягона сули ҳам мавжуд эмас”,¹ деб ҳисоблайди. Унинг фикрича девиация ягона детерменизм доирасида ривожланмайди. Акс ҳолда унга қарши кураш, унинг олдини олиш ва ижтимоийлашувнинг максимал даражадаги такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш мумкин бўларди. Жамиятда турли объектив ва субъектив, баъзан кишиларга аҳамиятсиз тарда кичик туюлган омиллар ҳам девиациянинг ижтимоийлашувига, оммалашувига олиб келиши мумкин.

Девиациянинг хусусиятлари ва намоён бўлишига қараб ижтимоий назоратнинг йўқлиги ёки шахс ижтимоийлашуви жараёнидаги тизим узвийлигининг йўқолиши девиациянинг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин, деган хулосага келишимиз мумкин. “Ижтимоий қаровсизлик натижасида асоциал ахлоқ билан бир қаторда қадриятли меъёрий тасаввурлар, қадриятли йўналишлар, ижтимоий ҳукмрон ғоялар тизими кескин деформацияланади, меҳнатга салбий муносабат, тирикчилик учун шубҳали ва ноқонуний воситалар ҳисобига меҳнатсиз даромадлар топиш ва “чиройли ҳаётга эришиш” мақсади ҳамда унга интилиш истаги шаклланади. Бундай шахсларнинг референт муносабатлари қадриятлари йўналиши позитив йўналишли ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий институтларнинг шахслардан анчагина бегоналашиши билан тавсифланади”².

Эдвин Сатерленд (1883–1950) яна бир машҳур америкалик криминолог ва социолог. У девиант хулқ атворнинг делинквент хулқ-атворга айланиш сабаблари ва қонунияларини тадқиқ қилган. У жиноий хулқ-атворнинг “дифференциал назария”сини ишлаб чиққан. Унинг ушбу назарияси дунё илмий ҳамжамияти томонидан эътироф этилган назариялардан ҳисобланиб,

¹ Гиллинский Я.И. Социология девиантного поведения и социального контроля. М.: Мир России. 1997. №1-С.163-167.

² Хақимова И.М. Девиант хулқ-атвор психологияси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. 2014. - Б.17.

деликвент хулқ-атвор шаклланишининг сабабларини нисбатан тўларок камраб олган деб ҳисобланади. Бу назариянинг асосида кишиларнинг у ёки бу хулқ-атвор эгаси бўлишлари уларнинг ўз танловлари асосида амалга ошишини асослаб бериш ётади. Олимнинг фикрича, кишиларга қонунларга итоаткорликни маъқул кўриб яшашдан кўра, ўз манфаатлари йўлида қонунларни бузиш маъқулроқдир, шунинг учун жамиятда коррупция, таниш билишчилик сингари девиант хулқ-атвор белгиларни тугатиб бўлмайди. “Кишилар ҳар доим яшашнинг ўзлари учун қулай, осон ва манфаатли усулларни танлашади, инсон табиатида яшаш учун курашнинг осон усулларига интилиш устундир. Қонунлар ва меъёрларга амал қилиш инсондан ҳар доим маълум бир қийинчиликлар ва мураккабликларга чидашни, маълум бир маъсулиятни қабул қилишни ва кўпроқ куч сарфлашни талаб этади. Шу сабабдан, инсонлар кўпинча ушбу меъёрларни четлаб ўтишни маъқул кўрадилар. Бу эса, ўз навбатида, девиант хулқ атворнинг ижтимоийлашувига, тарқалишига ва оммалашувига сабаб бўлади”¹. Э.Саттерленднинг назарияси бугунги кунда Ўзбекистонда ва бутун жаҳонда иавжуд бўлган жиноятчиликнинг турли кўринишлари билан курашда юзага келаётган муаммоларнинг умумий сабабини асослаб бера олади, деб ҳисоблаймиз. Чунки, мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш йўлида, жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ чора тадбирларни кучайтириш борасида олиб борилаётган тизимли, изчил фаолиятга. давлат сиёсатига қарамасдан, коррупция, таниш-билишчилик, уруғ-аймоғчилик каби ҳолатлар юқори даражада сақланиб қолмоқда. Таълим тизими, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда юқорида санаб ўтилган криминал ҳолатларнинг юқори даражада эканлигининг асосий сабаблари айнан кишиларнинг, яшашнинг, пул топишнинг осон усулларидан фойдаланишга интилиши, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиш, ортиқча куч ва энергия сарфламасдан мақсадга эришиш сингари

¹ Саттерленд Э. Теория дифференциальной ассоциации. - М.: Луч, 2016. - С.274.

мойилликларини амалга оширишларининг намоён бўлишидир, деб айтиш мумкин. Ушбу ҳолатнинг энг хавфли жиҳати, жамият аъзолари орасида унинг ижтимоийлашувидадир. Яъни, жамият аъзолари ушбу ҳолатларда ҳеч қандай криминаллик элементларига эътибор бермай, қулайлиги сабабли шунчаки қабул қилишади ва ушбу ҳолатларнинг оммалашшига сабаб бўлади. Қабул қилинган меъёрлардан чекинишнинг, оғишишнинг, четлаб ўтишга ҳаракат қилишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши давлат ва жамият биргаликда курашсагина, деструктив девиант хулқ атворнинг ҳар қандай кўринишига қарши шиддатли ва аёвсиз курашилса, жазо чоралари кучайтирилсагина, ушбу соҳадаги курашлар самара ва натижа бериши мумкин. Ҳуқуқий ижтимоийлашув самарали амалга оширилиши мумкин.

Шахс ижтимоийлашуви, ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнидаги энг асосий муаммолардан бири бўлган девиант хулқ-атвор муаммоси ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот муаммоларидан бири сифатида ўз долзарблигини ошириб бормоқда. Юридик фанлар, психологик-педагогик фанлар, социология ва фалсафа фанлари ушбу муаммонинг турли жиҳатларини ўз тадқиқот йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ўрганишмоқда. Ушбу муаммонинг мураккаблиги, етарлича тадқиқ қилинмаганлигининг асосий сабабларидан биридир. Шу билан бирга, жамиятда инсон муаммосини ўрганишда ва инсон хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларнинг ечимида ушбу масаланинг нечоғли чуқур ўрганганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Зеро, бугунги кунда инсониятни таҳликага солаётган кўпгина муаммолар айнан инсон хулқ-атворида жамият томонидан ўрнатилган турли ахлоқий, ҳуқуқий, диний меъёрлардан оғиш билан боғлиқ бўлиб қолди. Ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг тобора оммалашиб бориши, демографик ва экологик муаммолар, эгоцентризм ва индивидуализм, турли субмаданиятларнинг авж олиши, аморал ва антисоциал ҳолатларнинг (ўз жинсини ўзгартириш, бир жинслилар ўртасида сексуал алоқалар) кенг тарқалаётганлиги ва шу каби муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан девиант хулқ-атвор муаммоси билан

боғлиқ. Чунки биз юқорида санаб ўтган ҳолатларнинг барчаси жамият томонидан ўрнатилган меъёрлардан турли даражада оғиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳисобланади.

2.3. Ҳуқуқий тарбия – шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг асосий воситаси сифатида

Жамиятда қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири – жамият аъзоларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, саводхонликни юксалтириш ҳисобланади. Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксак даражада шакллантириш, бунда биринчи галда, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг тўри йўлга қўйиш муҳимдир. Аммо кўп йиллар давомида ушбу масалани амалга оширишда оқсоқликлар кузатилиб келинди. “Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади”¹. Кенг жамоатчиликни ҳуқуқий билими ва саводхонлигини ошириш борасидаги вазифаларнинг тўғри белгиланмаганлиги, уларни бажаришда қатъий таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва ҳуқуқий онгни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз бўлаётганлигини кўрсатади. Ушбу параграфимизда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг асоси бўлган ҳуқуқий тарбия муаммосини илмий-фалсафий таҳлил қилишга, унинг илмий-методологик жиҳатларини ўрганишга, ҳуқуқий тарбияни тизимли ташкил этишнинг асосий шартлари нималардан иборат эканлигини, мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия тизимини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини ўрганишга ҳаракат қиламиз. “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада

¹ Каримов Э.Э Ўзбекистон ёшларининг дунёқарабини уйғуш шакллантириш муаммолари. - Т.: Ислон университети нашриёти, 2004. - Б.62.

такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” ушбу соҳада амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилиши лозим”¹.

Ўз навбатида “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш – қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг асосий талаби ва фуқаролик жамияти куришнинг асосий мезони ҳисобланади”².

Мамлакатимизда мустақилликка эришгандан сўнг миллий ҳуқуқ тизимини мукамаллаштиришга доир ислоҳотларни амалга оширилиши, жамият аъзоларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилганлиги инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва эркинликларини ҳурмат қилинишини муайян даражада шакллантирди. Аммо шунга қарамасдан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга тўсик бўлаётган қатор муаммолар ушбу соҳадаги ишларнинг жадал давом қидириш лозимлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуққа доир маданиятни юксалтириш – ҳуқуққа доир таълим ва тарбия ишларини тизимли ва давомли тарзда олиб борилиши, бунда давлар ва нодавлат сектор, жамоатчилик биргаликда, ҳамкорликда фаолият олиб бориши самарали натижа бериши мумкин деб ҳисоблаймиз. Хўш, ҳуқуқий тарбия нима ва нима учун бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги энг муҳим ва долзарб муаммо сифатида айнан фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини тизимли ташкил этиш муаммоси ҳар доимгиданда долзарбланиди? Ҳуқуқий тарбия ҳодисаси ҳуқуқий ва социологик фанларда кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” – 2017.

² Саидов А. Сравнительное правоведение. М., Норма. – 2006. - С.372.

маънода, ҳуқуқий тарбия тушунчаси умумий ҳуқуқий ижтимоийлашувни камраб олиб, кишиларнинг ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий кадриятлар тизимида ўз-ўзини ҳис қилиши ва намоён этиши жараёни, ушбу жараёнда ҳуқуқий ва сиёсий тизимларнинг биргаликдаги фаолиятини назарда тутди. Тор маънода, ҳуқуқий тарбия шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга йўналтирилган мақсадли фаолият бўлиб, шахс томонидан ҳуқуқий нормалар тизимини ўзлаштириш, ҳуқуқий бошқарув учун муҳим бўлган нормаларга итоаткорлик қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоратadbирлар ва фаолият йиғиндиси дир. “Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий маданиятни инсонлар онгига сингдириш ва эътиқодига (амалий фаолиятининг асосий йўналишига, – таъкид бизники, М.А) айлантиришга қаратилган тизимли фаолият шакли ва педагогик фаолият кўринишларидан биридир”¹. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғиботни ўз ичига олади. Жамиятда шахс ҳуқуқий маданиятини ва жамият ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш мақсадида давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари инсоният томонидан шакллантирилган ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурмат ва итоаткорлик туйғуларини шакллантириш борасида биргаликда фаолият юритиши ниҳоятда муҳимдир.

“Ҳуқуқий тарбия кишиларда ҳуқуқий макон ва замонда ўзини эркин ва қулай ҳис қилиши, ҳуқуқий муносабатлар жараёнида ўз ўрнини топишида ва жамиятдаги тартиботни сақланишида ниҳоятда муҳимдир.”² Ҳуқуқий тарбия фуқароларда жавобгарлик ва маъсулият туйғуларини шакллантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбия кишиларга ижтимоий ҳуқуқий муносабатларга ўзига ишонч ва мустақиллик туйғусини ривожланишига ёрдам беради. “Ҳуқуқий тарбия ҳар қандай давлатнинг мафкуравий фаолиятида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди ва ушбу фаолиятнинг зарурий таркибий элементи ҳисобланади”³. Ушбу фаолиятнинг мазмуни ва шакли давлат сиёсати билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

¹ Қаранг: Бозорбоев Э.Ш. Правовое сознание.-Т.: Шарқ юлдузи, 2004.- Б.176.

² Ядов В.А. Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности. СПб., 2009.- С.283.

³ Отамирзаев О. Социальная активность молодежи независимого Узбекистана. - Т., 2002. – Б. 41.

Ҳуқуқий тарбиянинг негизида ҳуқуқий-ижтимоий ва педагогик мақсадлар мужассамланган бўлиб, унинг асосий мақсади қонунларга бўйсунувчи, ҳуқуқий нормаларга амал қилувчи, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган шахсни тарбиялашдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг яна бир асосий мақсади ҳуқуқий нормаларга шункачи итоат қилиш эмас, балки уларнинг моҳиятини, заруратини англаган ҳолда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини ва муносабатини шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, ҳуқуқий тарбия кишиларда ҳуқуқий қадриятларга, жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларга нисбатан соғлом ва бунёдкор муносабатни шакллантириш, соғлом ва бунёдкор ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш вазифасини бажаради.

Ҳуқуқий тарбиянинг пиروвард мақсади фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, кишиларда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етиш, ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг қонуний усуллари ва воситалари ҳақида тушунча ва тасаввурларни тарбиялаш, шу билан бирга ўз мажбуриятларига маъсулият билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш вазифасини бажаради. Ҳуқуқий тарбия кишиларда адолатсизликлар ва қонунбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиради. Ҳуқуқий тарбия натижасида кишиларда ҳуқуқ нормаларининг жамият тартиботини сақлашдаги жамиятни ривожлантиришдаги ролини тўғри баҳолаш, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳуқуқ мажбуриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш кўникмаси шаклланади.

“Ҳуқуқий тарбия ўзига хос тузилмага, уни амалга ошириш воситаларига ва усулларига, бундан ташқари ҳуқуқий тарбиянинг объекти, предмети ва субъектларига эгадир. Ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги субъектлари мавжуд:

- давлат тузилмалари, давлат бошқарув органлари;
- таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ахлоқ тузатиш муассасалари, оммавий ахборот воситалари;

– нодавлат тузилмалар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, гуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари;

– оила ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг энг муҳим, энг таъсирчан субъекти ҳисобланади.

Тарбиянинг бошқа барча шакллари сингари ҳуқуқий тарбиянинг сифати, самарадорлиги ва биз юқорида санаб ўтган ҳуқуқий тарбия субъектлари фаолиятининг натижаси кўп жиҳатдан оилага боғлиқ”¹.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўз объекти мавжуд. Ҳуқуқий тарбиянинг умумий ва махсус объектини бир-биридан фарқлаш лозим. Ҳуқуқий тарбиянинг умумий объекти, бир бутун халқ, ҳуқуқий тарбия жараёни қаратилган ва ҳуқуқий тарбия жараёни йўналтирилган ҳар шахс тушунилади. Ҳуқуқий тарбиянинг махсус объекти дейилганда, ҳуқуқий тарбия махсус усул ва воситалар билан олиб бориладиган, умумий ҳуқуқий тарбиядан фарқ қиладиган махсус ёндашув орқали амалга ошириладиган ҳуқуқий тарбия тушунилади. Масалан, аҳолининг ўсмирлар қатлами ҳуқуқий тарбиянинг махсус объекти ҳисобланади. Чунки улар орасида ҳуқуқбузарликка моиллик юқори бўлади. Ёки ахлоқ тузатиш колонияларида тарбияланаётган кишилар ҳам ҳуқуқий тарбиянинг махсус объектлари ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбия жамият ҳаётида қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

1. “Ҳуқуқий тарбия – ҳуқуқ тўғрисидаги умумий билимларни ривожлантиради;
2. Ҳуқуқий тарбияланувчининг етарлича билимларни ўзлаштири жараёнини назорат қилади;
3. Ҳуқуқ нормаларининг жамиятдаги ўрни, аҳамияти, зарурияти ҳақидаги қарашларни ривожлантириш, ҳуқуқ нормаларининг заруратини англашти ва уларга ҳурмат муносабатини шакллантириш;

¹ Махмудова А.Н. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ҳуқуқий тарбиянинг шаклланиши. Наманган давлат университетининг ахборотномаси.- Наманган, 2020.- 5-сон. Б.88.

4. Ҳуқуқий ҳуқ-атвори шакллантириш ва бу борадаги билимларни чуқурроқ сингдириш”¹.

Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда турли усуллар қўлланилади. Бунда ҳуқуқий тарбияланувчининг ёши, индивидуал ва психологик ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда у ёки бу усулдан, баъзан бир нечта усуллар биргаликда қўлланилиши мумкин. Бунда, асосан, ишонтириш, мажбурлаш, шахсий ибрат кўрсатиш, тақдирлаш каби усуллардан фойдаланилади. Тарбиянинг бошқа шаклларида бўлгани каби, тарбияланувчининг индивидуал ва психологик ҳолатидан келиб чиқиб кимгадир мажбурлов усули самаралироқ бўлса, кимгадир тақдирлаш, ёки шахсий ибрат кўрсатиш усули кўпроқ самара бериши мумкин.

Жамиятда ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш масаласига ҳуқуқ органлари, шунингдек, давлат марказий ва маҳаллий органлари вазифаси деб келинган, бунда жамиятнинг турли даража ва соҳалардаги ижтимоий институтларининг: оила, таълим муасасалари, маҳалла ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари иштироки лозим даражада таъминланмаган. Бу эса, мазкур борада муаммонинг юзага келиш сабаб бўлган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий механизми, ҳуқуқий тарбия жараёнини тўғри ва тизимли ташкил этиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1997 йил жорий этилган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”, ушбу соҳада амалга оширилаётган барча ишларимиз учун дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу дастурда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия ҳодисаларининг мазмун моҳияти, асосий вазифалари, ушбу жараёнларни тўғри ташкиллаштиришнинг шартлари ва талаблари каби масалалар очиқ берилган. Хусусан, жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор

¹ Қаранг: Бозорбоев Э.Ш. Правовое сознание.- Т.: Шарқ юлдузи, 2004. - Б.176.

фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир.

Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик тамойиллар ва нормаларни англаб этишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

“Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур”¹.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш – маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни муттасил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

“Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва

¹ Вафаева Дж.Б. Повышение качества образования - путь гуманитарного развития и экономического роста. Наука, образование, общество. Сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. 31 января 2017 г. Россия.- Тамбов. - С.36-38.

воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади¹”.

Ҳуқуқий тарбия ва таълимни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

“давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш; ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияни таълимнинг барча босқичларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш; ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини аниқлаш; дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш²” каби муҳим жиҳатлар ва вазифалар белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли 2019 йил 9 январдаги Фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариши кутилмоқда. Ушбу Фармон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси сифатида мамлакатимизда кенг қамровда амалга оширилаётган ҳуқуқий тарбияни тизимли ташкиллаштириш борасида қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:

“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур

¹ Отамирзаев О. Социальная активность молодежи независимого Узбекистана. - Т., 2002.- Б. 41.

² Қаранг: Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish milliy dasturi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997. 9-son.

сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш лозим”¹.

“Шу ўринда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тушунчаларининг ўзаро нисбати, ўзаро муносабати ва ўзаро алоқадорлиги масалаларига ойдинлик киритиш, Гарчи бу икки тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ тушунча бўлсада, уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳуқуқий таълим тушунчаси асосан рационал мазмун касб этиб, шахснинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий меъёрлар ҳақидаги билим ва маълумотлар тизимини инсон онгида акс эттириш фаолиятини ифодалайди. Ҳуқуқий тарбия эса, шахс томонидан ҳуқуқий билимларни қадриятли эмотционал ўзлаштириш, уларни инсоннинг умумий қадриятлар тизимида ўз ўрнини эгаллашига, ҳуқуқ меъёрларига нисбатан хурмат туйғусини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир”².

Таълимнинг дастлабки босқичи ҳисобланган мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий таълимгача бўлган босқичларда ўзаро узвий боғлиқликни таъминлаш, олдимизда турган асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида белгилаб берилган мактабгача таълим муассасалари учун ҳуқуқий сабоқларга доир дарслик ва ўқув қўлланмалар, кўرғазмалар яратиш борасида турли соҳа вакиллари ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлаш, соҳадаги асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Фармоннинг 9-бандида “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия Вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўрғазмалар тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш; 10-бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Халқ

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019 yil 9 yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi PF-5618-son Farmoni

² Makhmudova A. Guarantee of legal basic of supporting human rights in new level of Uzbekistan’s development . International Journal of Advanced Science and Technology Vol.29. - No.5, (2020),- P.1767.

таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда: 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этиш, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминлаш”¹ каби масалалар келтирилганлиги бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради.

XIX асрнинг энг машҳур ҳуқуқшунос олимларидан бири Р.Иеринг ўзининг машҳур “Ҳуқуқ учун кураш” асарида “Ҳуқуқнинг мақсади – тинчлик, унга олиб борадиган ягона йўл эса - курашдир”², деб таъкидлаган эди. Ҳуқуқ ҳуқуқсизлик томонидан хавф остида қолар экан, уни ҳимоя қилиш учун курашиш лозим. Зеро, бугунги кунда мавжуд барча ҳуқуқлар узоқ муддатли курашлар натижасида эришилган. Шу сабабдан ҳам, бугунги кунгача ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг расмий эмблемасида қилич ва қалқонни акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий рамзий маъноси, ҳуқуқий нормалар ва уларни ҳимоя қилувчи органлар кишиларнинг ҳуқуқий қалқони ва ҳимоячиси, шу билан бирга ҳуқуқлар учун доимий равишда курашиш зарурлигини ифодалашдир.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019 yil 9 yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi PF-5618-son Farmoni.

² Иеринг Р. Борьба за права.- Москва: Аудиториал. 2015. - С.153.

III БОБ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ НАЗОРАТ



Мамлакатимиз бозор муносабатларига асосланган кучли демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бормоқда. Ушбу йўлда амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби комплекс чора-тадбирларда намоён бўлади. Бу борада давлат томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимизда етарли бўлмайди. Чунки, фуқаролик жамияти бу, авваламбор, ўз-ўзини назорат қилишдир. Шу сабабдан мамлакатимизда барча соҳаларда ижтимоий назоратни кучайтириш вазифаси бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Монографиямизнинг ушбу бобида ижтимоий назоратнинг мазмун моҳияти, ўзига хос тамойиллари, ижтимоий назоратнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти ва энг муҳими ижтимоий назоратнинг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувидаги роли масалаларини фалсафий таҳлил қилинган.

3.1. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими

Ижтимоий назорат тушунчаси ижтимоий фалсафа, психология, педагогика, социология каби фанларнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб,

бугунги кунда жамиятда содир бўлаётган кўпгина муаммоларнинг, хусусан, ёшлар ва ўсмирлар орасида содир этилаётган антисоциал ҳодисалар, девиант хулқ-атвор ва шу каби ҳолатлар устидан назорат ўрнатишда ва ушбу муаммоларнинг ечимини топишда ниҳоятда муҳим деб эътироф этилмоқда. Хўш, ижтимоий назорат нима? Луғатларда ижтимоий назоратга қуйидагича таъриф берилган: “Ижтимоий назорат жамоатчилик тартибини сақлашнинг ўзига хос механизмларидан бири бўлиб, жамоатчилик томонидан девиант хулқ-атвор ҳолатларини, ўрнатилган меъёрлардан чекиниш ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бундай ҳолатларга қарши чора куриш каби комплекс фаолиятни ифодалайди”¹.

Ижтимоий назорат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули ва шакли сифатида қадим замонлардан буён мавжуд бўлиб келган. Масалан, ибтидоий жамоа даврида шахс хулқ-атворини жамоа назорат қилиши анъанаси мавжуд бўлган. Агар шахс хулқ-атворида жамоа қабул қилган меъёрлардан оғиш ҳолатлари мавжуд бўлса, жамоа аъзолари турли санкциялар ёрдамида унинг хулқини керакли томонга ўзгартириш ваколатига эга бўлган. Ижтимоий назорат тушунчаси ва ҳодисаси узоқ тарихга эга бўлса ҳам, уни илмий тушунча сифатида фанга ижтимоий психологиянинг асосчиларидан бўлган Т.Тард олиб кирди. Унинг талқинида мазкур тушунча “жиноятчининг хулқ-атворини меъёрий қоидалар доирасига қайтариш учун қўлланиладиган усуллар мажмуини ифодалаган”². Кейинроқ бу тушунчанинг мазмуни анча кенгайди. Бундан ташқари америкалик социологлар Э.Росс ва Р.Парклар ўз тадқиқотларида ушбу муаммони янада кенгроқ ўрганишди ва янги қирраларини очиб беришди. Уларнинг талқинида, “Ижтимоий назорат - индивидга унинг хулқ-атворини ижтимоий меъёрларга мос келтириш мақсадида ўтказиладиган таъсирни англатади”³.

¹ Миракилов М. Жамоат назорати: давлат органлари ходимларининг ёнунга рия эйтиши, маъсулият билан ёндашишини таъминлайди. - Т., 2018.

² Тард Т. Преступление толпы. под ред Смирнова. – Казань, 2016.- С.44.

³ Росс Э., Парк Р. Организация и правовое регулирование взаимодействия общественных институтов. М.: Юрист, -2007.

Америкалик социолог Т.Парсонснинг фикрича, “Ижтимоий назорат санкциялар ёрдамида девиант хулқ-атворга таъсир ўтказиш орқали уни меъёрий ҳолатга келтиради ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади”¹. Ушбу муаммо мамлакатимиз файласуфлари ва олимлари томонидан ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Хусусан, А.Саидов, М.Киргизбаев, С.Отамуродов, О.Отамирзаев, Б.Жуманиязов, Г.Кучкорова, З.Кодирова, М.Миракилов ва бошқалар ўз тадқиқотларида ушбу муаммонинг турли жиҳатларини тадқиқ қилишмоқда. Файласуфларнинг ва социологларнинг юқорида бериб ўтган таърифларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий назорат, ижтимоий тизимнинг ўзини ўзи тартибга солиш усулидир. Мазкур усул ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ҳамда мазкур тизимнинг таркибий қисмлари орқали тартиб ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Жамоатчилик назоратининг характери, мазмуни, йўналтирилганлиги мазкур ижтимоий тизимнинг характери, моҳияти ва типи билан белгиланади. Жамоатчилик назорати ибтидоий, архаик жамиятларда ҳозирги ривожланган индустриал жамиятлардагига нисбатан мутлақо ўзгача хусусиятга эга бўлади. Дастлабки давр жамиятларида у содда тузилмага эга бўлса, замонавий жамиятларда мураккаб тизим сифатида намоён бўлади.

Жамиятда ижтимоий алоқадорликни ва ижтимоий тизимни мавжуд бўлишининг ва самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шарти, ижтимоий фаолият ва кишилар хулқ-атвори қандай бўлиши ҳақида олдиндан тасаввур қилиш, башорат қилиш ва тахминий хулосалар бериш имкониятининг мавжудлигидадир. Айнан ана шу имконият жамиятда педагогик, психологик ва тарбиявий жараёнларни тўғри ташкил қилиш имконини беради. Агар ушбу имконият бўлмаганида инсоният жамияти тартибсизлик, беқарорлик ва инқирозга юз тутган бўларди. Жамият ижтимоий муносабатларни ва ижтимоий алоқадорликни тўғри ташкиллаштиришнинг маълум бир

¹ Парсонс Т. О структуре социальных актов. - М. 2003.

воситаларига эга ва айнан ана шу воситалар орқали ижтимоий тартиботни сақлайди. Шундай воситалардан бири бу – ижтимоий назоратдир.

“Ижтимоий назорат ижтимоий тизимнинг мустаҳкамлигини, барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитни яратиш, ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий тартиботни сақлашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқиш, шу билан бир вақтда янгидан-янги ижобий ижтимоий ўзгаришларни юзага келтириш учун ижтимоий имкон берувчи муҳит яратиш, каби вазифаларни бажаради”¹.

Бир томондан ижтимоий назорат ижтимоий бошқарув механизмлари, ижтимоий таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари йиғиндисини ифодаласа, иккинчи томондан ижтимоий фаолият ва уни амалга оширишни назарда тутлади. Умуман олганда шахс ижтимоий хулқ атвори, хатти-ҳаракати жамият ва жамоатчилик, ижтимоий муҳит назорати остида амалга ошади. Улар ижтимоийлашиш жараёнидаги индивидга ижтимоий хулқ-атвормеъёрларини ўргатиш билан бирга ижтимоий назорат агентлари сифатида ҳам намоён бўлишади. Ижтимоий назорат агентлари ижтимоий хулқ-атвор намуналари ва талабларини жамият томонидан тўғри ёки нотўғри қабул қилинаётганлигини ва амалиётда тўғри қабул қилинаётганлигини назорат қилиб борувчилардир. Шу нуқтаи назардан ижтимоий назорат ижтимоий бошқарув ва ижтимоий тартибга солиб туришнинг ўзига хос шакли бўла олади. “Ижтимоий назорат индивиднинг ўзи бирлашган ва уюшган ижтимоий гуруҳга бўйсунishi, ушбу гуруҳ томонидан ўрнатилган меъёрларга спонтан ёки онгли равишда амал қилишида намоён бўлади”².

Ижтимоий назорат асосан икки элементдан ташкил топган. Булар ижтимоий нормалар ва ижтимоий санкциялар.

“Ижтимоий норма бу – ижтимоий қўллаб қувватланган ёки қонунчилик билан мустаҳкамланган стандартлар, қоидалар ва кишиларнинг хатти-

¹ Саидов А. Сравнительное правоведение. - М.: Норма, 2006.- С.372.

² Отамирзаев О. Социальная активность молодежи независимого Узбекистана.- Т., 2002. – С. 41.

харакатини бошқариб, назорат қилиб борувчи меъёрлар йиғиндисидир”¹. Ижтимоий нормалар ўзининг мазмун-моҳияти ва белги ва хусусиятларига кўра, қўлланиладиган санкцияларнинг кўриниши ва турларига қараб: ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва шахсий нормаларга бўлинади.

“Ҳуқуқий нормалар – турли қонуний актларда мустаҳкамланган, расман ҳуқуқий асос билан ҳимояланадиган меъёрлар йиғиндисидир”². Ҳуқуқий нормаларнинг бузилган ҳолати жиноий, маъмурий, интизомий ва бошқа турдаги жавобгарликлар шаклида жазога тортилади.

“Ахлоқий нормалар – жамоатчилик фикри шаклида амалга ошириладиган, ижтимоий муносабатлар жараёнида тажриба ва синовдан ўтиб келган, жамоатчилик томонидан қадрият сифатида эътироф этилган ижтимоий хулқ-атвор нормалари ҳисобланади”³. Ахлоқий меъёрларнинг шаклланишида ижтимоий макон ва замон, миллий ва этник ўзига хосликлар бевосита таъсир ўтказади. Бунда жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан ушбу норманинг эътироф этилиши ва тўғри деб қабул қилиниши муҳим ҳисобланади. Ахлоқий нормаларнинг бузилиши ҳам ҳуқуқий ҳам ижтимоий санкцияларга учраши мумкин. Масалан, ҳуқуқий жиҳатдан махсус ахлоқ тузатиш колонияларида тарбияланиши, маълум бир ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши мумкин бўлса, ижтимоий томондан жамоатчилик томонидан салбий қабул қилиниш, маълум бир ижтимоий муносабатлардан четлаштириш, жамоатчилик норозилиги каби санкцияларга учраши мумкин.

Ижтимоий нормаларга одатда маълум бир ижтимоий гуруҳларнинг одатлари (масалан, катталарга нисбатан ҳурмат) ижтимоий анъаналар, (масалан меҳмондўстлик, андишалилик) ижтимоий хулқ-атвор, (этикет қоидалари) кабилар киради.

Ижтимоий санкция – кишиларнинг ижтимоий нормаларга амал қилишини рағбатлантириш, ёки амал қилинмаган ҳолатларга жазо ва

¹ Махмудова А.Н. Шах ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими. Consensus халқаро илмий журнал. - Т., 2020. - Б. 68.

² Барихин А. Большая юридическая энциклопедия. - Москва. Луч. 2009. - С. 352.

³ Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. -Т., 2013.- В.23.

чекловлар ўрнатишга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндисидир. Санкциялар ижтимоий назоратнинг асосий қуроли ҳисобланади. Санкциялар ижтимоий нормаларга амал қилинишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. “Санкциялар- жамоатчилик назоратининг элементи. Алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатига тезкор муносабат билдириш мақсадида жамият ижтимоий санкциялар тизимини яратган”¹. Санкциялар ўз моҳиятига кўра, алоҳида шахс ва ижтимоий гуруҳлар, муассаса ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракатига муносабатдир. Ижтимоий санкциялар тизимининг вужудга келиши тасодифий ҳол эмас. Меъёрлар жамият қадриятларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган бўлса, санкциялар ижтимоий меъёрлар тизимини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Меъёр санкция ёрдамида ҳимоя қилинмаса, унга одамлар амал қилмай қўяди. “Санкциялар моддий ва маънавий бўлиши мумкин. Моддий санкциялар вазифасини жарима, мол-мулкни мусодара қилиш кабилар бажаради. Маънавий санкциялар эса танқидий фикр, хайфсан, кесатик, пичинг, изза қилиш каби шаклларда бўлиши мумкин”². Фуқаролик жамияти институтлари маъмурий ва ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ваколатига эга эмас. Улар фақат маънавий санкцияларни қўллаши мумкин. Лекин ўринли ва тўғри қўлланган маънавий санкцияларнинг кучи ҳуқуқий санкциялар кучидан кам бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, ижтимоий санкциялар ўз мазмун-моҳияти ва хусусиятига кўра, бир-биридан фарқланади. Уларни намоён бўлиш шаклига кўра расмий ва норасмийга ажратиш мумкин. Расмий ва норасмий санкциялар мазмунига кўра яна позитив, ижобий ва негатив, салбийга бўлинади. Расмий ижобий санкцияларга турли мансаб ва лавозимлар, орден ва медаллар, стипендия ва дипломлар, фахрий ёрликлар билан тақдирлашни мисол қилиб келтиришимиз мумкин, норасмий ижобий санкцияларга, мақташ, мақуллаш, олқишлаш кабилар киради. Расмий салбий санкцияларга жарима, озодликдан маҳрум этиш, мол мулкни мусодара

¹ Саидов А. Типология и классификация правовых систем современности. - Т. Янги аср авлоди, 1998.- Б.143.

² Саидов А. Типология и классификация правовых систем современности. - Т. Янги аср авлоди, 1998.- Б.143.

этиш, ҳаттоки, ўлим жазоси билан жазолаш кабилар кирса, норасмий салбий санкцияларга ҳақоратлаш, устидан кулиш, жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб қўйиш, эътироз билдириш кабилар киради.

“Ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий санкциялар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир бутунликни ташкил этади. Агар бирор-бир ижтимоий меъёр уни тақозо этувчи ижтимоий санкцияга эга бўлмаса, у ўзининг бошқарувчилик ва назорат қилиш, тартибга солиш функцияларини йўқотади”¹.

Ижтимоий назоратнинг қуйидаги механизмлари ажратиб кўрсатилган:

“ажратиш (изоляция) – девиант хулқ-атвор содир қилган шахсни озодликдан маҳрум этиш, қамок, уй қамоғи, эркин фаолиятини чеклаш каби ҳолатлар асосида жамиятдан ажратиш:

муомалага лаёқатсиз деб топиш – бу механизм суд ҳукми асосида амалга оширилади (руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириш, хатти-ҳаракати устидан қатъий назорат ўрнатиш);

реабилитация – девиант хулқ-атвор эгасини нормал ҳаётга қайтариш комплекс чора-тадбирларини кўриш”².

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим омиллари қаторига ижтимоий ҳамкорлик, жамоатчилик назорати, ижтимоий назорат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар киради. Ижтимоий назорат фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш жараёнини тўғри ташкиллаштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Жамиятда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларнинг бажарилиши устидан давлат назоратидан ташқари тўғри ташкиллаштирилган ижтимоий назорат механизмларининг мавжуд бўлиши, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ниҳоятда катта ва самарали ўрин

¹Қаранг: Вафаева Д.Б. Социокультурные условия становления гражданского общества в Узбекистане(социально-философский анализ). Монография. – Самарканд: СамДУ, .2018. - С. 39.

² Половинкин В.А Социальный контроль в системе общественных отношений. - Санкт Петербург, 2012. - С. 165.

тутади. Жамиятда ижимоий тартибни сақлашнинг муҳим омили сифатида ижтимоий назорат қуйидаги вазифаларни бажаради:

Регулятив вазифа – ўзида ижтимоий тартибга солиш, ижтимоий жараёнлар устидан назоратни амалга оширишни назарда тутати. Регулятив функция ижтимоий назоратнинг ҳар бир бўғинида ва бир босқичида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади;

Кўриқлаш, ҳимоя қилиш функцияси – ушбу функция жамиятда мавжуд ижтимоий қадриятларни сақлаш, ҳимоялаш, уларнинг авлоддан-авлодга етиб боишини таъминлаш вазифасини амалга оширади. Ушбу функция жамиятда бошқарув ва тартибга солишнинг, айниқса, миллий, ахлоқий жиҳатларини сақлашда ниҳоятда муҳим. Масалан, бугунги кунда бутун дунёда авж олиб бораётган индивидуализм, ахлоқсизликнинг турли шакллари авж олиб боришини тўхтатиб қолиш, бундай ҳолатларнинг бизнинг жамиятимизда ҳам нормага айланишига йўл қўймаслик айнан ижтимоий назоратнинг кўриқлаш ва ҳимоялаш функцияси орқали амалга оширилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқларининг устувор бўлиб бориши ва либерализация жараёнлари бутун дунёда оила институтининг ижтимоий институт ва олий ижтимоий қадрият сифатида ўз аҳамиятини йўқотишига олиб келмоқда. Дунёда бир жинслилар ўртасидаги никоҳ, ўз жинсини ўзгартириш, турли субмаданиятиларнинг авж олиб бориши каби ноахлоқий иллатларнинг жамиятимизга кириб келиши ва ижтимоий нормага айланишини фақатгина ижтимоий назорат орқали амалга оширишимиз мумкин. Чунки, давлат ва ҳуқуқий институтларнинг ушбу иллатларга қарши курашдаги кучи инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ташкилотлари томонидан чекловларга учрамоқда. Бундай вазиятда жамоатчилик, ижтимоий назорат воситасида ўзининг миллий ахлоқий қадриятларини кўриқлаши ва ҳимоялиши зарур бўлади. Ижтимоий назоратнинг ҳимоялаш ва кўриқлаш функцияси:

инсон ҳаётини;

мол-мулкини;

миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларини;
шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялашни назарда тутати. Ушбу функция орқали ижтимоий тажриба авлоддан авлодга етказиб берилди.

Бақарорлаштириш функцияси – ушбу функция жамиятда кишиларнинг хатти-ҳаракатига маълум бир барқарорлик бўлишини, уларнинг фаолиятидаги девиант ҳолатларини олдиндан аниқлай олиш ва уни бартараф этиш имконини беради.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни бошқаришда давлат назорати албатта, муҳим. Лекин шундай муносабатлар ва ҳолатлар мавжудки, улар ҳуқуқий меъёрлар ўлчови билан қараганда нормал хатти-ҳаракат бўлиб, ҳеч қандай ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, жамият томонидан қабул қилинган ва асрлар давомида ўзининг қадриятлилик жиҳатларини, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир қисмини тартибга солишда ўзининг долзарблигини сақлаб келаётган меъёрларга зид бўлиши мумкин. Ижтимоий муносабатларнинг айнан ана шу қисмини назорат қилиш ва тартибга солишда ижтимоий назорат ниҳоятда муҳим.

“Фуқаролик жамиятида ижтимоий жараёнларнинг субъектлари ўртасидаги алоқадорликлар ва муносабатларни тартибга солиш, ўрнатилган барча ижтимоий нормаларнинг кишилар ва ижтимоий гуруҳлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган, ижтимоий назорат вужудга келади. Бунда, ижтимоий фаолият чегаралари, қолиплари ўрнатилади, қайсики ижтимоий муносабатларга тартибланиш, ташкилланиш ва аниқлик бағишлайди¹”. Ижтимоий назорат кишилар, ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий институтлар хатти-ҳаракатига барқарорлик, уюшганлик, узвийлик ва объективлик бағишлайди. Ижтимоий назорат, ижтимоий назорат субъектларини ташкилланиш бир бутунликка бирлаштиради, жамият меъёрий қадриятлар тизимини ишлаб чиқилишига, сақлаб қолинишига ёрдам беради. Ижтимоий назорат воситасида жамиятда

¹ Киргизбаев М. Гражданское общество: генезис, формирование и развитие. - Т. 2010.- С.178.

белгиланган ижтимоий нормалардан жамият аъзоларининг оғишганлик даражасини аниқлаш, улар замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштириб бориш имконияти бўлади. А.Орлеан ижтимоий меъёрларни мувофиқлаштиришнинг қуйидаги кўринишини таклиф этади: “рационаллик – индивидуаллик – мувозанат – жамоавийлик – нормативлик – тартиб¹”. Фикримизча, ушбу тасниф ва тасвир кўпроқ Фарбда ижтимоий меъёрларни мувофиқлаштириш стандарти бўла олади. Бизда ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий кадриятлардан келиб чиққан ҳолда, қуйдагича таснифни тасвирлаш мумкин: рационаллик – жамоавийлик – мувозанат – индивидуаллик – нормативлик – тартиб. Ушбу тасниф орқали жамиятда ижтимоий муносабатларни амалга оширишнинг индивидуал ва жамоавийлик тамоилларидан келиб чиқиб, рационаллик асосида шаклланадиган меъёрларининг шаклланишини ифодалаш мумкин. Ҳуқуқий назорат жамиятда содир бўлаётган девиант хатти-ҳаракатга фақат, ҳуқуқий жиҳатдан баҳо ва муносабат билдириши мумкин.

Жамиятда содир бўладиган ҳар қандай девиант хулқ-атвор нафақат ҳуқуқий назорат, балки ижтимоий назоратнинг ҳам объектига айланиши зарур. Яъни содир этилган девиант хатти-ҳаракатга нисбатан нафақат ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий баҳо, балки ижтимоий муносабат ва ижтимоий баҳо ҳам берилиши лозим. Ижтимоий назорат эса, содир бўлган ижтимоий меъёрлардан чекиниш ҳолатларига ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий, ҳам диний, ҳам миллий нуқтаи назардан муносабат билдиради. Масалан, коррупцияга қарши курашда юксак натижаларга эришаётган, Дания, Швеция, Норвегия, Сингапур, Япония каби мамлакатларда мансабдор шахснинг коррупция билан қўлга тушишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ташқари жамоатчилик ҳам муносабат билдирар экан. Ушбу мамлакатларда коррупционерларга, қотилларга муносабатда бўлгандек муносабат билдирилар экан. Бу ерда асосий урғу жамиятнинг нафратига сабаб бўлиш,

¹ Половинкин В.А Социальный контроль в системе общественных отношений. - Санкт Петербург, 2012.- С 165.

кишиларнинг ўз қилмишидан уялиши каби масалаларга берилади. Бундай кишилар жамиятда кишилар ишончидан чиқиши ва жамиятдан ажритиб қўйилиши ниҳоятда яхши самара бермоқда. Кишининг ўз ижтимоий авторитетини йўқотиш хавфининг туғилиши унинг хатти-ҳаракатини ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар доирасида амалга оширишига сабаб бўлади. Зеро, инсон ижтимоий маконда тутган ўрни, обрўси масалаларига ҳар доим кучли эътибор қаратади. Инсон ўз табиатига кўра ҳар доим бошқаларнинг эътирофига сазовор бўлишга интилади, бунинг тескариси, жамоатчилик муҳокамаси ва нафратига дучор бўлишдан эса инсон ҳар доим қўрқиб яшайди. Яъни, жамиятда маълум бир иллатнинг камайиши, унга қарши курашнинг самарадор кечиши кўп жиҳатдан жамоатчиликнинг ушбу иллатга нисбатан муносабатига боғлиқдир. Бу эса, ижтимоий назорат махсули ҳисобланади. Бундан ташқари, ижтимоий назорат доирасига нафақат ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, балки ижтимоий-ахлоқий меъёрлар доираси ҳам киради. Масалан, Ўзбекистон шароитида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ажрашишларнинг олдини олишда ижтимоий назорат муҳим роль ўйнайди. Маҳалла, оиланинг катталари, қариндош-уруғлар бу масалада ижтимоий назоратни амалга оширишини кўришимиз мумкин. Бунда ижтимоий назорат кўрқитиш, жазолаш усулларида кўра уялтириш, виждонни уйғотиш, маъсулиятли бўлишга чақириш. инсоний фазилатларга муносиб бўлишга ундаш, каби усуллар ва воситалардан фойдаланишади.

Ижтимоий назорат нафақат жамият, фуқаролик жамияти институтлари томонидан, балки ўз-ўзини назорат қилиш орқали ҳам амалга оширилади. Ўз-ўзини назорат қилиш – кишининг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворининг қабул қилинган ижтимоий меъёрларга мос эканлигини кишининг ўзи томонидан доимий равишда амалга оширишни назарда тутади. Ўз-ўзини назорат қилиш натижасида киши ўзининг ишончи, эътиқоди, дунёқараши, маънавий қадриятлари тизимидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини йўналтиради, ўз хатти-ҳаракатига баҳо беради. Ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятининг қай даражада шаклланиши ва ривожланиши кишиларнинг ижтимоийлашувидан

келиб чиқади. Кишиларнинг жамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиши, уларнинг ўз-ўзини назорат қилишини кучлироқ амалга оширишига сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай инсон жамиятда ўз обрўсини ва мавқеини йўқотишдан қўрқади. Бу ҳолат, айниқса, бизда Шарқ халқлари ҳаётида ниҳоятда кучлидир. Ижтимоийлашувнинг даражаси кишининг ўз ичидан чиқадиган назоратининг даражасига бевосита таъсир ўтказади. “Агар шахс ижтимоийлашув жараёнида ижтимоий меъёрларни ўз меъёри сифатида қабул қилса, унда ўз-ўзини назорат қилиш юқори даражада шаклланади. Ушбу жараён комплексли жараён бўлиб, ўз ичига жуда ҳам кўп омилларни қамраб олади”¹. Масалан, ижтимоий маконда ҳуқуқ ва қонун устуворлиги даражаси, ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг жамият ҳаётига нечоғли сингиб борганлиги, давлат сиёсати ва мафкуравий жараёнларнинг асосий характеристикаси, кишининг шахсий маънавий қадриятлар тизими ва бошқалар.

Ижтимоий назоратнинг ижтимоий муносабатларни бошқариш, тартибга солиш имкониятларидан келиб чиқиб, иккита муҳим йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

“Ретроспектив йўналиш – ижтимоий назоратнинг олдиндан мавжуд бўлган муаммоларини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, уларнинг механизмларини, ечимларини ва натижаларини чуқурроқ ўрганиш, баҳолаш, қабул қилинган меъёрлардан оғиш ҳолатларига қарши тура олиш усулларини таклиф қилишни назарда тутати.

Превентив йўналиш – кишиларда ўша жамиятда умумэтироф этилган ва аҳамиятга эга бўлган нормалар асосидаги хулқ-атвор стереотипларини шакллантириш. В.А.Ядовнинг фикрича, “Кишиларда хулқ-атвор стереотипларини шакллантириш, индивидуал, психологик ўзига хосликлардан келиб чиқиб амалга оширилгандагина самарали натижа бериши мумкин”².

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. - Т.: Янги аср авлоди,- 2006.- Б.265.

² Ядов В.А. Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности. - СПб., 2009. - С.283.

Ижтимоий муносабатлар тизимида ижтимоий назорат ижтимоий маконнинг тизимости қисми бўлиб, қуйидаги сифатларни ўзида мужассам этади:

маълум бир фаолиятга нисбатан шахснинг аниқ, барқарор позицияси ва муносабатининг мавжуд бўлиши, шу билан бирга, ушбу ҳолатдан унга фойда борлигига ишониш;

маълум бир фаолият турларига нисбатан аксиологик мўлжалларнинг мавжуд бўлиши, ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатининг оқибатлари учун ўзини маъсул ва жавобгар деб ҳис қилиш;

жамият томонидан унинг қадриятлари тизими қадрланишига ишонч ҳосил қилиш, яъни кишидаги ҳалоллик, виждонлилик, миллатпарварлик каби фазилатларнинг жамият томонидан қадрланишига ишончнинг мавжуд бўлиши, кишиларнинг ўз ҳаётий позициясига ишончини оширади;

ўз бурчи ва вазифаларини бажаришда жамият олдидаги жавобгарликни ҳис қилиш;

ўз имкониятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

жамият аъзолари орасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг, жавобгарлик ва маъсулиятнинг қай тариқа тақсимланганлиги ва уларнинг амал қилиши устидан қай тариқа назорат ўрнатилганлиги;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органларининг қонун доирасида, адолатли фаолият юритишига ишонч кабилар ушбу жараённинг бир бутун тизим сифатида мавжуд бўлиши ва амал қилишини шакллантиради.

“Ижтимоий макон ижтимоий муносабатларнинг ташувчиси сифатида фуқаролик жамияти институтлари, давлат ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти умумлашмаси сифатида бир бутунликни ташкил этади. Улар биргаликда ижтимоий тафаккур тарзини ва хулқ-атвор меъёрлари тизимини шакллантиради”¹. Дин ва диний ташкилотлар, оила, маҳалла, таълим тизими, касаба уюшмалари, сиёсий ҳаракатлар, сиёсий партиялар, жамоатчилик

¹ Кучкарова Г.Д. Роль ННО в формировании нравственных устоев гражданского общества. - Т.: Ижтимоий фикр, - 2008. - Б.67.

бирлашмалари жамиятдаги ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис жамоатчилик назоратини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва модернизациялаш шароитида жамоатчилик назорати мазмунида ана шундай ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бу эса, фаолият субъекти бўлган ҳар бир шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш билан бирга, бошқалардан, давлат ҳокимияти органларидан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни, вазифаларни бажаришларини талаб қилиши мумкинлигини англатади.

Мамлакатнинг барқарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим рол ўйнайди. Айти пайтда, жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув субъектларининг фаолиятини мавжуд ижтимоий меъёрлар, кадриятлар, ҳуқуқий андозалар ёрдамида назорат қилади.

“Ижтимоий назорат ва жамоатчилик назорати тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. “Жамоатчилик назорати” ва “ижтимоий назорат” тушунчалари ўртасидаги тафовут, аввало, шундаки, “ижтимоий назорат” тушунчаси мазмун доирасига кўра “жамоатчилик назорати” тушунчасидан кенгроқ. Бу тушунча таркибига “жамоатчилик назорати” тушунчасидан ташқари давлат назорати ва фуқаролик назорати ҳам киради. Чунки улар ҳам моҳиятан ижтимоий назоратнинг кўринишларидир”¹.

Жамоатчилик назоратига турли-туман таърифлар берилган. Жамоатчилик назоратининг асосий хусусиятларини камраб оладиган

¹ Вафаева Д.Б. К вопросу участия неправительственных организаций в осуществлении общественного контроля над органами государственной власти. Научно-методический журнал «Академия» №4 (19) Москва.Academy, 2017. - С.106.

қуйидагича таърифдан фойдаланиш ўринлироқ бўлади: “Жамоатчилик назорати — жамоат бирлашмалари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича юритадиган фаолият”¹. У, асосан, қуйидаги вазифаларни бажариди:

– “жамият аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, уларнинг манфаатлари ҳимоя тилиш;

– қонун устуворлиги ва қонунийлик принципларини давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қўллашни таъминлаш;

– жамият манфаатларини ҳимоя қилиш”².

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг вазифалари қуйидагича тавсифланади, “Жамоатчилик назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– давлат органлари ва жамиятнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш;

– давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг таъминланиши аҳволи тўғрисида фуқароларни таништириб бориш;

– давлат органларида фаолият юритаётган мансабдор шахсларини қонунга риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни жамоатчилик ёрдамида бартараф этиш, жамиятда ижтимоий адолат принципини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ҳамкорлиги”.

2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгаришлар жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берди. Конституциямизнинг 32-моддаси

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. -Т.: “Янги аср авлоди”, - 2006. -Б.137.

² Ўша асар. Б.137.

энди қуйидаги таҳрирда баён қилинди: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади”¹. Фуқароларнинг давлатни бошқаришда фаол иштироки ҳамда давлат органлари фаолияти юзасидан назоратини амалга ошириш Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши жамоатчилик назоратига мамлакатимизда қанчалик катта аҳамият берилаётганининг белгисидир.

“Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарзда ривожланиб боради. Фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгрок имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Иккинчи томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига олиб келади. Ривожланган ва кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди”².

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис жамоатчилик назоратини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

2017 йилда Мамлакатимизда ижтимоий назорат ва унинг намоён бўлиш шакллари бўлган жамоатчилик назорати ва фуқаролик назоратининг қонуний асослари мустаҳкамланиб берилди. Яъни “Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисидаги” қонун қабул қилинди. Ушбу

¹ Ўзбекистон республикаси конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.

² Вафаева Д.Б. К вопросу участия неправительственных организаций в осуществлении общественного контроля над органами государственной власти. Научно-методический журнал «Академия» №4 (19). Москва: Academy, 2017. - С.107.

фаолиятнинг барча кўринишлари бугунги кунда ушбу қонун асосида тартибга солинмоқда, бошқарилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, ижтимоий назорат ва унинг барча кўринишлари жамиятда ижтимоий муносабатларнинг турли жабҳаларини бошқаришда ниҳоятда муҳим. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда эса ушбу омил ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Гап шундаки, ҳар бир жамиятнинг ижтимоий сиёсий муносабатлар тизими ўзига хос тушулиш ва хусусиятларга эга. Ҳар бир мамлакатда ижтимоий нормаларнинг амал қилишини назорат қилишнинг турли усуллари ўзига хос самаралироқ бўлиши мумкин. Бу уша халқнинг менталитети, турмуш тарзи, ижтимоий-ахлоқий, диний қадриятлари тизими билан узвий алоқадорликда амалга оширилади. Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий, давлат назорати билан бир қаторда ижтимоий назорат ниҳоятда таъсирчан кучга эга. Бу бизнинг халқимиз ҳаётида жамоавийлик анъаналарининг кучли сақланганлиги, жамоатчилик фикри ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши билан боғлиқ. Ижтимоий назоратнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида таълим тизимимизда ишлаб чиқилган, “оила – мактаб - маҳалла” ҳамкорлиги дастурини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган ушбу тизим ижтимоий назоратнинг классик намоён бўлиши деб айта оламиз. Яъни боланинг таълим жараёнида ўрнатилган меъёрларга амал қилишини мактаб оила ва маҳалла билан биргаликда назорат қилиб боради. Бу ниҳоятда самарали тизим бўлиб, болаларнинг хулқ-атвори ва ўзлаштириши, ўз навбатида, мактаб фаолиятининг, ўқитувчилар дарсининг сифатини жамоатчилик томонидан назорат қилиш имконини беради. Ёки, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ва ажрашишларни камайтириш борасидаги назоратни амалга оширишда маҳаллада фаолият олиб борадиган яраштирув комиссияларининг хатти-ҳаракатини ҳам ижтимоий назоратнинг самарали кўринишларидан бири деб баҳолашимиз мумкин.

3.2. Ҳуқуқий-меъёрий тизим фуқаролик жамиятида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнини назорат қилишнинг асоси сифатида

Бугунги кунда инсоният ХХІ аср, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган, ҳуқуқий соҳада либераллаштириш жараёнлари жадал кечаётган, инсон ва унинг ҳаёти, фундаментал ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган бир даврда яшайпти. Инсон кадр-қимматини ҳимоя қилишнинг энг кучли тизими – бу, шубҳасиз, ҳуқуқий меъёрий тизимдир. Ҳар бир мамлакат бугун демократлаштириш принципларини кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кучли ҳуқуқий-қонуний асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”¹.

Ҳуқуқий норматив тизим, фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини назорат қилишнинг сифатини ва даражасини белгилаб берувчи омилдир. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаси сифатида ҳуқуқий тизимимизни дунё стандартларига мос равишда янгилаш, уни янада инсонпарварлаштириш масаласи кўриб чиқиляётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, ”Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, яна шу каби бир қатор қонунлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19-сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи// Халқ сўзи, 2017 йил 20-сентябрь.

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янада кучли механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги ишларнинг амалий кўриниши деб айтишимиз мумкин. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти, режалаштирган ислохотларининг амалга ошиши кўп жиҳатдан шу давлатнинг фуқароларини нечоғли юксак ҳуқуқий маданиятга эгаллиги, ҳуқуқий ижтимоийлашганлиги даражаси ва шу билан бирга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий меъёрий тизимига боғлиқ.

Хўш, ҳуқуқий меъёрий норма нима, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳуқуқий нормалар тизими қандай ўрин тутуди, мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги асосий муаммолар нималардан иборат эканлиги масалаларини ушбу параграфимизда фалсафий таҳлил қиламиз.

“Ҳуқуқий норматив тизим бу – ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши – таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни ифодалайди”¹. Ҳуқуқий норматив тизим – ҳуқуқ тизими, қонунчилик тизими, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий амалиётнинг ўзаро алоқадорликдаги бир бутун тизимидир. Ушбу тушунчанинг илмий тадқиқотларда бир қанча талқини мавжуд. Рус тадқиқотчиси С.С. Алексеев қайси тушунча орқали ҳуқуқий жараёнларни тўлиқ қамраб олиш имконига эга бўлиш мумкинлиги ҳақида фикр юритиди. Чунки ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий меъёрлар тизими дейилганда жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг юридик меъёрлари тизими тушунилади. Бу ушбу тушунчанинг мазмунини тор тушуниш ҳисобланиб, тушунчанинг ҳажмини тўлиқ қамраб ололмайди. Тушунчанинг чуқур ижтимоий аҳамиятини, мазмунини очиб бера олмайди. Кенг маънода ҳуқуқий тизим жамиятнинг ҳуқуқий тузулмаси бўлиб, ўз ичига ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган барча ҳодисаларни қамраб олади, Бунга ҳуқуқий нормалар,

¹ Бобоев Ҳ.Б, Исломов З.Б. Ҳуқуқ тизими. Ўқув қўлланма. - Т. , 2019.

ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий фаолият кабилар киради. Тор маънода, ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий нормалар, қонунчилик билан белгиланган хатти-ҳаракат меъёрларини ифодаловчи нормалар тизимини ифодалайди. Биз ушбу параграфимизда ҳуқуқий норматив тизимни тор маънода, давлат томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий нормалар тизимини шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнини назорат қилишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришишнинг асосий мезони сифатида ушбу мақсадларга эришишимизнинг ҳуқуқий асосларини, ҳар томонлама чуқур ўйланган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мамлакатда кучли ҳуқуқий меъёрий тизимни яратиш орқали амалга оширишни назарда тутди. Яъни, ҳар қандай давлат ўз сиёсатини кучли ҳуқуқий норматив тизим яратиш орқали амалга оширади. Давлатимизда ҳуқуқий норматив тизим ишлаб чиқишда А.Х.Саидовнинг фикрича, қуйидаги асосий омилларга таянади: “Биринчидан, демократиянинг умумэътироф этилган ғоялари ва қадриятларига таяниш, инсон ҳуқуқларининг умуммажбурий талабларидан келиб чиқиш; иккинчидан, кучли ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришда миллий манфаатлардан келиб чиқиш; учинчидан, шахсий манфаатлар билан ижтимоий манфаатлар, давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни тўғри шакллантириш; тўртинчидан, давлат ва жамиятни янгилаш ва модернизация қилишда босқичма-босқичлик, узвийлий тамойилларига асосланиш; бешинчидан, очиқлик ва транспарентлик тамойилларига асосланиш, барча муаммоларнинг муҳокамаси ва ечимида халқ билан мулоқот механизмларини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорлар билан биргаликдаги фаолиятни кучайтириш.¹” Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ҳуқуқий-норматив тизимни ишлаб чиқишда комплекс фаолият ташкил этилган бўлиб,

¹ Саидов А.Х. Узбекистан и всеобщая декларация прав человека. -Т.: Адолат, 2018.- Б.146.

бунда умумэтироф этилган ҳуқуқ нормалари ва миллий манфаатларимиз уйғунлиги, фуқароларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорликдаги фаолиятига алоҳида урғу берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, кишиларнинг фаолияти мезони, ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий норматив тизимнинг ҳар томонлама мукамал бўлишидир.

Ўзбекистон республикасида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг ҳуқуқий меъёрий тизими, биринчи навбатда, Ўзбекистон республикаси конституциясидир. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг таъсири, ушбу жараённинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши масалалари конституциямиз ва қонунларимизда ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг иккинчи бўлими, “Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” ҳамда учинчи бўлими “Жамият ва шахс”, деб номланиб, бунда шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёни билан боғлиқ масалалар мавжуд. Хусусан, конституциямизнинг иккинчи бўлим 18-моддасида тенглик принципи кўрсатилган бўлиб, ушбу модда жамиятда ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки фуқаролар, тили, дини, ирқи, жинси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар давлат томонидан бирдек ҳимоя қилинишига ишониши, ўзининг шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этиши, унинг қонунларга нисбатан ҳурмат туйғуларини шаклланишига сабаб бўлади ва у ўзини ўша маконда ҳимояланган сезади. “Бу шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида жуда муҳим. Зеро, ҳуқуқий ижтимоийлашув бу – авваламбор қонунларга ва ҳуқуқ нормаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишидир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида муҳим ҳуқуқий асос ва манба сифатида конституциямизнинг 20-моддасини ҳам эътироф этишимиз мумкин. Конституциямизнинг 2-бўлим 20-моддасида, “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва

жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”¹, деб белгиланган. Ушбу модда фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг муҳим элементи бўлган, қонунларга ҳурмат, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслик, давлат томонидан белгилаб берилган қонуний мажбуриятларни ўз вақтида бажариш кабиларни ўзида акс эттиради. Бунда ҳар бир шахс ҳуқуқий муносабатга киришар экан, ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ушбу муносабатларнинг бошқа субъектларининг ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилиши лозимлиги белгилаб берилган. Бундан ташқари, конституциямизда фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ва айбсизлик презумпцияси ҳуқуқларининг эътироф этилганлиги, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида таъсир этувчи ташқи омиллардан энг муҳими, шахснинг ўзи яшаб турган жамиятда ўзини дахлсиз, ҳар қандай тухмат, асоссиз айбланишдан ҳимояланганлигини ҳис этишидир. Ушбу принцип Конституциямизнинг 2-бўлим, 26-моддасида белгилаб қўйилган. “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”². Ушбу моддада яна бир муҳим жиҳат ҳар бир фуқаронинг сифатли, профессионал ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам эътироф этилмоқда. Бу эса, кишиларда қонунларга ва адолатга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди. Конституциямизда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг иккинчи муҳим жиҳати бўлган фуқаролик бурчлари ҳам қатъий белгилаб берилган. Зеро, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида, унинг ўз бурчларини англаб, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши ниҳоятда муҳимдир. Хусусан, Конституциямизнинг 2-бўлим, 48-моддасида

¹ Ўзбекистон республикаси конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.

² Ўзбекистон республикаси конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.

“Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур”¹, эканликлари белгилаб берилган”².

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни сифатида Конституциямизни шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг кучли ҳуқуқий-норматив тизимини асоси деб, айтишимиз мумкин. Айниқса, унинг иккинчи бўлими, “Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари” ва учинчи “Жамият ва шахс” деб номланган бўлимида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг ҳуқуқий асослари мустақамланиб берилган.

Бундан ташқари, мамлакатимизда сўнгги йилларда девиант хулқ атворнинг турли кўринишлари, хусусан, коррупцияга қарши тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда коррупцияга нисбатан ҳам давлат ҳам жамият томонидан мурасасиз кураш муҳитини шакллантириш ушбу иллатга қарши кураш самарадорлигини оширади деб ўйлаймиз. Ушбу қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу қонун нафақат коррупция ҳодисасига нисбатан, балки келиб чиқиши коррупция билан боғлиқ бўлган кўплаб девиант хулқ-атвор кўринишларига қарши курашга ижобий таъсир ўтказади. Ушбу ҳолатни “Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги” қонуннинг 5-моддасида алоҳида белгилаб берилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тамойил “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”, деб номланиб, унда “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш; - давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; - коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз

¹ Ўзбекистон республикаси конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2018.

² Махмудова А.Н. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг кучли ҳуқуқий-норматив тизимининг асоси // “Конституция Республики Узбекистан: Наука, образование и воспитание молодежи”. Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. Материалы научно-практического семинара. Тошкент, - 2020. - Б.171.

вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф етиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир етганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш”¹.

Шунингдек, қонунда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши жадал кураш фақат давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, коррупцияга қарши кураш қўмитасининг вазифаси сифатида қаралмасдан, бунда жамоатчилик назорати, ижтимоий назорат, фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам вазифаси эканлиги ҳуқуқий меъёр сифатида белгилаб берилган. Бу борада қонуннинг 14-моддасида шундай дейилган: “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгиланган”².

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин. Нодавлат ноижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши”³, айтиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолатларнинг барчаси дунё тажрибасида синалган бўлиб, Сингапур, Австралия, Швеция, Норвегия ва Дания сингари коррупцияга қарши курашнинг самарали механизмларини ишлаб чиққан мамлакатлар амалиётида яхши натижа бермоқда. Бунда асосий урғу жамиятда, кишилар онгида коррупциянинг салбий иллатлиги, мамлакат тараққиёти йўлидаги асосий муаммо ва режалаштирилган ислоҳотларнинг самарасига тўсқинлик қиладиган антисоциал ҳолат ва ҳуқуққа зид ҳаракат

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” - Т., 2017.3.01.

² Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” - Т., 2017. 3.01.

³ Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” - Т., 2017. 3.01.

эканлиги ҳақидаги қарашларни сингдиришга қаратилган. Қонуннинг шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи яна бир моддаси, 16-модда бўлиб, бунда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги масаласига ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга урғу берилади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг икки муҳим элементи сифатида ушбу жараёнга бир бутунлик бағишлайди.

Ютуқли жиҳатларидан бири шуки, қонунда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиш билан бир қаторда, ушбу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳам белгилаб берилган. Жумладан, қонуннинг 20-моддаси “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, деб номланиб, унда қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. - маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, руҳсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш; - тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик; - таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик; - нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш”¹ кабилар.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ниҳоятда муҳим ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий-маънавий аҳамият касб этади. Ушбу ҳодиса жамиятимизда фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув даражасини ошириш, юртимизда коррупция ва у билан боғлиқ турли жиноятларнинг камайиши, ахлоқий, ҳуқуқий соҳани тозалаш, ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг турмуш

¹Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” - Т., 2017. 3.01.

даражасини ошириш, ижтимоий соҳани яхшилаш, қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегиясида” белгилаб берилган барча устувор вазифаларни бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

“Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир этувчи, унинг самарадорлигини белгилаб берувчи яна бир муҳим ҳуқуқий норматив ҳужжат бу – Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонундир. Фуқаролик жамияти қуришда энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳодиса жамоатчилик назорати ва у билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун 2018 йилда қабул қилинган энг муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий норматив ҳужжатлардан биридир.¹

Қонуннинг 15-моддаси “Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, деб номланиб, унда қуйидагилар белгилаб берилган.

“Жамоатчилик назорати субъектлари: - жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш; - жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олишга; - жамоатчилик назорати натижаларига кўра, таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга; - фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга; - жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир”².

Ушбу модда ижтимоий сиёсий жараёнларнинг субъекти сифатида шахснинг жамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга унга ижтимоий-сиёсий жараёнлар устидан назоратни амалга оширишда кучли

¹ Vafaeva D.B. (Republic of Uzbekistan) The influence of Political consciousness on the formation and development of civil culture . doi: 10.24411/2542-0798-2020-17002 .LXX International correspondence scientific and practical conference «International Scientific Review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston, USA. may 20-21, 2020) .с.96-100.doi :10/24411/2542-0798-2020-17002

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”- Т., 2018 йил 12-апрель.

маъсулият юклайди, кишиларда фуқаролик позициясини шаклланишига кучли таъсир ўтказди. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган давлат ва фуқаро ўртасидаги легитимлик масаласига ҳам ушбу модда таъсир ўтказди. “Легитимлик лот. “legitimus”, қонунга мувофиқ, қонуний, ҳуқуққа мос, деган маъноларни билдиради”¹. Легитимлик давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонч ва келишувни ифодалайди. Халқ ва давлат ўртасида легитимликнинг кучлилиги шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг энг муҳим ҳал қилувчи омилларидан биридир. Чунки, кишиларнинг қонунларга, ҳуқуқий нормаларга нисбатан ҳурмати ва ишончи кўп жиҳатдан унинг давлатга бўлган ишончи асосида шаклланади. Давлат ва халқ ўртасидаги легитимликнинг ошишида жамоатчилик назоратининг субъектлари ўртасидаги ишонч ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Давлат ўз ваколатлари ва кучидан келиб чиқиб жамоатчилик назорати жараёнининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаши, жамоатчилик назоратининг ҳулосаси ва мурожаатларини ўз вақтида тезкор ва сифатли ечимларини таъминлаши, ушбу жараённинг самарали механизмга айланишининг асосий шarti ҳисобланади. Иккинчи томондан, фуқароларнинг, жамоат бирлашмаларининг, умуман, жамоатчилик назорати субъектларининг фаол фуқаролик позициясига эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўзининг фаол муносабатини билдириши, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг яна бир муҳим, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувини ривожлантириш ва назорат қилиш имкониятини кучайтирувчи ҳуқуқий норматив асосга эга бўлган моддаси, фикримизча 16-моддадир. Қонуннинг ушбу моддаси “Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, деб номланади. Моддада, “Давлат органлари:

¹Барихин А. Большая юридическая энциклопедия. – Москва: Луч, 2009. - С. 352.

- жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

-жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

-ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга”¹, деб белгиланган. Ушбу моддада жамоатчилик назоратининг субъектлари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари, ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмун моҳияти, мажбуриятларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ўз ифодасини топиши, жамоатчилик назоратининг жамоат тартибини бузмаган ҳолатда қандай тўғри ва самарали ташкил қилиш меъёрлари белгилаб берилган. Бунда энг асосий мезон сифатида давлат ва халқнинг манфаатларидан келиб чиқиш, хавфсизлик ва тартибга таҳдид қилмаслик масаласи белгилаб берилган.

Монографиямизнинг ушбу бобида ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг икки муҳим жиҳати, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида фикр юритдик. Бунда асосий эътиборимизни ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг самарали ташкил этилишида ижтимоий назорат, оила, маҳалла, ижтимоий муҳит, ўз-ўзини ташкиллаштириш ва ўз-ўзини назорат қилиш механизмларининг роли, кучи, устунлик ва афзаллик жиҳатлари, ушбу жараёндаги таъсирчан механизмларини илмий-фалсафий таҳлил қилдик. Иккинчи томондан эса, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг энг кучли механизми, қонунчилик, ҳуқуқий норматив тизимнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш имкониятларини тадқиқ қилдик. Бунда таққослаш методи орқали

¹Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида” - Т., 2018 йил 12-апрель.

Ўрганилаётган объектнинг икки жиҳатини солиштириш, ўзига хослик ва афзаллик жиҳатларини аниқлаш имкони пайдо бўлди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилишда ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий механизмлар бирдек зарур. Аммо бизнинг шарқона турмуш тарзимиз ва ўзига хос ижтимоий муносабатларимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг ижтимоий механизмларидан самарали фойдаланиш мумкин. Зеро, халқимиз ҳаётида миллийлигимиздан келиб чиққан ва асрлар давомида сақланиб келаётган жамоавийлик анъаналари мавжуд. Улардан девиант хулқ-атвронинг турли кўринишларига нисбатан курашишда ниҳоятда самарали фойдаланиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, ҳар қандай ҳуқуқий давлатда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари, жумладан, ҳуқуқий ижтимоийлашув тизимини ташкил этиш ва назорат қилишда ҳуқуқий норматив тизим энг кучли ва самарали механизм сифатида ўз кучини сақлаб қолади. Зеро, ҳуқуқий норматив тизимда ижтимоий назоратда мавжуд бўлмаган икки кучли қурол, мажбурлаш ва жазолаш қуроли мавжуд. Бу эса, ҳар қандай жамиятнинг энг асосий кучидир.

ХУЛОСА

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ватанимиз шу пайтгача мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тартиботдан тубдан фарқ қилувчи янгича тартибот, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, чунки мустақил давлатимиз ўз олдига қўйган фуқаролик жамияти, демократик давлат барпо этиш мақсади, ана шундай ўзгариш, янгиланишни тақозо этар эди.

Маълумки, ҳар қандай давлат, жамият ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида инсон омили, хусусан, шу давлатда яшаётган инсонларнинг дунёқараши, тафаккури, илмий салоҳияти, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданияти, қадриятлари мезони, ҳаётий принциплари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда, давлат томонидан илгари сурилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда ниҳоятда муҳимдир. Хонлиқлар даврида бошланган, Чор Россияси ва Совет ҳукумати томонидан кучайтириб келинган ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий фаолликни бўғиш сиёсати натижасида кишилиаримиз қон қонига ҳуқуқий нофаоллик сингиб борган. Кишилар онги ва руҳиятида сиёсатдан ҳадиксираш, қўрқиш ниҳоятда кучли бўлган. Бу эса, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммоларнинг фалсафий таҳлилини амалга ошириш натижасида биз, илмий-тадқиқотимизда қуйидаги хулосаларни келтириб чиқардик:

1. Ҳуқуқий ижтимоийлашув бу – инсон томонидан ҳуқуқий билимлар тизимини ўзлаштириш жараёнидир. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида инсон ўзи томонидан ўзлаштирилган ҳуқуқий билим, қадриятлар ва меъёрлар воситасида муваффақиятли тарзда ҳуқуқий ҳаётга мослашиб, унинг тўлақонли аъзосига айланиб боради.

2. Ҳуқуқий ижтимоийлашув – индивидуал, сиёсий ва ҳуқуқий онгининг шаклланиб, ривожланиб бориши ва ҳуқуқий маданиятга айланиши билан

узвий алоқадорликда ва мутаносибликда кечади. Шахсинг қонунларга итоаткорлик ва қонун ижрочилик ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шаклланиб боради.

3. Ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳодисаси мураккаб тизим бўлган жамият ва унинг ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожини, унда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини, шу жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрларга муносабати, ушбу элементларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирадиган ҳодиса, ҳуқуқий ижтимоийлашув билан боғлиқ. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши ва қонунларга итоаткорлик даражаси жамиятдаги тартиботнинг ва тараққиётнинг бош мезонларидан биридир.

4. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарғиботни ўз ичига олади. Жамиятда шахс ҳуқуқий маданиятини ва жамият ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда миллий ҳуқуқий мафкура яратилиши керак ва бу мафкура ижтимоий-сиёсий парокандаликларга олиб келадиган ғоялар негизида бўлмаслиги лозим. Чунки ҳуқуқий мафкура жамиятдаги ҳуқуқий асоснинг мавжудлигини, талабга жавоб беришини, ҳуқуқий нормаларнинг кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга катта ёрдам беради.

5. Замонавий фуқаролик жамиятида шахсинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви кишиларнинг ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий қадриятлар тизимида ўзини эркин ҳис қилиши учун ҳуқуқий ва сиёсий тизимларнинг биргаликдаги фаолиятини амалга ошириш лозим.

6. Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожлантирилиш масалалари билан фақат давлат ташкилотлари, давлат томонидан ташкил этилган институтлар эмас, жамият, нодавлат тузилмалар ҳам шуғулланиши лозим. Бу ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг шакллантиришда ва ривожлантиришда фаолият самарадорлигини ошириши мумкин.

7. Ижтимоий-ҳуқуқий назорат субъектлари ҳисобланган жамоат ташкилотларнинг шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари билан ҳамкорлиги “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти”¹ тамойилининг амалий ифодаси эканлигини англатади.

8. Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнини тизимли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлардан, давлат томонидан ўрнатилган қонун нормаларидан ва жамият томонидан асрлар давомида шакллантирилиб ва ривожлантирилиб келинаётган ахлоқий меъёрлардан шахснинг оғиш ҳолатлари, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари кучлилигича қолмоқда.

9. Замонавий шахс девиант хулқ-атворининг янги белгилари жамиятдан узоқлашиш, жамият эътироф этган меъёрларни инкор этиш, виртуал оламга интилиш, ўзининг янгича меъёрларини ишлаб чиқишга интилиш кабилар намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида жамият ва давлат томонидан асрлар давомида инсониятнинг энг умумий манфаатларини уйғунлаштирган ҳолатда ишлаб чиқилган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни барбод қилишга йўналтирилмоқда.

10. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнидаги энг муҳим ва ҳал қилувчи даврлардан бири бу ўсмирлик даври ҳисобланади. Бу даврда ўсмир катта ёшли кишилар сингари ўзида намоён бўладиган эркинликни исташини маҳорат билан яшира олмайди, шу билан бирга, унинг хулқидаги оғиш жамият аъзолари томонидан кичик болалардаги сингари осон ва кечиринч нуктаи назаридан қабул қилинмайди. Чунки, ўсмирни жамият ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиши, бошқариши ва ўз хатти-ҳаракати учун жавобгар шахс сифатида қабул қилади.

11. Ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2010. <https://medialaw.asia/node/7267>

органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилиши лозим.

12. Жамиятда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларнинг бажарилиши устидан давлат назоратидан ташқари тўғри ташкиллаштирилган ижтимоий-ҳуқуқий назорат механизмларининг мавжуд бўлиши, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ниҳоятда катта ва самарали ўрин тутади. Ижтимоий-ҳуқуқий назорат нафақат жамият, фуқаролик жамияти институтлари томонидан, балки ўз-ўзини назорат қилиш орқали ҳам амалга оширилади. Ўз-ўзини назорат қилиш – кишининг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворининг қабул қилинган ижтимоий меъёрлага мос эканлигини кишининг ўзи томонидан доимий равишда амалга оширишни назарда тутади.

13. Ҳуқуқий норматив тизим, фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини назорат қилишнинг сифатини ва даражасини белгилаб берувчи омилдир. Ҳуқуқий норматив тизим – ҳуқуқ тизими, қонунчилик тизими, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий амалиётнинг ўзаро алоқадорликдаги бир бутун тизимидир.

14. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилишда ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий механизмлар бирдек зарур. Шарқона турмуш тарзи ва ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг ижтимоий механизмларидан самарали фойдаланиш мумкин.

15. Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилишда ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий механизмлар бирдек зарур. Аммо бизнинг шарқона турмуш тарзимиз ва ўзига хос ижтимоий муносабатларимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг ижтимоий механизмларидан самарали фойдаланиш мумкин. Зеро, халқимиз ҳаётида миллийлигимиздан келиб чиққан ва асрлар давомида сақланиб келаётган жамоавийлик анъаналари мавжуд. Улардан девиант хулқ-атворининг турли кўринишларига нисбатан

курашишда ниҳоятда самарали фойдаланиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, ҳар қандай ҳуқуқий давлатда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари, жумладан, ҳуқуқий ижтимоийлашув тизимини ташкил этиш ва назорат қилишда ҳуқуқий норматив тизим энг кучли ва самарали механизм сифатида ўз кучини сақлаб қолади. Зеро, ҳуқуқий-норматив тизимда ижтимоий назоратда мавжуд бўлмаган икки кучли қурол, мажбурлаш ва жазолаш қуроли мавжуд. Бу эса ҳар қандай жамиятнинг энг асосий кучидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати



I. Бўлим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2020. –81 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23-сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12-апрелдаги ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13-мартдаги ЎРҚ-610-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4- майдаги ПФ-5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3-майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ойла институтини мустаҳкамлаш Концепцияси тўғрисида”ги Қарори.

10. 2018 йил 27-июндаги ПҚ-3808-сон “Ойла институтини мустаҳкамлаш концепцияси тўғрисида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// 2017.
<https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //2019. <https://kun.uz/99444746>

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 2020.
<https://president.uz/uz/lists/view/4057>

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4-мартдаги ПФ -6181-сон “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

15. Ўзбекистон республикаси Президенти Фармони “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси” тўғрисида. 30.12.2021

16. Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумидаги нутқи. 2.11. 2018 йил <http://uza.uz/posts/57924>

17. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъиян билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19.09. куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи // Ҳалқ сўзи, 2017 йил 20-сентябрь.

19. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.- 56 б.
20. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 2017.- 592 б.
21. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017.- 48б.
22. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.- Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -104 б.
23. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017, -488б.
24. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.// Халқ сўзи, 2017 йил 8-декабрь, №163 (6941).
25. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
26. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. -Т.: ”Ўзбекистон”, 2020.
27. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-жилд. -Т.:”Ўзбекистон”, 2006. -280 б.
28. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. -Т.: “Ўзбекистон” , 2007. -320 б.
29. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. -360 б.

30. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 й. <https://medialaw.asia/node/7267>

31. Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 9-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9-январь 2019 йилдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.

33. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида фармони //Халқ сўзи, 2016 йил 29 декабрь.

34. Апресян Р.Г. Правила социологического метода. – Москва: Наука. 2007.

35. Бааль Н.Б. Девиантное поведение в механизме формирования криминального экстремизма в молодежной среде // Вопросы ювенальной юстиции, 2008. - № 4.

36. Бабенко А.Н. Правовая социализация как процесс освоения правовых ценностей // Государство и право. 2005. № 2. 27.

37. Вафаева Дж.Б. Повышение качества образования - путь гуманитарного развития и экономического роста. Наука, образование, общество. Сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции. 31.01.2017 г., Россия, Тамбов.

38. Вафаева Д.Б. К вопросу участия неправительственных организаций в осуществлении общественного контроля над органами государственной власти. Научно-методический журнал «Академия» №4 (19) – Москва: Academy, 2017.

39. Вафаева Д.Б. К вопросу участия неправительственных организаций в осуществлении общественного контроля над органами

государственной власти. Научно-методический журнал «Академия», №4 (19) – Москва: Academy, 2017.

40. Вафаева Д.Б. Социокультурные условия становления гражданского общества в Узбекистане (социально-философский анализ). Монография. Самарканд: СамДУ, 2018.

41. Вафаева Д.Б. Влияние политического сознания на формирование и развитие гражданского общества. Российский журнал «Научный альманах». ISSN 2411-7609. 2020, N 4-2(66).

42. Гидденс Э. Устроение общества: Очерк теории структуризации. – М.: Академический проект, 2003.

43. Гидденс Э. Ускользящий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Весь мир, 2004. Трансформация интимности. Сексуальность, любовь и эротизм в современных обществах / Пер. с англ. В. Анурина. – СПб.: Питер, 2004.

44. Гиллинский Я.И.. Социология девиантного поведения и социального контроля. / Мир России. 1997. №1.

45. Жинко А.Н. Правовая социализация личности в контексте правового воспитания и юридического образования. – Ростов на Дону, 2012.

46. Жуманиязов Б.О. Построение гражданского общества в Узбекистане. Актуальные вопросы общественных наук. – Новосибирск, 2016.

47. Кадырова З. Повышение социальной активности и толерантности молодежи как важный фактор духовно-нравственной основы гражданского общества в Узбекистане. Фалсафа ва ҳуқуқ журнали, 2006.

48. Калашников С.В. Социальное государство: эволюция и этапы становления // Человек и труд. 2002.- № -10.200, //Бэррон Р., Ричардсон Д. Агрессия. СПб., 1997.

49. Ковалева А.И. Концепция социализации молодежи: нормы, отклонения, социальная траектория // Социологические исследования, – 2003. - № 6.

50. Махмудова А.Н. Шах ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнида ҳуқуқий тарбиянинг шаклланиши Наманган давлат университетининг ахборотномаси. – Наманган, 2020. 5-сон.

51. Махмудова А.Н. Фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви. “Science and Education” илмий журналнинг “Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги 2-сонли онлайн конференцияси. – Тошкент 31.05.2020.

52. Махмудова А.Н. Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасининг фалсафий ва методолик таҳлили. Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. Материалы научно-практического семинара «Конституция Республики Узбекистан: Наука, образование и воспитание молодёжи» 3.12. 2019 г. Том 2.

53. Махмудова А.Н. Проблемы правовой социализации личности в современном гражданском обществе Журнал “НамДУ Илмий ахборотномаси” 2019, 3-сон (11), <http://uzjournals.edu.uz/namdu/voll/>

54. Махмудова А.Н. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик Фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент, 2020, - Махсус сон, Б.213-216.

55. Махмудова А.Н. Правовая социализация молодёжи как фактор развития гражданского общества. Science and Education” илмий журналнинг “Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги 1-сонли онлайн конференцияси. – Тошкент, 27.04.2020, С.478-480.

56. Попандопуло О.А. Правовая социализация личности в современном российском обществе: социально-философский анализ. Диссертация кандидата философских наук. – Волгоград, 2015.

57. Половинкин В.А. Социальный контроль в системе общественных отношений. – Санкт Петербург, 2012.

58. Саидов С. Ш. Ижтимоий капитал – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. – Т., 2019.

59. Саидов С. Ш. Фуқаролик жамияти (Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши). – Т., 2020.
60. Синьюкова Т. Основные аспекты правовой социализации. – М.: Наука, 2004.
61. Сунцов Е.А. Актуальные проблемы воспитания правовой культуры молодежи // Общество и право. 2009. – № 3.
62. Тимофеева С.В. Социализация жилищного права: проблема выбора приоритетов // Военно-юридический журнал. 2007. –№ 5. – С.176.
63. Vafaeva D.B. (Republic of Uzbekistan) The influence of Political consciousness on the formation and development of civil culture . doi: 10.24411/2542-0798-2020-17002 .LXX International correspondence scientific and practical conference «International Scientific Review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston. USA. may 20-21, 2020) .с.96-100.doi :10/24411/2542-0798-2020-17002.
64. Makhmudova A.N.The role of Social control in the legal socialization of the individual. *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal*, India. ISSN: 2249-7137, Vol. 10, Issue 5, May 2020, Impact Factor: SJIF 2020=7,13; DOI:10.5958/2249-7137.2020.00274.8, P. 712-721.
65. Makhmudova A.N.Influence of legal socialization on the process of designing legal culture and legal consciousness of personality in modern civil society *Academicia An International Multidisciplinary Research Journal*, India. ISSN: 2249-7137, Vol. 10, Issue 5, May 2020, Impact Factor: SJIF 2020=7,13; DOI:10.5958/2249-7137.2020.00274.8 p. 73
66. Makhmudova A. Guarantee of legal basic of supporting human rights in new level of Uzbekistan’s development. *International Journal of Advanced Science and Technology* Vol.29 .No.5, (2020), p.1767.
67. Абу Али ибн Сино. Донишнома. - Тошкент: 1980.
68. Абу Носир Форобий.Фозил одамлар шахри.-Т.: А.Қодирий нашриёти, 1993.
69. Адливанкин А.И.. Готы и эмо. - М., 2012.

70. Алексеев, С. С. Теория государства и права: учебник / С. С. Алексеев. – М., Норма, 2004.
71. Барихин А. Большая юридическая энциклопедия. – Москва: Луч, 2009.
72. Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.Б. Ҳуқуқ тизими. Ўқув қўлланма. –Т., 2019.
73. Бозорбоев Э.Ш. Правовое сознание. – Т.: Шарқ юлдузи, 2004.
74. Гидденс Э., Саттон Ф. Основные понятия в социологии. — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2018.
75. Гуляхин В.Н. Правовая социализация человека. –М.: Юстицинформ, 2014.
76. Горбачев. В.Г. История философии.- Брянск.: 1998.
77. Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. История философии. – М.: Владос, 2000.
78. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. М., Канон, 1996. Социология. Её предмет, метод, предназначение / Пер. с фр., сост., послесл. и прим. А. Б. Гофмана. — М.: Канон, 1995. Самоубийство. Социологический этюд. — СПб., 1992.
79. Жабборов И., Жабборов С. Обычи, традиции и право. –Т.: Узбекистон, 2014.
80. Жалилов А. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2016.
81. Киргизбаев М. Гражданское общество: генезис, формирование и развитие. –Т.: 2010.
82. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
83. Кондратов Е.В. Моделирование концепции человека в системно эволюционной теории. – М., 2005.
84. Короленко Ц.П., Донских Т.А. Обзор теоретических аспектов деструктивного поведения. – Красноярск: Наука, 2016.

85. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
86. Киргизбаев М. Повышение политической культуры – приоритетное направление гражданского общества. – Т.: Ижтимоий фикр, 2000.
87. Кучкарова Г.Д. Роль ННО в формировании нравственных устоев гражданского общества. – Т., Ижтимоий фикр, 2008.
88. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. –Тошкент, 2009.
89. Маматов Х. Ҳуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. –Т.: Адолат, 2016.
90. Ма'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati. - Т., 2013.
91. Миракилов М. Жамоат назорати: давлат органлари ходимларининг ёнунга рия этиши, маъсулият билан ёндашишини таъминлайди. Т. 2018
92. Отамирзаев О. Социальная активность молодежи независимого Узбекистана. – Т., 2002.
93. Парсонс Т. О структуре социальных актов. – М., 2003.
94. Пономарев А.И. Налог как экономическая основа социализации личности. – Финансовое право, 2009.
95. Ратинов А. Юридическая психология. – Москва: Юрист, 2001.
96. Росс Э., Парк Р. Организация и правовое регулирование взаимодействия общественных институтов. – Москва: Юрист, 2007.
97. Саидов А.Х. Узбекистан и всеобщая декларация прав человека. – Т. Адолат, 2018.
98. Саидов А. Сравнительный правоведение. Учебник. – Москва: Норма, 2006.
99. Саидов А. Типология и классификация правовых систем современности. – Тошкент: Янги аср авлоди, 1998.
100. Саидов А. Типология и классификация правовых систем современности. Т. Янги аср авлоди, 1998.

101. Сауляк О.П. Законность и правопорядок: на пути к новым парадигмам. – Москва: Юрлитинформ, 2009.
102. Смелзер Н. Социология Под ред. В.А. Ядова. – М.: Феикс, 1994.
103. Тард Т. Преступление толпы. Под ред. Смирнова А., Казань, 2016.
104. Тураев Б.О. Борлиқ мохияти, шакллари, хусусияти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
105. Тўраев Б.О. Фалсафа тарихининг қисқача баёни. //Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. 2-сон, Б.13
106. Хакен Г. Синергетика. – М.: Наука, 1986.
107. Хакимова И.М. Девиант ҳуқ-атвор психологияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2014.
108. Шиханцов Г.Г. Юридическая психология. – М., 1998.
109. Ядов В.А. Саморегуляция и прогнозирование социального поведения личности. – СПб., 2009.
110. Яхшиликков Ж.Я. Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий методологик асослари \ – Т., 2019.
111. <http://archive.qalampir.uz>
112. <http://cheloveknauka.com>
113. <http://lex.uz>
114. <http://uza.uz>
115. <http://www.xabar.uz>
116. <https://m.kun.uz/news>
117. <https://president.uz>
118. <https://www.dissercat.com>
119. <https://www.gazeta.uz>
120. <https://gorky.media>
121. <https://www.lit-phil.ru>
122. <http://anthropology.ru>
123. <https://iphras.ru/books.htm>

124. <https://www.litres.ru>
125. <http://ziyonet.uz/ru>
126. <https://www.natlib.uz/>
139. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/>
140. <https://anarim.az>